

657  
И 34

657

□  
7  
W  
m

«СОЛИҚЛАР ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ»  
ГАЗЕТАСИ КУТУБХОНАСИ

2002 ЙИЛДАН ЖОРИЙ  
ЭТИЛАДИГАН  
ҲИСОБВАРАҚЛАР ЯНГИ  
РЕЖАСИ АСОСИДА  
КОРХОНАЛАРДА  
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

2032717

Маълумот берувчи қўлланма  
2-қисм

4-чиқарилиш

360034

«Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи  
Тошкент — 2001

658/083)

65.052

В 94

Тузувчилар:

Д. И. Шаулов, У. Т. Кан

Таҳрир кенгаши:

Б. А. Хужаев, В. С. Беганов, Ж. Х. Абдуллаев,  
М. М. Перпер, Э. Ф. Гадоев, Д. И. Шаулов,  
У. Т. Кан, Л. П. Югай

Нашр менежери В. С. Муслимов

В 94 2002 йилдан жорий этиладиган ҳисобварақлар янги режаси асосида корхоналарда бухгалтерия ҳисоби: 2-қисм // Туз.: Д.И.Шаулов, У.Т.Кан. Тахр. кенгаши: Б.А. Хужаев ва б.— Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001.—352 б.— («Солиқлар ва божхона хабарлари» газетаси кутубхонаси туркуми, 4-чиқ.)  
I. Шаулов Д.И., туз.

2002 йилдан бошлаб жаҳон бухгалтерия стандартларига мувофиқ янги ҳисобварақлар режаси жорий этилиши муносабати билан янги нашрни тайёрлаш зарурати тугилди. Мазкур нашрдан мақсад — бухгалтерия ҳисоби ва унинг принциплари моҳиятини бухгалтерия ҳисоби ходимлари ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари учун содда шаклда кенг ёритишдан, шунингдек янги ҳисобварақлар режасини ўзлаштириш жараёнини жадаллаштиришдан иборат.

Муаллифлар бухгалтерия ҳисоби бўйича таълимий ва йуриқномавий материаллар мажмуини тавсиялар кўринишида содда шаклда баён этганлар.

Бироқ муаллифлар курсатилган материаллар фақат тавсия этиш ва маълумот бериш хусусиятига эгаллигини, шунингдек меъёрий ҳужжатлар бўлиб ҳисобланмаслигини қатъий оҳангда таъкидладилар.

Муаллифлар мазкур маълумотномани нашр этишга тайёрлашда иштирок этган кишиларнинг ҳаммасига миннатдорчилик билдирадилар.

ББК 65.052

© «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001.

## 7-боб. КЕЛГУСИ ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ВА МУДДАТИ КЕЧИКТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАР — ЖОРИЙ ҚИСМ

### 7.1. Келгуси даврлар харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Мазкур ҳисобот даврида амалга оширилган, лекин жорий қисми бўйича келгуси ҳисобот даврларига тааллуқли бўлган харажатлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

3110 «Олдиндан тўланган ижара»

~~3120 «Олдиндан тўланган хизматлар»~~

3190 «Бунақланган бошқа харажатлар»

Хусусан, ушбу ҳисобварақда:

даврий матбуот нашрларига йиллик обунанинг бутун суммасини олдиндан тўлаш;

мол-мулкнинг йиллик суғуртасини тўлаш;

кейинги даврлар учун ижара ҳақини қириш билан боғлиқ харажатлар ва келгусида таннархга киритилиши мумкин бўлган бошқа харажатлар акс эттирилиши мумкин.

Келгуси даврларнинг харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида ҳисобга олинган харажатлар 2010-«Асосий ишлаб чиқариш», 2310-«Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришлар», 2510-«Умумишлаб чиқаришлар» ҳисобварақлари давр харажатларини ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари дебетида ҳисобдан чиқарилади. Келгуси даврлар харажатларини жорий харажатларга ҳисобдан чиқариш учун сўндиришнинг белгиланган муддати давомида бир меъёрда ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми ёки миқдорига мутаносиб равишда амалга оширилади.

3110-«Олдиндан туланган ижара» ҳисобварағида мазкур ҳисобот даврида туланган, лекин келгуси ҳисобот даврларига тааллуқли бўлган ижара ҳақи, масалан, йил бошида ҳужалик юритувчи субъект ижара ҳақини йил учун олдиндан тўлаган бўлса, ҳисобга олинади.

3120-«Олдиндан туланган хизмат» ҳисобварағида мазкур ҳисобот даврида олдиндан туланган, лекин келгуси ҳисобот даврларига тааллуқли бўлган хизматлар ҳисобга олинади. Хусусан, ушбу ҳисобварақда корхона ходимлари учун обуна бўлиш, йул чипталарини харид қилиш харажатлари акс эттирилиши мумкин.

3190-«Бунақланган бошқа харажатлар» ҳисобварағида аввалги ҳисобварақларда ҳисобга олинмаган, бунақланган бошқа харажатлар ҳисобга олинади.

Келгуси давр харажатларининг таҳлилий ҳисоби ҳисобварақлар, харажатлар моддалари ва харажатлар объектлари (йўналишлари) бўйича юритилади.

## 7.2. Муддати кечиктирилган харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари – жорий қисм

Муддати кечиктирилган бошқа харажатларнинг вақтга доир фарқлари ва жорий қисми бўйича муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиқларининг жорий қисмига доир ахборотни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

3210 «Вақтга доир фарқлар бўйича муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи — жорий қисм»

3290 «Муддати кечиктирилган бошқа харажатларнинг жорий қисми»

Муддати кечиктирилган солиқларнинг узоқ муддатли ва жорий қисмлари «Маҳсулот (ишлар, хиз-

матлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларини шакллантириш тартиби туғрисидаги Низом»нинг 2-иловасига биноан ҳозирги ҳисобот даврида, сўнгра эса — кейингисида мазкур харажатлар амал қилишининг бутун фойдали муддати давомида ёки 10 йил давомида ҳисоб-китоб қилинади ва туланади, ушбу муддатларнинг қайси қисмига боғлиқ ҳолда фойдага тескари тартибда ҳисобга олиниши керак.

Вақтга доир фарқ — ҳисобот даври учун солиқ солинадиган ва ҳисобдаги даромадлар ўртасидаги фарқдир, у даромад ва харажатларнинг баъзи моддалари солиқ солинадиган даромадга киритиладиган ҳисобот даври улар ҳисобидати даромадга киритиладиган ҳисобот даври билан мос тушмаслиги туфайли юзага келади. Вақтга доир фарқ кейин келадиган даврларда бекор қилинади.

Муддати кечиктирилган бошқа харажатларнинг жорий қисмига узоқ муддатли қисми 0940-«Муддати кечиктирилган бошқа узоқ муддатли харажатлар (келгуси даврлар харажатлари)» ҳисобварағида ҳисобга олинадиган ва 3110-«Келгуси даврлар харажатлари» ҳисобварағида ҳисобга олиш назарда тутилмаган харажатлар киритилади. Масалан, саноатнинг мавсумий тармоқларида ишлаб чиқаришга тайёрлаш, ерларни рекультивациялаш билан боғлиқ ва бошқа шу сингари харажатлар.

Вақтга доир фарққа тааллуқли бўлган харажатлар бўйича солиқни ҳисоблаб ёзиш 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» ҳисобварағи кредити ва ҳисобварақлар: узоқ муддатли қисмда — 0930 «Вақтга доир фарқ бўйича муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи», жорий қисмда — 3210 «Вақтга доир фарқ бўйича муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи — жорий қисми» дебети бўйича умумий суммада акс эттирилади.

Муддати кечиктирилган солиқ тегишли қисмининг узоқ муддатли қисмда жорий қисмга ўтказилиши 3210-«Вақтга доир фарқлар бўйича муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи — жорий қисм» ҳисобварағи дебети ва 0930-«Вақтга доир фарқ бўйича муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» ҳисобварағи кредити бўйича акс эттирилади.

Солиқ муддати кечиктирилган харажатларнинг тегишли суммасига пасайтириладиган давр юзага келганда солиқ суммаси 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» ҳисобварағи дебети ва 3210-«Вақтга доир фарқлар бўйича муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи — жорий қисм» ҳисобварағи кредити бўйича акс эттирилади. Шу тариқа 3210-«Вақтга доир фарқлар бўйича муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи — жорий қисм» ҳисобварағи дебети бўйича сальдо солиқ суммасининг жорий қисмини кўрсатади, жорий ҳисобот даврида бюджетга тўланадиган солиқнинг умумий суммасини жорий ҳисобот даврида шу суммага камайтириш зарур.

3290-«Муддати кечиктирилган бошқа харажатларнинг жорий қисми» ҳисобварағи дебетида муддати кечиктирилган харажатлар 0940-«Муддати кечиктирилган бошқа узоқ муддатли харажатлар (келгуси даврлар харажатлари)» ҳисобварағи кредити билан корреспонденцияда ҳисобга олинади. Ушбу харажатлар жорий харажатларга киритиладиган вақт даври келганда улар 3290-«Муддати кечиктирилган бошқа харажатларнинг жорий қисми» ҳисобварағи кредитидан ушбу харажатларни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари: 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» ва ҳоказолар дебетига ўтказилади.

3210-«Вақтга доир фарқлар бўйича муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи – жорий қисм» ва 3290-«Муддати кечиктирилган бошқа харажатларнинг жорий қисми» ҳисобварақлари бўйича таҳлилий ҳисоб муддати кечиктирилган солиқлар ва харажатларнинг ҳар бир тури, ҳар бир давр ва ҳисобдан чиқариш муддатлари бўйича юритилади.

## 8-боб. ОЛИШГА ДОИР ҲИСОВВАРАҚЛАР

Ушбу боб ҳисобварақлари харидор ва буюртмачилардан олинадиган тўловномалар (счётлар), олинган векселлар, дебиторлик қарзи ва турли юридик ҳамда жисмоний шахсларга берилган бўнақлар, шунингдек алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олинадиган тўловномалар, ходимлар, муассислар ва турли дебиторларнинг қарзи тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Шу жумладан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган валюта операциялари бўйича ҳисоб-китоблар ушбу боб ҳисобварақларида сўмда ҳисобга олинади. Улар хорижий валютани ҳисоб-китоб-пул ҳужжатларини ёзиш санасида амал қилган курс бўйича қайта санаш йули билан белгиланади. Айти вақтда ушбу операциялар ҳисоб-китоблар ва тўловлар бўйича хорижий валютада аме этирилади. Хорижий валюталар билан операциялар бўйича курсдаги фарқ, шу жумладан бухгалтерия балансини тузиш санасида қарзни қайта баҳолашга доир фарқ 9540 «Курс фарқидаги (мусбат) даромадлар» ёки 9620 «Курс фарқидаги зарарлар» ҳисобварағига киритилади. Ушбу бўлимда ҳисобнинг қуйидаги ҳисобварақларида ҳисобга олиш тартиби ёритилади:

- 40 — Олишга доир ҳисобварақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 41 — Бўлималардан олишга доир ҳисобварақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 42 — Даъволар бўйича олишга доир ҳисобварақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 43 — Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари



- 44 — Ходимларга берилган бунакларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 45 — Солиқлар ва мажбурий туловлар буйича бунак туловларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 46 — Бошқа операциялар буйича ходимларнинг қарзини ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 47 — Устав сармоясига (фондига) бадаллар буйича муассисларнинг қарзини ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 48 — Турли дебиторларнинг қарзини ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 49 — Гумонли қарзлар буйича захирани ҳисобга олиш ҳисобварақлари

### 8.1. Олишга доир ҳисобварақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Товарлар, тайёр маҳсулот, бажарилган ишлар, курсатилган хизматлар учун дебиторлик қарзи буйича харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисобкитоблар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олишга доир туловномалар»

4020 «Олинган векселлар — жорий қисм»

4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олишга доир туловномалар» ҳисобварағида юклаб жунатилган маҳсулот (товарлар), бажарилган ишлар ва курсатилган хизматлар учун харидор ва буюртмачиларга тақдим этилган ва банк томонидан тулашга қабул қилинган ҳисоб-китоб ҳужжатлари буйича дебиторлик қарзи ҳисобга олинади.

4020-«Олинган векселлар — жорий қисм» ҳисобварағида харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар буйича, олинган векселлар билан

таъминланган дебиторлик қарзи ҳисобга олинади. Бунда оддий ва ўтказма векселлардан фойдаланиш мумкин.

Оддий вексель — бир тарафнинг (вексел берувчининг) тўлов муддати келганда бошқа тарафга (вексель тутувчига) амалга оширилган савдо битимлари бўйича ёки бажарилган ишлар ёхуд кўрсатилган хизматлар учун тўлаш бўйича муайян пул суммасини тўлашга ёзма қарз мажбурияти.

Ўтказма вексель (тратта) — кредитор (трассант) томонидан ёзилади ва дебитор (трассат)га векселда кўрсатилган суммани учинчи шахсга (ремитентга) ёки тақдим этувчига тўлаш буйруғини ўз ичига олади. Ушбу ҳужжат у трассат томонидан акцептланганидан кейин қарз мажбуриятига айланади. Узатиш ёзуви (индоссамент) ёрдамида вексель ҳаммабоп кредит-ҳисоб-китоб ҳужжати функциясини бажариб, қайта-қайта ишлатилиши мумкин.

Вексель тутувчи индоссамент воситасида векселни банкка тўлов муддати келишигача топширади ва банк фойдасига дисконтнинг ҳисоб фоизини чегирган ҳолда вексель суммасини олади.

Агар харидор (буюртмачи) қарзини таъминлайдиган олинган вексель бўйича фоиз кўзда тутилган бўлса, ушбу қарзни сўндиришнинг боришига қараб 5110-«Ҳисоб-китоб варағи» ёки 5210-«Валюта ҳисобварағи» ҳисобварағининг дебети ва олишга доир ҳисобварақларини ҳисобга олиш ҳисобварағи (қарзни сўндириш суммасига) ва 9530-«Фоизлар кўринишидаги даромадлар» (фоиз миқдорига) ҳисобварағининг кредити бўйича ёзув қайд этилади.

Олишга доир ҳисобварақлар асосий (операцион) фаолият даромадларини (90) ҳисобга олиш ҳисобварақлари ва асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини (93) ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда харидорларга (буюртма-

чиларга) ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилган суммага дебетланади.

Олишга доир ҳисобварақларни ҳисобга олиш (40) ҳисобварақлари пул маблағларини ҳисобга олиш, келиб тушган туловлар суммалари ҳисоб-китоблари, олинган бунақларни эътиборга олиш ва ҳоказо ҳисобварақлар билан корреспонденцияда кредитланади.

Муддатида туланмаган векселлар рад этилган векселлар ҳисобланади. Вексель протест қилинганидан кейин судга мажбуриятлар буйича солидар жавобгар бўлган вексель берувчилар ва индоссантлар томонидан қарз мажбуриятларини сундиришга даъво берилди. ~~Мазкур ҳолда рад этилган векселнинг номинал суммаси фоизлар билан бирга 4020-«Олинган векселлар – жорий қисм» ҳисобварағи кредитидан 4210-«Даъволар буйича олишга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи дебетига ҳисобдан чиқарилади.~~

Олишга доир ҳисобварақларни ҳисобга олиш (40) ҳисобварақлари буйича таҳлилий ҳисоб харидорларга (буюртмачиларга) тақдим этилган ҳар бир ҳисобварақ буйича юритилади.

## 8.2. Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олишга доир ҳисобварақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

4110-«Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олишга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан (филиаллар, ваколатхоналар, бўлинмалар ва бошқа алоҳида бўлинмалар) олишга доир ҳисобварақлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Ушбу ҳисобварақда ажратилган мол-мулк ва бошқа жорий операциялар буйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

Таъсис шартномалари, ниятлар шартномалари ва ушбу бўлинмаларни ташкил этиш тўғрисида муассисларнинг қарори, мол-мулкни топшириш тўғрисидаги қарор ва шу сингари бошқа ҳужжатлар ҳисоб-китобларини амалга ошириш учун асосий ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади.

Кўрсатилган бўлинмаларга ажратилган мол-мулк корхоналар томонидан асосий воситалар (01), номоддий активлар (04), ўрнатиладиган ускуналар (07), материаллар (10) ва ҳоказоларни ҳисобга олиш ҳисобварақларидан 4110-«Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олишга доир ҳисобварақлар» ҳисобварақлари дебетига ҳисобдан чиқарилади.

4110-«Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олишга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи бўйича таҳлилий ҳисоб ҳар бир бўлинма бўйича юритилади.

### 8.3. Даъволар бўйича олишга доир ҳисобварақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

4210-«Даъволар бўйича олишга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи мол етказиб берувчилар, пудратчилар, транспорт ва бошқа ташкилотларга тақдим этилган даъволар, шунингдек уларга тақдим этилган ва эътироф этилган (ёки ҳукм этилган) жарималар, пенялар ва неустойкалар бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

4210- «Даъволар бўйича олишга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи дебети бўйича, хусусан, қуйидагилар бўйича ҳисоб-китоблар акс эттирилади:

— мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва транспорт ташкилотларига уларнинг ҳисобварақларини текшириш вақтида (улар акцептланганидан ке-

йин) аниқланган, шартномалар билан шартланган ёки прејскурантларда кўзда тутилган нархлар ва тарифларнинг номувофиқликлари бўйича, шунингдек арифметик хатолар аниқланган тақдирда даъволар бўйича — мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари ёки мол етказиб берувчилар ва пудратчилар томонидан тақдим этилган ҳисобварақларда нархларнинг оширилгани ёки арифметик хатолар товар-моддий бойликлар ёки харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари бўйича ёзувлар (мол етказиб берувчи ва пудратчилар томонидан фактураланган нархлар ва ҳисоб-китоблардан келиб чиққан ҳолда) амалга оширилганидан кейин аниқланган бўлса, ишлаб чиқариш захиралари, товарлар ва тегишли харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда;

— мол етказиб берувчилар, транспорт ва бошқа ташкилотларга йўлда юкнинг табиий йўқолиш меъёрлардан ортиқча камомади учун даъволар бўйича — мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақларни (60,70) ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда;

— мол етказиб бериш ёки пудратчилар айбига кўра юзага келган брак ва ишламай туришлар учун тўловчилар тан олган ёки арбитраж ҳукм қилган суммалардаги даъволар бўйича — ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда;

— банк муассасаларига корхона ҳисобварақларидан янглиш равишда ҳисобдан чиқарилган (утказилган) суммаларга доир даъволар бўйича — пул маблағлари, банк кредитларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда;

— мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқалардан шартнома мажбуриятларини бажармаган-

лиги учун тўловчилар тан олган ёки хўжалик суди ҳукм этган миқдорларда ундириладиган жарималар, пенялар ва неустойкаларга доир даъволар бўйича (тақдим этилган, тўловчилар тан олмаган даъволар суммалари ҳисобга қабул қилинмайди) — 9390-«Бошқа операцион даромадлар» ҳисобварағи билан корреспонденцияда.

4210-«Даъволар бўйича олишга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи келиб тушган тўловлар суммасига пул маблағларини ҳисобга олинн ҳисобварақлари билан корреспонденцияда кредитланади. Кейинчалик ундирилиши керак бўлмаганлиги аниқланган суммалар одатда 4210-«Даъволар бўйича олишга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи дебети бўйича ҳисобга қабул қилинган ҳисобварақларга киритилади.

4210-«Даъволар бўйича олишга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи бўйича таҳлилий ҳисоб ҳар бир дебитор ва алоҳида даъволар бўйича юритилади.

#### 8.4. Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Товар-моддий бойлиқлар ва бошқа активларни етказиб бериш ёки ишларни бажариш учун, шунингдек буюртмачилардан қисман тайёрлик бўйича қабул қилинган маҳсулот ва ишларга тўлаш бўйича берилган бўнақларга доир ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

4310 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга ТМБ учун берилган бўнақлар»

4320 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли активлар учун берилган бўнақлар»

Берилган бўнақлар, шунингдек маҳсулот ва ишлар қисман тайёр бўлганда амалга оширилган тўлов суммаси 4310-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга ТМБ учун берилган бўнақлар» ҳисобварағи дебити бўйича 5110- «Ҳисоб-китоб варағи», 5210- «Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари» ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эгтирилади.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўнақ мол етказиб берувчи билан корхона ўртасида тузилган шартнома ёки контракт асосида берилади. Айрим ҳолларда ишларнинг қисман бажарилиши тўғрисида далолатнома тузилиши мумкин. ТИАВ ва ваколатли банкларда рўйхатга олинган контрактлар хорижий шериклар билан асосий ҳужжатлар ҳисобланади. Бунда тўлов топшириқномаларида қисман тўланган ҳақ ва олдиндан ҳақ тўлаш фоизлари кўрсатилади.

4310-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бериладиган бўнақлар» ҳисобварағи бўйича таҳлилий ҳисоб ҳар бир дебитор бўйича юритилади.

### 8.5. Ходимларга берилган бўнақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Корхона ходимларига берилган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

4410 «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича берилган бўнақлар»

4420 «Хизмат сафарларига берилган бўнақлар»

4430 «Умумхўжалик эҳтиёжларига берилган бўнақлар»

4490 «Ходимларга берилган бошқа бўнақлар»

Ушбу ҳисобварақларда корхона ходимларига меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича берилган бўнақлар, ҳисобот учун маъмурий-хўжалик ва операцион жа

ражатлар, шунингдек хизмат сафарларига бериладиган бўнаклар ҳисобга олинади.

Корхона ходимларига нақд пул маблағларини бериш тартиби касса операцияларини юритиш қоидалари билан бошқарилади.

Ҳисобот шарти билан ходимларга берилган бўнакларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари суммаларининг пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари, хусусан 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари», 5020-«Хорижий валютадаги пул маблағлари» ҳисобварағи билан корреспонденцияда дебетланади.

Ходимларга берилган бўнакларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари харажатлар ва харид қилинган бойликлар ёки қилинган харажатларнинг хусусиятига боғлиқ ҳолда бошқа ҳисобварақлар билан корреспонденцияда кредитланади.

Тулиқ ишлатилмаган (масалан, хизмат сафарларига берилган) бўнаклар корхона кассасига уч кун давомида қайтарилиши ва ходимларга берилган бўнаклар ҳисобварағи кредити ва 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари», 5020-«Хорижий валютадаги пул маблағлари» ҳисобварағи дебети бўйича акс эттирилиши керак.

Хизмат сафарларига бўнак хизмат сафари тўғрисидаги буйруқ, бунак суммасининг ҳисоб-китоби асосида, билетлар, суткалик пуллар, турар-жой харажатлари ва ҳоказолар қийматини кўрсатган ҳолда берилади.

Ходимлар томонидан белгиланган муддатларда қайтарилмаган ҳисобот бериладиган суммалар ходимларга берилган бўнакларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредити ва 4690-«Ходимларга бошқа қарзлар» ҳисобварағи дебети бўйича, ходим корхонадан кетган тақдирда эса 9439-«Бошқа операцион харажатлар» ёки 4910-«Гумонли қарзлар бўйича резервлар» ҳисобварағи дебети бўйича акс эттирилади.



4410-«Меҳнатга тўлаш бўйича берилган бунаклар» ҳисобварағида корхона ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича бунакларнинг исталган турларига доир ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади. Ушбу суммалар 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари» ҳисобварағи кредитидан ходимларга берилган бунакларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети бўйича акс эттирилади. Булажак иш ҳақи ҳисобига бунаклар бериш ходимларнинг аризаси бўйича, сабабларни кўрсатган ҳолда амалга оширилади. Бундан ташқари, ушбу ҳисобварақда иш ҳақи бўйича ҳар ойдаги бунаклар ҳисобга олинади, улар ой охирида қўйидаги проволка билан акс эттирилади:

6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи дебети ва 4410-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича берилган бунаклар» ҳисобварағи кредити.

4420-«Хизмат сафарларига берилган бунаклар» ҳисобварағида корхона ходимларига хизмат сафарлари учун берилган бунаклар ҳисобга олинади. Хорижга хизмат сафарига юборилган ходимга Ўзбекистон Республикасининг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ хорижий валютадаги бунак берилади. Ушбу валюта бунак бериладиган кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича сумларга утказилади ва сўмларда ҳисобга олинади. Хизмат сафарларига берилган ва сарфланган хорижий валюта ҳисоби алоҳида юритилади. Хорижий валюта олинishi ва ишлатилмаган суммаларнинг қайтарилиши вақтида курсга доир фарқлар юзага келиши мумкин. Улар курсга доир мусбат фарқлар сифатида — 4420-«Хизмат сафарларига берилган бунаклар» ҳисобварағи дебети ва 9540-«Курсга доир фарқлар бўйича даромад» ҳисобварағи кредити бўйича, курсга зарар манфий фарқлар эса — 4420-«Хизмат сафарларига берилган бунаклар», ҳисобварағи

кредити ва 9620-«Курсдаги фарқ буйича зарарлар» ҳисобварағи дебити буйича акс эттирилади.

4430-«Умумхўжалик эҳтиёжларига берилган бўнаклар» ҳисобварағида умумхўжалик эҳтиёжлари учун турли хил майда инвентарь ва анжомларни нақд пулга харид қилиш учун берилган бўнаклар ҳисобга олинади. Товар-моддий бойликларни баҳолаш ва кирим қилиш харид далолатномаси буйича амалга оширилади.

4490-«Ходимларга берилган бошқа бўнаклар» ҳисобварағида корхона ходимларига аҳолидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, мол харид қилиш ва ҳоказоларга берилган бошқа бўнаклар ҳисобга олинади. Таҳлилий ҳисоб ҳар бир берилган бўнак буйича юритилади.

### 8.6. Солиқлар ва мажбурий тўловлар буйича бўнак тўловчиларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Корхоналар томонидан тўланган солиқлар ва мажбурий тўловлар буйича бўнаклар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

4510 «Солиқлар буйича бўнак тўловлари»

4550 «Мажбурий тўловлар буйича бўнак тўловлари»

4510-«Солиқ буйича бўнак тўловлари» ҳисобварағида бўнак билан тўланган, харид қилинган хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш захираларининг бошқа турларига доир ҳисоб-китоб ҳужжатларида ажратиб кўрсатилган солиқлар, хусусан қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинади. 4510-«Солиқлар буйича бўнак тўловлари» ҳисобварағида жамгарилган солиқ суммаларини ҳисобдан чиқариш тартиби қонунлар ва меъёрий ҳуж-

жатлар билан бошқарилади. Бухгалтерия ҳисобида ушбу операция 4510-«Солиқлар бўйича бўнак тўловлари» кредити бўйича, одатда, 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (солиқ турлари бўйича)» ҳисобварағи билан корреспонденцияда акс эттирилади.

4550-«Мажбурий тўловлар бўйича банк тўловлари» ҳисобварағида корхоналар томонидан туланган мажбурий банк тўловлари ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига кўра бошқа тўловлар, хусусан ижтимоий сугурта, мол-мулк сугуртаси, шахсий сугурта, Пенсия, Йул жамғармалари ва бошқа жамғармаларга тўловлар бўйича тўловлар ҳисобга олинади.

Бўнақлар ва бошқа тўловларни ўтказиш чоғида солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети бўйича пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредитидан ёзувлар қилинади. Солиқлар ва мажбурий тўловларнинг якуний ҳисоботи пайтида 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (солиқ турлари бўйича)», 6520-«Сугурта бўйича қарз», 6530-«Бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар» ҳисобварағи дебети ва солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредити бўйича провodka қилинади.

### 8.7. Бошқа операциялар бўйича ходимлар қарзини ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Корхона ходимлари билан ҳисоб-китобларнинг барча турлари тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар, ҳисобдор шахслар ва депонентлар билан ҳисоб-китоблардан ташқари, қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

- 4610 «Кредитга сотилган товарлар буйича ходимларнинг қарзи»
- 4620 «Тақдим этилган заёмлар буйича ходимларнинг қарзи»
- 4630 «Моддий зарарни қоплаш буйича ходимларнинг қарзи»
- 4690 «Ходимларнинг бошқа қарзлари»
- 4610-«Кредитга сотилган товарлар буйича ходимларнинг қарзи» ҳисобварағида уларга кредитга берилган товарлар учун корхона ходимлари билан ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

Товарларни кредитга сотиб олган шахслар ишлайдиган корхоналар савдо ташкилотларига уларнинг ходимларига банк кредити ҳисобига тақдим этилган суммани тўлиқ тўлайдилар. Банк томонидан тегишли ҳисоб-китоб ҳужжатлари тўланганда 4610-«Кредитга сотилган товарлар буйича ходимларнинг қарзи» ҳисобварағи 6910-«Қисқа муддатли банк кредитлари» ва 7510-«Узоқ муддатли банк кредитлари» ҳисобварағи билан корреспонденцияда дебетланади. Ходимлардан корхонанинг навбатдаги тўловлари ушлаб қолинишининг боришига қараб 6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш буйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи 4610-«Кредитга сотилган товарлар буйича ходимларнинг қарзи» ҳисобварағи билан корреспонденцияда дебетланади, шундан сўнг ушланган суммалар банк кредитини сўндириш учун 5110-«Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобварағи кредитидан 6910-«Қисқа муддатли банк кредитлари» ва 7510-«Узоқ муддатли банк кредитлари» ҳисобварақлари дебетига утказилади.

Улар кредитга харид қилинган товарлар учун ходимларининг қарзини сўндиришга банк кредитларидан фойдаланмайдиган корхоналар ана шу ходимлар томонидан берилган топшириқ-мажбуриятларга асосланиб, уларнинг иш ҳақидан навбатдаги

туловлар суммаларини ушлайдилар, бунда 6710-«Меҳнатга ҳақ тулаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи турли кредиторларга ва бошқа ҳисоблаб ёзилган мажбуриятларга (савдо ташкилотларининг шахсий ҳисобварақлари бўйича) доир қарз ҳисобварақлари кредити билан корреспонденцияда дебетланади. Ушланган суммалар савдо ташкилотига ўтказиб борилишига қараб турли кредиторлар ва бошқа ҳисоблаб ёзилган мажбуриятларга доир қарзни ҳисобга олиш ҳисобварақлари пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан коорреспонденцияда дебетланади.

~~4620-«Тақдим этилган заёмлар бўйича ходимларнинг қарзи» ҳисобварағида тақдим этилган заёмлар (масалан, якка тартибда ва кооператив уй-жой қурилишига, боғ уйчаларини харид қилиш ёки қуришга ва ҳоказо) бўйича корхона ходимлари билан ҳисоб-китоблар акс эттирилади.~~

4620-«Тақдим этилган заёмлар бўйича ходимларнинг қарзи» ҳисобварағи дебети бўйича ходимларга тақдим этилган заём суммаси 5010-«Касса» ёки 5110-«Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобварағи билан корреспонденцияда акс эттирилади. Агар маблағларни ходимга бевосита банк корхонага тақдим этилган кредит ҳисобига (ушбу маблағларни корхонанинг ҳисоб-китоб варағига олдиндан қайд этмасдан) берган бўлса, 4620-«Тақдим этилган заёмлар бўйича ходимларнинг қарзи» ҳисобварағи дебети бўйича ёзувлар 6910-«Қисқа муддатли банк кредитлари» ва 7510-«Узоқ муддатли банк кредитлари» ҳисобварақлари билан корреспонденцияда амалга оширилади.

Қарз (заём) олган ходимдан келиб тушган туловлар суммасига 4620-«Тақдим этилган заёмлар бўйича ходимларнинг қарзи» ҳисобварағи 5010-«Касса», 5110-«Ҳисоб-китоб варағи», 6710-«Меҳнатга ҳақ

тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисоб-варақлари билан корреспонденцияда (қабул қилинган тўловлар тартибига боғлиқ ҳолда) кредитланади.

Банк кредитларини сундириш барча ҳолларда 6910-«Қисқа муддатли банк кредитлари» ва 7510-«Узоқ муддатли банк кредитлари» ҳисобварақлари дебети ҳамда банкка тегишли суммалар ўтказилган пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредити бўйича акс эттирилади.

4630-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» ҳисобварағида пул маблағлари ва товар-моддий бойликларни ўғирлашлар, брак натижасида ходим томонидан корхонага етказилган моддий зарарни тўлаш бўйича, шунингдек зарарнинг бошқа турларини қоплаш бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

4630-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» ҳисобварағи дебетига айбдор шахслардан ундириладиган суммалар 2610-«Ишлаб чиқаришдаги брак», материаллар, товарларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредитидан киритилади.

4630-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» ҳисобварағи кредити бўйича ёзувлар пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда — киритилган тўловлар суммасига ва 6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи билан корреспонденцияда — моддий зарарни тўлаш учун иш ҳақидан ушланмалар суммасига амалга оширилади.

4690-«Ходимларнинг бошқа қарзлари» ҳисоб-варағида корхона ходимлари билан юқорида келтирилган ҳисобварақларда акс эттирилмаган ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

4690-«Ходимларнинг бошқа қарзлари» ҳисоб-варағида ҳисоб-китоблар корхонанинг ҳар бир ходими бўйича юритилади.

### 8.8. Устав сармоясига (фондига) бадаллар буйича муассислар қарзини ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Уларда корхона муассислари (акциядорлик жамияти акциядорлари, қўшма корхона муассислари, кооператив аъзолари, тўлиқ ширкат иштирокчилари ва ҳоказолар) билан корхона устав сармоясига улушлар буйича ҳисоб-китобларнинг барча турлари тўғрисидаги ахборот умумлаштирилади.

Акциядорлик жамияти барпо этилаётганда 4710-«Устав сармоясига (фондига) бадаллар буйича муассисларнинг қарзи» ҳисобварағи дебити буйича устав сармоясини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акцияларга ёзилган шахсларнинг қарз суммаси ҳисобга қабул қилинади.

Муассисларнинг улушлари суммалари пул маблағлари кўринишида ҳақиқатда келиб тушганда 4710-«Устав сармоясига (фондига) бадаллар буйича муассисларнинг қарзлари» ҳисобварағи кредити буйича ёзувлар қайд этилади. Моддий ва бошқа бойликлар (пул маблағларидан ташқари) кўринишидаги улушлар 4710-«Устав сармоясига (фондига) бадаллар буйича муассисларнинг қарзлари» ҳисобварағи кредити буйича асосий воситалар, номоддий активлар, материаллар ва ҳоказоларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда ёзувлар билан расмийлаштирилади.

Акцияларни тўлаш ҳисобига корхона мулкига натура шаклида тақдим этилган мол-мулкни қирим қилиш муассисларнинг келишувига кўра белгиланган баҳода амалга оширилади.

Бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги корхоналар муассислари (иштирокчилари) билан устав сармоясига улушлар буйича ҳисоб-китоблар бухгалтерия ҳисобида шунга ўхшаш тартибда акс эттири-

лади. Бунда 4710-«Устав сармоясига (фондига) бадаллар буйича муассисларнинг қарзлари» ҳисобварағи дебети ва устав сармоясини ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредити буйича ёзув таъсис ҳужжатларида эълон қилинган устав сармоясининг бутун миқдорига нисбатан қайд этилади. Устав, таъсис шартномаси ва ҳоказолар таъсис ҳужжатлари деб тан олинади. 4710-«Устав сармоясига (фондига) бадаллар буйича муассисларнинг қарзлари» ҳисобварағи буйича таҳлилий ҳисоб ҳар бир муассис буйича юритилади, акциядорлик жамиятларида кўрсатувчига тўланадиган акциядорлар — акциялар мулкдорлари билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш бунга кирмайди.

### 8.9. Турли дебиторларнинг қарзини ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Дебиторлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олишнинг юқорида кўрсатилган ҳисобварақларига тушунтиришларда тилга олинмаган, дебиторлар билан турли операциялар буйича ҳисоб-китоблар, хўсусан, олишга доир фоиз ва дивидендлар, олишга доир молиявий лизинг буйича жорий тўловлар, бошқа шахсларнинг қарзлари, роялти ва гонорарлар буйича олишга доир тўловномалар ва ҳоказолар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

- 4810 «Молиявий лизинг буйича олинадиган жорий тўловлар»
- 4820 «Олинадиган фоизлар»
- 4830 «Олинадиган дивидендлар»
- 4840 «Роялти ва гонорарлар буйича олинадиган тўловномалар»
- 4890 «Бошқа шахсларнинг қарзи — жорий қисм»
- 4810-«Молиявий лизинг буйича олинадиган жо



рий туловлар» ҳисобварағида ижара шартномасига кура олинадиган ижара ҳақи ҳисобга олинади. Ижара ҳақи ҳисоблаб ёзилаётганида даромадлар ҳисобварақлари 4810-«Молиявий лизинг буйича олинадиган туловлар» ҳисобварағи дебети билан корреспонденцияда кредитланади. Ижара ҳақининг келиб тушини 4810-«Молиявий лизинг буйича олинадиган туловлар» ҳисобварағи кредити буйича пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

4820-«Олинадиган фоизлар» ҳисобварағида фоизлар ҳисоблаб ёзиш ва уларни олиш буйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади. Фоизларни ҳисоблаб ёзиш учун кредит шартномаси асос бўлиб ҳисобланади. Муддати кечиктирилган фоизлар алоҳида ҳисобга олинади ва улар буйича пеня ҳисоблаб ёзилади.

4830-«Олинадиган дивидендлар» ҳисобварағида қимматли қогозларга доир дивидендларни ҳисоблаб ёзиш буйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади. Хорижий субъектларнинг дивидендлари хорижга ўтказилаётганида хорижий валютага конвертацияланади. Конвертациялаш билан боғлиқ харажатлар дивидендлар ҳисобига қопланади.

4840-«Роялти ва гонорарлар буйича олинадиган туловномалар» ҳисобварағида роялти ва гонорарлар буйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади. Роялти — лицензия келишуви предметдан фойдаланиш ҳуқуқи учун сотувчига (лицензларга) вақти-вақти билан ажратмалардир. Амалиётда роялти қатъий ставкалар кўринишида белгиланади, у лицензиат томонидан келишилган вақт оралиқларида, лицензия келишувининг амал қилиш муддати мобайнида тўланади. Роялти ставкаси лицензияли маҳсулотни соф сотишлар қиймати, унинг таннархи, яъни фойда юзасидан фоизларда белгиланади ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлиги ҳисобида аниқлана-

ди. Гонорар — бажарилган ишлар, хизматлар ва ҳоказолар учун мукофот ёки тақдирлашдир.

4890-«Бошқа шахсларнинг қарзи — жорий қисм» ҳисобварағида юқорида эслатилмаган ҳисобварақларда ҳисобга олинмаган ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади. Таҳлилий ҳисоб ҳар бир дебитор бўйича алоҳида ташкил этилади.

### 8.10. Гумонли қарзлар бўйича захирани ҳисобга олин ҳисобварақлари

Улар бухгалтерия ҳисобининг алоҳида объектларини баҳолашни аниқлантириш учун корхона фойдаси ҳисобига барпо этиладиган захира тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Гумонли қарзлар рўйхати ва улар бўйича захирани барпо этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

4910-«Гумонли қарзлар бўйича захира» ҳисобварағида гумонли қарзлар бўйича захиранинг ҳолати ва ҳаракати ҳисобга олинади. Корхонанинг бошқа корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек айрим шахслар билан ҳисоб-китоблар бўйича гумонли қарзлар суммаси захирага қўйилиши ва 9434-«Гумонли қарзлар бўйича харажатлар» ҳисобварағига киритилиши керак.

Корхонанинг белгиланган муддатда (агар у белгиланмаган бўлса — ана шунинг учун меъёрий жиҳатдан зарур бўлган вақт мобайнида) сўндирилмаган ва тегишли кафолатлар билан таъминланмаган дебиторлик қарзи гумонли қарз деб топилади.

Гумонли қарзлар бўйича захира ҳисобот йили охирида ўтказилган корхонанинг дебиторлик қарзини инвентарлаш натижалари асосида барпо этилади.

Захира миқдори ҳар бир гумонли қарз бўйича қарздорнинг молиявий ҳолати (тўловга қобиллиги) ва қарз-

ни тўлиқ ёки қисман суммада сўндириш эҳтимолини баҳолашга боғлиқ ҳолда алоҳида белгиланади.

Агар гумонли қарз бўйича захирани барпо этиш йилдан кейин келадиган йил охиригача ушбу захира бирор-бир қисмида ишлатилмаса, сарфланмаган суммалар тегишли йил фойдасига қўшилади.

Барпо этилаётган захира суммасига 9434-«Гумонли қарзлар бўйича харажатлар» ҳисобварағи дебети ва 4910-«Гумонли қарзлар бўйича захира» ҳисобварағи кредити бўйича ёзувлар қайд этилади.

Балансдан талаб қилиб олинмаган, илгари корхона томонидан гумонли деб топилган қарзлар ҳисобдан чиқарилаётганда ёзувлар 4910-«Гумонли қарзлар бўйича захира» ҳисобварағи бўйича дебиторлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади. Гумонли қарзлар бўйича захиранинг сарфланмаган суммалари улар барпо этилган йилдан кейинги йил фойдасига қўшилганида 4910-«Гумонли қарзлар бўйича захира» ҳисобварағи дебети ва 9390-«Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағи кредити бўйича ёзув қайд этилади.

Ҳисоб учун бухгалтерия маълумотномаси, дебиторлик қарзларини солиштириш далолатномаси, юкхатлар ва ҳоказолар ишлатилади.

4910-«Гумонли қарзлар бўйича захира» ҳисобварағи бўйича таҳлилий ҳисоб ҳар бир гумонли қарз ва захира барпо этилган муддат бўйича юритилади.

## 9-БОБ. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ, ҚИСҚА МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА БОШҚА ЖОРИЙ АКТИВЛАР

Ушбу боб ҳисобварақлари корхонага тегишли, кассада, мамлакат ҳудуди ва хориждаги банкларнинг ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисобварақларида турган миллий ва хорижий валюталардаги пул маблағларининг, қимматли қоғозларга қисқа муддатли қўйилмаларнинг, шунингдек тўлов ва пул ҳужжатларининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Хорижий валюталардаги пул маблағлари ва улар билан операциялар ушбу боб ҳисобварақларида миллий валюта — сўмларда ҳисобга олинади, пулли ҳисоб-китоб ҳужжатларини ёзиш санасида амал қилган Марказий банк курси бўйича хорижий валютани қайта санаш йули билан белгиланади. Айни вақтда ушбу маблағлар ва операциялар ҳисоб-китоблар ва тўловлар валютасида акс эттирилади. Хорижий валюта билан операциялар бўйича курсга доир фарқ, шу жумладан бухгалтерия балансини тузиш санасида пул маблағларини қайта санашга доир фарқ 9540-«Курсга доир фарқ бўйича даромадлар (мусбат)» ва 9620-«Курсга доир фарқ бўйича зарарлар» ҳисобварақларига киритилади.

Ушбу бўлимда ҳисоб тартиби ҳисобга олишнинг қуйидаги ҳисобварақларига киритилади:

- 50 — Кассалардаги пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 51 — Ҳисоб-китоб варағида пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 52 — Валюта ҳисобварақларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 55 — Банкдаги махсус ҳисобварақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

- 56 — Йулдаги пул эквивалентлари ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 57 — Йулдаги утказмаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 58 — Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 59 — Бошқа жорий активларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

### 9.1. Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари

~~Корхона кассаларидаги пул маблағларининг~~ мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари»

5020 «Хорижий валютадаги пул маблағлари»

Касса операцияларини амалга ошириш ва расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бошқарилади.

Юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғланган фуқаролар иштирокидаги ҳисоб-китоблар банк муассасалари орқали нақдсиз тартибда амалга оширилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Банк муассасаларидан ташкилотлар олган нақд пуллар фақат улар олинган мақсадлар учунгина сарфланади. Ташкилот ўз кассасида кассадаги нақд пуллар қолдиғи лимитлари доирасида нақд пулга эга бўлиши ва улар тушумидан меъёрлар доирасида ишлатишлари мумкин. Кассалардаги нақд пуллар қолдиғи лимитлари ва тушумдан фойдаланиш меъёрларини банклар ушбу ташкилот раҳбарлари билан келишилган ҳолда белгилайдилар. Зарурият

булганда кўрсатилган лимитлар қайтадан кўрилиши мумкин.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар савдо ва маиший хизматлар ташкилотларининг тушумдан иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни тўлаш учун фойдаланишлари тақиқланади. Келиб тушган тушум пулларини сарфлаш ҳуқуқи Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан назарда тутилган ташкилотларга тақдим этилади.

Кассадаги нақд пуллар қолдигининг белгиланган лимитларидан ортиқча ҳамма нақд пулни ташкилотлар банк муассасалари билан келишилган тартиб ва муддатларда ҳисобварақларда қайд этиш учун топширишлари шарт.

Нақд пуллар:

а) банк муассасаларининг кундузги ва кечки кассаларига;

б) кейин банк муассасаларига топшириш учун инкассаторларга;

в) кейин банк муассасаларига топшириш учун бирлашган кассаларга;

г) банк муассасаларидаги ҳисобварақларга ўтказиш учун алоқа корхоналарига топширилиши мумкин.

Ташкилотлар ўз кассаларида уларга белгиланган лимитлардан ортиқча нақд пулларни фақат иш ҳақи, мукофотлар, ижтимоий сугурта бўйича нафақалар, стипендиялар тўлаш учун ва фақат уч иш кунидан ошмайдиган муддатга (банк муассасаларидан анчагина масофада жойлашган ташкилотлар учун — беш кунгача), бунга банк муассасасида пул олинган пул ҳам киради, сақлаш ҳуқуқига эгалар.

Тайёрлов ташкилотлари учун касса лимитига қишлоқ хўжалик маҳсулоти топширувчилари билан нақд пулда ҳисоб-китоб қилишга олинган суммалар киритилмайди.

Хизмат сафари билан боғлиқ харажатларга ҳисобот топшириш шарти билан нақд пулларни бериш мазкур ҳудудда амал қиладиган тартибга мувофиқ, ана шу мақсадда хизмат сафарига юборилган шахсларга тегишли суммалар доирасида амалга оширилади.

Ҳисобот учун берилган, сарфланмаган нақд пуллар ташкилот кассасига улар берилган муддат тугагач уч кундан кечиктирмай қайтарилиши керак.

Ҳисобот учун нақд пул олган шахслар ташкилот бухгалтерияси ёки марказлаштирилган бухгалтерияга сарфланмаган суммалар ҳақида ҳисоботни тақдим этишлари шарт. Ҳисобот учун нақд пуллар ~~ҳисобот учун илгари берилган суммалар бўйича~~ тўлиқ ҳисобот топширилганда берилади.

Касса операцияларининг намунавий шакллари Макроиқтисодстат вазирлиги тасдиқлайдиган ҳужжатлар билан расмийлаштирилади ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотларда қўлланиши керак.

Ташкилотлар кассалари томонидан нақд пулларни қабул қилиш бош бухгалтерлар ёки у ваколат берган шахс имзолаган чиқим касса ордерлари бўйича амалга оширилади.

Пул қабул қилингани бош бухгалтер ёки у ваколат берган шахс имзолаган, кассир муҳри (штамп) ёки касса аппарати изи (оттиски) билан тасдиқланган квитанция билан тасдиқланади.

Ташкилот кассаларидан бошқа ташкилотлар кассаларига нақд пул бериш (топшириш) қатъиян тақиқланади.

Ташкилотлар кассаларидан нақд пул берилиши чиқим касса ордерлари ёки тегишлича расмийлаштирилган бошқа ҳужжатлар (тўлов қайдномалари, пул беришга аризалар, тўловномалар ва ҳоказо) бўйича амалга оширилади, бунда ушбу ҳужжатларга чиқим касса ордери реквизитлари кўрсатилган

штамп қўйилади. Пул беришга ҳужжатлар ташкилот раҳбари ва бош бухгалтери ёки улар ваколат берган шахслар томонидан имзоланиши керак.

Чиқим касса ордерларига илова қилинадиган ҳужжатлар, аризалар, тўловномалар ва ҳоказоларда ташкилот раҳбарининг ижозат берувчи ёзуви мавжуд бўлган ҳолларда чиқим касса ордерларида раҳбарнинг имзоси бўлиши шарт эмас.

Бюджет муассасаларига хизмат кўрсатадиган марказлаштирилган бухгалтерияларда берилган иш ҳақининг умумий суммасига битта чиқим касса ордери тузилади, унинг сана ва рақами ҳар бир тўлов (ҳисоб-китоб-тўлов) қайдномасига қўйилади.

Тайёрлов ташкилотлари иш куни тугагач кун давомида тайёрлов квитанциялари бўйича берилган бутун суммага умумий чиқим касса ордерини тузган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотини топширувчиларга нақд пул беришлари мумкин.

Чиқим касса ордери ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат бўйича алоҳида шахсга пул берилаётганида кассир олувчининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат (паспорт, фуқаролиги йўқ шахснинг яшаш гувоҳномаси, ҳарбий билет, ҳарбий қисмлар ёки ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахс гувоҳномаси) кўрсатилишини талаб қилади, ҳужжатнинг номи ва рақамини, қачон ва ким томонидан берилганлигини ёзиб олади ва олувчидан имзо қўйдириб олади. Агар чиқим касса ордери ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат бир неча кишига пул берилиши учун тузилган бўлса, олувчилар ҳам уларнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этадилар ва тўлов ҳужжатларининг тегишли устунига имзо чекадилар.

Ташкилотда пул мазкур ташкилот томонидан берилган гувоҳнома бўйича амалга оширилиш мумкин, гувоҳномада унинг эгасининг сурати ва шахсий имзоси бўлиши шарт.



Пул олишга тилхат фақат сиёҳ ёки шарикли ручка пастаси билан ёзилиб, олинган сумма қуйидагича кўрсатилиши керак: \_\_\_\_\_ сўм  
\_\_\_\_\_ (сўз билан) \_\_\_\_\_ тийин  
(рақам билан). Қайднома бўйича пул олинганида сумма сўз билан кўрсатилмайди.

Ташкилотнинг рўйхат тартибида бўлмаган шахсларга пул берилиши тузилган шартномалар асосида ҳар бир шахсга алоҳида ёзиладиган чиқим касса ордерлари ёки алоҳида қайднома бўйича амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалик ва юк орттиш-тушириш ишларига, шунингдек табиий офатларни тугатиш учун жало этиладиган шахсларга пул берилиши қайднома бўйича амалга оширилиши мумкин. Қайдномалар ходимлари кўрсатилган ишларга юборилган ҳар бир ташкилот бўйича алоҳида тузилади ва, ишлар ташкилотчиси бўлган ташкилотлар раҳбари ва бош бухгалтерининг имзосидан ташқари, тегишли ташкилот вакилининг имзоси билан тасдиқланади.

Кассир пулни чиқим касса ордери ёки ишончномада кўрсатилган шахсгагина беради. Агар пул белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўйича берилса, ордер матнида пул олувчининг исми-шарифидан кейин бухгалтерия томонидан пул олишга ишонч билдирилган шахснинг исми-шарифи кўрсатилади. Агар пул қайднома бўйича берилаётган бўлса, пул олинаётганда имзо тўғрисида кассир «ишончнома бўйича» деб ёзиб қўяди. Ишончнома бўйича пул берилиши 14-бандда назарда тутилган талабларга мувофиқ амалга оширилади. Ишончнома кассирда қолади ва чиқим ордери ёки қайдномага тиркалади.

Иш ҳақи, вақтинчалик меҳнатга яроқсизлик нафақаси, стипендиялар, пенсия ва мукофотларни кассир тўлов (ҳисоб-китоб тўлов) қайдномалари

бўйича тўлайди, бунда ҳар бир олувчига чиқим касса ордери тузилмайди.

Тўлов (ҳисоб-китоб-тўлов) қайдномасининг титул варағида (сарварағида) корхона раҳбари ва бош бухгалтери ёки улар ваколат берган шахслар имзолари билан пул бериш муддатларини кўрсатиб, суммани сўз билан ифодалаб, рухсат бериш ёзуви қайд этилади.

Иш ҳақини бир галги бериш (таътилга чиқишда, касалликда ва ҳоказо), шунингдек депонентдаги суммалари ва бир неча шахсларга хизмат сарфлари билан боғлиқ харажатларга ҳисобот учун пул беришлари ҳам худди шундай тартибда расмийлаштирилиши мумкин.

Айрим шахсларга иш ҳақини тўлашга бир галги пул беришлар одатда чиқим касса ордерлари бўйича амалга оширилади.

Иш ҳақи, вақтинчалик меҳнатга яроқсизлик нафақаси, стипендия, пенсия ва мукофотларни тўлашнинг белгиланган муддатлари тугаганидан кейин кассир қўйидагиларни бажариши шарт:

а) тўлов қайдномасида уларга иш ҳақи, вақтинчалик меҳнатга яроқсизлик нафақаси, стипендия, пенсия ёки мукофотлар тўланмаган шахслар фамилияси қаршисига «депонентга ўтказилган» штампини қўйиш ёки қўлда ёзиб қўйиш;

б) депонентга ўтказилган суммалар реестрини тузиш;

в) қайднома охирида иш ҳақи, вақтинчалик меҳнатга яроқсизлик нафақаси, стипендия, пенсия ёки мукофотларнинг ҳақиқатда тўланган суммаси ва депонентга ўтказиладиган олинмаган суммаси ҳақида ёзувни қайд этиш, ушбу суммаларни тўлов қайдномаси бўйича умумий якун билан солиштириш ва ёзувни ўз имзоси билан тасдиқлаш. Агар пулни кассир эмас, балки бошқа шахс берган бўлса, қайдномада қўшимча равишда «қайднома бўйича пул берди

(имзо)» деб ёзиб қўйилади. Пулни кассир ва тарқатувчи бир қайднома бўйича бериши тақиқланади;

г) касса дафтарига ҳақиқатда тўланган суммани ёзиш ва қайдномага « \_\_\_\_\_ сон чиқим касса ордери» штампини қўйиш.

Бухгалтерия кассирлар томонидан тўлов қайдномаларида қилинган белгиларни текширади ва улар бўйича берилган ва депонентга ўтказилган суммаларни санаб чиқади.

Депонентга ўтказилган суммалар банк муассасасига топширилади ва топширилган суммаларга битта умумий чиқим касса ордери тузилади.

Чиқим касса ордерлари ва уларга квитанциялар, шунингдек чиқим касса ордерлари ва улар ўрнини босадиган ҳужжатлар бухгалтерия томонидан сиёҳ ёки шарикли ручка пастасида аниқ равшан қилиб тўлдирилиши ёки машинада (ёзув, ҳисоблаш) ёзилиши керак. Ушбу ҳужжатларда, ҳатто кўрсатиб ўтиладиган ҳам, ҳеч қандай ўчириб ёзиш, устига чизиш ёки тuzатишларга йўл қўйилмайди.

Кириш ва чиқим касса ордерларида уларни тузиш учун асос кўрсатилади ҳамда уларга илова қилинадиган ҳужжатлар саналади.

Кириш ва чиқим касса ордерлари ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатларни пул кириш қиладиган ёки оладиган шахсларнинг қўлига бериш тақиқланади.

Касса ордерлари бўйича пул қабул қилиш ва бериш фақат улар тузилган кунда амалга оширилиши мумкин.

Кириш ва чиқим касса ордерлари ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатларни олаётганда кассир қўйидагиларни текшириши шарт:

а) ҳужжатларда бош бухгалтер имзосининг, чиқим касса ордери ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжатда — корхона раҳбари ёки у ваколат бер-

ган шахсларнинг рухсат берувчи имзосининг мавжудлигини ва ҳақиқийлигини;

б) ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганлигини;

в) ҳужжатларда саналган иловаларнинг мавжудлигини.

Ана шу талабларнинг ақалли биттасига риоя қилинмаган ҳолда кассир ҳужжатларни тегишлича расмийлаштириш учун бухгалтерияга қайтаради.

Кириш ва чиқим касса ордерлари ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар олинганидан ёки улар бўйича пул берилганидан кейин дарҳол кассир томонидан имзоланади, уларга илова қилинган ҳужжатларга эса сана (кун, ой, йил) кўрсатилган ҳолда «тўланган» штампи босилади ёки ёзиб қўйилади.

Кириш ва чиқим касса ордерлари ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар кассага топширилишига бухгалтерия томонидан кириш ва чиқим касса ордерларини рўйхатга олиш журналида қайд этилади. Иш ҳақини тўлаш учун тўлов (ҳисоб-китоб-тўлов) қайдномаларида расмийлаштирилган чиқим касса ордерлари иш ҳақи берилганидан кейин қайд этилади.

Кириш ва чиқим касса ҳужжатларини қайд этишни ҳисоблаш техникаси воситаларини қўллаган ҳолда амалга ошириш мумкин. Бунда тегишли кун учун тузиладиган «Кириш ва чиқим касса ордерларини рўйхатга олиш журналининг қўшимча варағи» машинограммасида пул маблағларининг мақсадли вазифа бўйича харажатини ҳисобга олиш учун маълумотларни шакллантириш ҳам таъминланади.

Ташкилотлар барча тушумлар ва нақд пул берилишини касса дафтарида ҳисобга оладилар. Ҳар бир ташкилот фақат битта касса дафтари юритади, у рақамланиши, ип билан тикилиши ва сургуч ёки мастикали муҳр билан муҳрланиши керак (*дафтар мастикали муҳр билан муҳрланаётганида суюқ*

шиша асосли елим, юпқа папирос қоғози, штемпель буйғи ишлатилади. Муҳр изи туширилган қоғоз икки томондан елимланади, дафтар муҳрланганидан кейин яна бир мартаба елим сурилади). Касса дафтаридаги варақларнинг миқдори мазкур ташкилот ёки юқори турувчи орган раҳбари ва бош бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади.

Бюджет муассасаларига хизмат кўрсатадиган марказлаштирилган бухгалтерияларда касса операцияларининг ҳисобини кассир Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасдиқлаган шакл буйича махсус дафтарда юритади.

Касса дафтаридаги ёзувлар шарикли ручка, сийёҳқалам ёки сийёҳда қора қоғоз орқали икки нусхада юритилади. Варақларнинг иккинчи нусхалари қирқиладиган бўлиши керак, улар кассир ҳисоботи учун хизмат қилади. Варақларнинг биринчи нусхалари касса дафтарида қолади. Варақларнинг биринчи ва иккинчи нусхалари бир хилдаги рақамлар билан рақамланади.

Касса дафтарида учирешлар ва тасдиқланмаган тузатишлар қилиш тақиқланади. Қилинган тузатишлар кассир, шунингдек корхона бош бухгалтери ёки унинг ўрнини босадиган шахснинг имзолари билан тасдиқланади.

Касса дафтарида кассир ҳар бир ордер ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат буйича пул олганидан ёки берганидан кейин дарҳол ёзув қайд этилади. Ҳар куни иш кунининг охирида кассир кун мобайнида операциялар яқунларини ҳисоблайди, кейинги кун учун кассадаги пул қолдиқларини чиқаради ҳамда кирим ва чиқим касса ҳужжатлари билан бирга бухгалтерияга кассир ҳисоботи сифатида иккинчи йиртма варақни (касса дафтаридаги бир кун учун ёзувлар кўчирма нусхасини) топшириб, касса дафтарида қўл қўйдириб олади.

Агар корхоналарда ҳар куни умумий суммаси 200 сўмга қадар операциялар бажарилса, касса ҳисоботлари 3-5 кунда бир маротаба тузилиши мумкин.

Ташкилотларда кассирнинг розилиги билан ҳамда касса ҳужжатларининг тўлиқ сақланишини таъминлаш шарти билан касса дафтари автоматлаштирилган усулда юритилиши мумкин, бунда унинг варақлари «Касса дафтарининг қўшимча варағи» машинограммаси кўринишида шакллантирилади. У билан бир вақтда «Кассир ҳисоботи» машинограммаси шакллантирилади. Айтиб ўтилган иккала машинограмма кейинги иш куни бошланишига тузилиши, бир хил мазмунга эга бўлиши ва касса дафтарининг шаклида назарда тутилган барча реквизитларни ўз ичига олиши керак. Ушбу машинограммаларда касса дафтарларининг варақларини рақамлаш автоматик тарзда, йил бошидан ўсиб бориш билан амалга оширилади.

«Касса дафтарининг қўшимча варағи» машинограммасида ҳар бир ой охирида ҳар бир ой учун касса дафтари варақларининг умумий сони, тақвимий йил учун йил охирида — бир йил учун касса дафтари варақларининг сони автоматик тарзда босилиши керак.

«Касса дафтарининг қўшимча варағи» ва «Кассир ҳисоботи» машинограммаларини олганидан кейин кассир касса дафтари ва кассир ҳисоботининг тўғри тузилганлигини текшириши, уларни имзолаши ва кассир ҳисоботини кирим ва чиқим касса ҳужжатлари дафтарининг қўшимча варағига қўл қўйдириб олади.

«Касса дафтарининг қўшимча варағи» машинограммасидан йил давомида фойдаланиш қулайлигини ва бутлигини таъминлаш мақсадида уни кассир ҳар бир ой учун алоҳида сақлайди. Тақвимий йил тугагач (ёки зарурат бўлишига қараб) «Касса

дафтарининг қўшимча варағи» машинограммалари хронологик тартибда брошюраланади. Бир йил учун варақларнинг умумий сони корхона раҳбари ва бош бухгалтерининг имзолари билан тасдиқланади ва дафтар муҳрланади.

Касса дафтарининг тўғри юритилиши устидан назорат қилиш ташкилот бош бухгалтери зиммасига юклатилади.

Кассадан олувчининг чиқим касса ордери ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатдаги имзоси билан тасдиқланмаган пул берилиши кассада нақд пуллар қолдигини оқлаш учун қабул қилинмайди. Ушбу сумма камомад ҳисобланади ва кассирдан ундирилади. Кириш касса ордерлари билан оқланмаган нақд пуллар кассадаги ортиқча пул ҳисобланади ва даромадга қайд этилади.

Катта кассир иш куни бошланиши олдида бошқа кассирларга чиқим харажатлари учун зарур нақд пул суммасини бўнак тарзида бериб, кассир томонидан қабул қилинган ва берилган пулларни ҳисобга олиш дафтарига имзо чекдириб олади.

Кассирлар иш куни охирида олинган бўнак ва кириш ҳужжатлари бўйича қабул қилинган пуллар тўғрисида катта кассирга ҳисобот беришлари ва амалга оширилган операциялар бўйича нақд пуллар қолдиги ва касса ҳужжатларини катта кассирга топширишлари шарт, бунда кассирлар томонидан қабул қилинган ва берилган пулларни ҳисобга олиш дафтарига имзо чекдириб оладилар.

Иш ҳақи ва стипендияларни тўлаш учун олинган бўнаклар бўйича кассир уларни тўлаш учун тўлов қайдномасида кўрсатилган муддатда ҳисобот бериши шарт. Ушбу муддат тугашига қадар (кассирлар ҳар куни пул қолдигини кассага топширишлари шарт) тўлов қайдномалари бўйича берилмаган пуллар қайтариб берилади. Бу пуллар кассир

лар томонидан муҳрланган сумкалар ёки пакетларда катта кассирга топширилиб, эълон қилинган суммани кўрсатган ҳолда тилхат олинади.

Ҳар бир ташкилот нақд пул билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун кассага эга бўлиши керак. Нақд пуллари қабул қилиш, бериш ва вақтинча сақлаш учун мўлжалланган, махсус жиҳозланган ва изоляцияланган хона касса дейилади. Ташкилотларнинг раҳбарлари кассани жиҳозлашлари ва касса хонасида, шунингдек уларни банк муассасасидан етказиб келиш ва банк муассасасига топшириш пайтида пуллар бутлигини таъминлашлари шарт ҳамда уларнинг айби билан пул маблағларини сақлаш ва ташиш чоғида уларнинг бутлигини таъминлайдиган зарур шарт-шароитлар яратилмаган ҳолларда тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Пул маблағларини сақлаш ва ташиш пайтида уларнинг бутлигини таъминлаш бўйича тавсиялар 2-иловада келтирилган.

Ташкилотлар кассалари зарурат бўлганда сугурта ташкилоти томонидан суғурталаниши мумкин.

Касса хонаси изоляцияланиши, операцияларни амалга ошириш пайтида касса эшиги ички томондан бекитилиши керак. Унинг ишига алоқаси бўлмаган шахсларнинг хонага кириши тақиқланади. Корхона касса операцияларини техник жиҳатдан мустақамлаш ва уларни қўриқлаш — ёнғиндан огоҳ қилиш воситалари билан жиҳозлаш бўйича тавсиялар 3-иловада келтирилган.

Ташкилотларда барча нақд пуллар ва қимматли қоғозлар, одатда, ёнмайдиган темир жавонларда сақланади, улар иш тугаганидан кейин калит билан ёпилади ва кассирнинг сургучли муҳри билан муҳрланади. Темир жавонларнинг калитлари ва муҳрлар кассирларда сақланади, уларга калит ва муҳрларни шартланган жойларда қолдириш, бошқа



шахсларга топшириш ёки ҳисобга олинмаган нусхаларини тайёрлаш тақиқланади. Темир жавонлар турган хоналарнинг эшикларини очиқ қолдириш, шунингдек ушбу жавонларнинг эшикларида калитларни қолдириш қатъиян тақиқланади.

Калитларнинг олинган нусхалари кассирлар томонидан муҳрланган пакетлар, қутичалар ва ҳоказоларда ташкилотлар раҳбарларида сақланади. Чорақда кўпи билан бир маротаба уларнинг комиссиясига текшируви ўтказилади. Йўқолиш аниқланганда ташкилот раҳбари воқеа ҳақида ички ишлар органларига маълум қилади ва темир жавонни дарҳол алмаштириш чорасини кўради.

~~Кассада мавжур корхонага тегишли бузилмаган нақд пуллар ва бошқа бойликларни сақлаш тақиқланади.~~

Касса хонаси ва темир жавонларни очиш олди-дан кассир қулфлар, эшиклар, дераза пардаларини ва муҳрлар бутлигини кўздан кечириши, қўриқлаш сигнализациясининг бузилмаганлигига ишонч ҳосил қилиши шарт.

Муҳр шикастланган ёки олиб ташланганда қулфлар, эшиклар ёки панжара бузилган тақдирда кассир дарҳол буни ташкилот раҳбарига маълум қилиши шарт, раҳбар воқеадан ички ишлар органларини хабардор қилади ва милиция ходимлари келишигача кассани қўриқлаш чораларини кўради.

Бундай ҳолатда ташкилот раҳбари, бош бухгалтер ёки уларнинг ўрнини босадиган бошқа шахслар, шунингдек кассир ички ишлар органларининг руҳсатини олгандан кейин кассада сақланаётган нақд пуллар ва бошқа бойликлар мавжудлигини текширади. Ушбу текшириш касса операциялари бошланишигача амалга оширилиши керак. Текшириш натижалари тўғрисида 4 нусхада далолатнома тузилади, унга текширишда иштирок этаётган барча шахслар имзо чекадилар. Далолатноманинг биринчи нус-

хаси ички ишлар органларига топширилади, иккинчиси суғурта компаниясига (агар у мавжуд бўлса ва у билан шартнома тузилган бўлса), учинчиси юқори турувчи ташкилотга (агар у мавжуд бўлса) юборилади, тўртинчи нусха эса корхонада қолади.

Кассир ишчи ва хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг томонидан қабул қилинган барча бойликларнинг бутлиги учун ва қасддан қилинган ҳаракатлар натижасида ҳамда ўз мажбуриятларига пала-партиш ёки виждонсизларча муносабатда бўлиш натижасида ташкилотга етказилган ҳар қандай зарар учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади.

Кассирни ишга тайинлаш тўғрисида буйруқ (қарор) чиқарилганидан кейин ташкилот раҳбари кассирни касса операцияларининг қоидалари билан таништириб, тилхат олиши шарт, шундан сўнг кассир билан унинг тўлиқ шахсан моддий жавобгарлиги тўғрисида шартнома тузилади.

Кассирнинг ўзига топширилган ишни бажаришни бошқа шахсларга ишониши тақиқланади.

Битта кассири бўлган ташкилотларда, уни алмаштиришга зарурат туғилганда, кассир мажбуриятларини бажариш ташкилот раҳбарининг ёзма буйруғига (қарорига) биноан бошқа ходим зиммасига юкланади. Ушбу ходим билан қоидаларнинг 33-бандида назарда тутилган шартнома тузилади.

Кассир ишни тўсатдан қолдирган ҳолда (касаллиги ва ҳоказо туфайли), унинг ҳисоботида турган бойликлар дарҳол бошқа кассир томонидан қайтадан саналади, унга бойликлар ташкилот раҳбари томонидан тайинланган шахслардан иборат комиссия ҳозирлигида топширилади. Бойликларни қайтадан санаш натижалари ва топширилиши тўғрисида кўрсатилган шахслар имзолари билан далолатнома тузилади.

Куп миқдорда бўлинмалари бўлган ёки марказ

лаштирилган бухгалтериялар хизмат кўрсатадиган ташкилотларда иш ҳақи, вақтинча меҳнатга яроқсизлик нафақаси, стипендия, пенсия ва мукофотлар тўлаш билан, ташкилот раҳбарининг ёзма буйруғи (қарори)га кўра, кассирлардан ташқари бошқа шахслар шуғулланиши мумкин, улар билан 33-бандда назарда тутилган шартнома тузилади ва кассирлар учун қойдаларда белгиланган шахслар томонидан пул маблағлари берилиши ва қабул қилиниши 3-илованинг 4-бўлимига мувофиқ жиҳозланган касса пунктлари хоналарида амалга оширилади.

Касса ҳужжатларига имзо чекиш ҳуқуқидан фойдаланувчи бухгалтерлар ва бошқа ходимлар кассир мажбуриятларини бажаришлари мумкин эмас.

Штатлар жадвалига кўра кассир лавозими назарда тутилмаган ташкилотнинг бошқа ходимлари зиммасига касса операцияларини амалга ошириш мажбуриятлари ана шу тартибда юкланади.

Ташкилот раҳбари томонидан белгиланган муддатларда, лекин чоракда кўпи билан бир маротаба ҳар бир ташкилотда касса тўсатдан тафтиш қилиниб, барча пуллар бирма-бир қайтадан саналади ва кассада бўлган бошқа бойликлар топширилади. Кассани тафтиш қилиш учун ташкилот раҳбарининг буйруғи билан комиссия тайинланади, у далолатнома тузади. Тафтиш вақтида кассада камомад ёки ортиқча бойликлар аниқланса, далолатномада камомад ёки ортиқча бойликлар суммаси ва уларнинг пайдо бўлиш тафсилоти кўрсатилади.

Касса дафтари автоматлаштирилган тарзда юритилганда касса ҳужжатларига ишлов бериш дастурий воситалари тўғри ишлаётганлиги текширилиши керак.

Юқори турадиган ташкилотлар ўзларига буйсунадиган барча ташкилотларда ҳужжатли текширишларни амалга ошираётганда мажбурий тартиб

да кассани тафтиш қиладилар ва касса интизомига риоя этилишини текширадилар. Тафтиш ўтказилаётганда пул ва бойликлар сақланишини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилиши керак.

Бу нарса уларнинг уставида назарда тутилган акциядорлик жамиятлари, кооперативлар, шу жумладан ширкатлар, жамоат ва бошқа ҳужаликларда бундай тафтишларни тафтиш комиссиялари, жалб этилган аудиторлар ёки аудиторлик ташкилотлари амалга оширади. Касса интизомини бузишда айбдор шахслар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади. Касса интизомига риоя этилиши учун жавобгарлик ташкилотлар раҳбарлари, бош бухгалтерлари, молиявий хизматлар раҳбарлари ва кассирлар зиммасига юклатилади.

Банк мауссасалари ҳам корхоналар томонидан Касса операцияларини юритишнинг амалдаги қонунларига риоя этилишини текширадилар. Бюджет ташкилотларида касса операцияларини юритишни тегишли молия органлари текширадилар.

Зарурат туғилганда корхоналарда (транспорт, алоқа) «Корхона (ташкилот) кассаси» ва «Операцион касса» сингари ҳисобварақлар очилиши мумкин.

Пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети бўйича кассада пул маблағларининг корхона кассасига келиб тушиши акс эттирилади. Кредит бўйича корхона кассасида пул маблағларининг туланиши ва лимитда ортиқча пулларнинг банкка топширилиши акс эттирилади.

## 9.2. Ҳисоб-китоб варағида пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Корхонанинг банкдаги ҳисоб-китоб варағида пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғриси-

даги ахборотни умумлаштириш 5110-«Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобварағида амалга оширилади.

Ҳисоб-китоб варағи бўйича операцияларни амалган ошириш ва расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан бошқарилади.

Нақдсиз ҳисоб-китобларда Марказий банк томонидан ҳисоб-китоб ҳужжатларининг қуйидаги шакллари ишлатилади:

- Тўлов топшириқномаси (№ 0505411002);
- Тўлов талабномаси (№ 0505411001);
- Аккредитивга ариза (№ 0505411009);
- Инкассо топшириқномаси (№ 0505411013);
- Тижорат банкининг ҳисоб-китоб чеки (№ 0505411005);
- Мемориал ордер (№ 0505411008).

Маблагларни тўловчи билан олувчи ўртасидаги ҳисоб-китоблар шакли тузилган шартномага (битимга) мувофиқ белгиланади.

Банклар мижозлар билан ҳисоб-китобларда ва ўз операцияларини ўтказишда мемориал ордерлар ва тўлов топшириқномаларидан фойдаланиши мумкин.

Банк тўловчи бўлган ҳолларда мемориал ордерлар банк раҳбари ва бош бухгалтери имзоси билан, қолган ҳолларда — бош бухгалтер ва мазкур банк ҳисобварағини юритувчи бухгалтер имзоси билан тасдиқланади.

Мемориал ордерлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг қонунийлиги учун жавобгарлик банк раҳбари ва бош бухгалтери зиммасига юклатилади.

Ҳисоб-китоб операцияларини банклар мижозларнинг депозит ҳисобварақларидан амалга оширадилар.

Банк мижозларнинг пул маблагларини уларнинг ҳисобварақларида сақлайди, ушбу ҳисобварақларга келиб тушадиган суммаларни кирим қилади,

мижозларнинг уларни ўтказиш ва ҳисобварақлардан бериш тўғрисидаги фармойишини бажаради, банк меъерий ҳужжатларни ҳамда банк билан мижоз ўртасидаги шартномада назарда тутилган бонқа банк операцияларини ўтказди.

Тўловлар, агар банк билан мижоз ўртасидаги шартномада бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса, мижозларнинг ўз маблағлари ҳисобига, айрим ҳолларда эса банк кредити ҳисобига амалга оширилади.

Маблағларни олувчи ҳисобига қайд этиш фақат ушбу маблағлар тўловчининг ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилгандагина амалга оширилади, ҳисоб-китоблар чеклар ва пластик карточкалар билан амалга оширилган ҳолларда бундан мустасно.

Унга тақдим этилган барча талабларни қондириш учун мижознинг ҳисобварағида пул маблағлари етарли бўлмаганда маблағларни ҳисобдан чиқариш қонун ҳужжатлари ва Марказий Банкнинг меъерий ҳужжатлари билан белгиланган навбатчилик тартибида амалга оширилади.

Маблағларни тўловчи билан олувчи ўртасидаги ҳисоб-китоблар бўйича ўзаро даъволарни тарафлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, банк иштирокисиз кўриб чиқадилар.

Банклар пеняни ҳисоблаш ва ундириш учун жавобгар бўлмайди, уни қарздор кредиторга шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки тегишлича бажармаган ҳолларда тўлаши шарт. Ўтказиб берилган маҳсулотга ўз вақтида ҳақ тўланмаганда харидор (тўловчи) пеняни, агар банк билан мижоз ўртасидаги шартномада бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса, мол ўтказиб берувчи билан харидор ўртасидаги шартномада назарда тутилган тартибда тўлайди.

Банкка банк операцияларини бажариш билан боғлиқ даъволарни мижоз сабабларни аниқлаш учун хизмат кўрсатувчи банкка юборади.

Банк ва унинг мижозлари ўртасидаги низолар хизмат кўрсатишга тузилган шартномаларга мувофиқ келишув йўли билан ҳал этилади. Юзага келган низоларни ўзаро келишув йўли билан ҳал этиб бўлмаса, улар хўжалик суди орқали ҳал этилади.

Банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уларнинг Марказий банк ҳудудий бош бошқармаларида (ҳисоб-китоблар марказларида) очилган корреспондентлик ҳисобварақлари орқали электрон тўловлар тизими бўйича миллий валютада амалга оширилади.

Пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари Марказий банкнинг талаблари ва белгиланган стандартларига мувофиқ келиши керак. Ушбу талабларга кўра уларда қуйидагилар мавжуд бўлиши керак:

- ҳужжат рақами;
- ҳужжат санаси (КК.ОО.ЙЙЙЙ);
- тўловчининг номи;
- тўловчи ҳисобварагининг рақами;
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) (чек ва аккредитивдан ташқари);
- тўловчи банкнинг номи;
- тўловчи банкнинг коди;
- олувчининг номи;
- олувчи ҳисобварагининг рақами;
- олувчи банкнинг номи;
- олувчи банкнинг коди;
- тўлов суммаси рақам ва сўз билан;
- тўловдан мақсад (чекда кўрсатилмайди).

Тижорат банки чекида қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

- чекнинг серияси ва рақами;
- жисмоний шахс паспортининг серияси ва рақами;
- чек «КК.ОО.ЙЙЙЙ» гача ҳақиқий ҳисобланади.

Аккредитивга аризада қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

- аккредитивнинг амал қилиш муддати;
- аккредитив очиладиган шартнома рақами;
- буюртма рақами;
- буюртма санаси;
- товар ёки хизмат номи;
- унинг асосида аккредитив бўйича тўловлар амалга ошириладиган ҳужжат тури;
- қўшимча шартлар.

Пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлдиришда маблағларни тўловчи ва олувчининг номини, банк ва мижозларнинг ишини қийинлаштирмаган ҳолда, оқилона қисқартиришга йўл қўйилади.

Ўзининг қўшилган қиймат солиғи солинадиган маҳсулотини сотадиган хўжалик юритувчи субъектлар тўлашга тақдим этилган пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларида ҚҚС суммасини алоҳида сатрга ажратишлари шарт. Қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод этилганлар «ҚҚСсиз» деб ёзадилар ёки шундай ёзувли штамп қўядилар.

Пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари техник воситалардан фойдаланган ҳолда қора қоғоз воситасида бир ўтиришда ёзилади ёки асл нусхалари банк ва ҳисоб-китобларда иштирок этадиган барча тарафлар учун зарур нусхалар миқдорида кўпайтириш йўли билан ёзилади.

Чеклар қўлда барча хил (бинафша ранг, ҳаво ранг ёки қора рангда) сиёҳлар билан ёки техник воситалардан фойдаланиб ёзилади.

Пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларида ўчиришлар, устидан ёзишлар ва тузатишларга қатъиян йўл қўйилмайди.

Пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини банк юридик шахслардан ижро этишга муҳр изи илова қилинган ҳолда, биринчи нусхада (асл нусхада) пул-ҳисоб-



китоб ҳужжатларини имзолаш ҳуқуқига эга мансабдор шахсларнинг имзолари мавжуд бўлганида қабул қилиб олади.

Имзолар шахсан қўлда қўйилиши керак. Барча пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларида факсимиле қўйиш қатъиян тақиқланади.

Мижозлардан ҳужжатларни қабул қилиш банк томонидан, агар шартномада бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса, кун давомида банкнинг миждозлар билан ишлаш вақтига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Бунда банк томонидан миждозлардан операциялар вақтида қабул қилинган ҳужжатлар ушша кунийёқ бажарилади.

Маблағларни миждоз ҳисобварағидан ҳисобдан чиқариш ташаббускор, банкда фақат пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг биринчи нусхалари ёки «Банк-Мижоз» тизимидан фойдаланадиган миждозлардан алоқа каналлари орқали келиб тушган электрон пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари, шунингдек пластик карточкалардан фойдаланиб тузилган электрон ҳужжатлар асосидагина амалга оширилади.

Маблағларни миждоз ҳисобварағига қайд этиш банкда дастурга мувофиқ, электрон тўловлар тизими бўйича келиб тушган электрон пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларига асосан ва тижорат банки ҳисоб-китоб чекиннинг асл нусхасига, шунингдек пластик карточкалардан фойдаланиб тузилган электрон ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

Уларга асосан маблағлар қайд этилган ёки ҳисобдан чиқарилган пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг барча нусхаларини мажбурий тартибда бухгалтер имзоси ва мазкур бухгалтерга биркитилган банк штампи билан тасдиқланиб, қабул қилиш санаши кўрсатилади.

«Банк-миждоз» тизимидан фойдаланадиган банклар маблағлар миждозлар ҳисобварағига қайд этилган

ни ёки ундан ҳисобдан чиқарилганидан кейин, шаклланган электрон пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини мижознинг тегишли почта қутисига жойлаштирадилар.

*Тўлов топшириқномаси* (матн давомида — топшириқнома) мижознинг унга хизмат кўрсатувчи банкка ўз ҳисобварағида олувчининг ҳисобварағига муайян суммани ўтказиш тўғрисидаги топшириғидир. Топшириқномалар билан товарлар, ишлар, хизматлар учун ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилиши мумкин. Топшириқнома санаси уни банкка тақдим этиш санасига мувофиқ келиши керак, улар мувофиқ келмаган тақдирда тўлов топшириқномаси ижро этишга қабул қилинмайди (бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлардан ташқари).

Агар шартномада ва бошқа меъёрий ҳужжатларда бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса, топшириқнома банк томонидан мижознинг депозит ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлганидагина қабул қилинади.

Маблағлар (пенсиялар, алиментлар ва ҳоказолар) тўлов топшириқномалари билан Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги корхоналари орқали ўтказилганда, барча зарур иловаларни (маълумотномалар, ўтказмалар рўйхати ва ҳоказо) мижозлар бевосита Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги корхоналарига белгиланган қоидаларга кўра тақдим этадилар.

Зарур (шошилинч) эҳтиёжларга маблағлар хўжалик юритувчи субъектлар топшириқномалари асосида, тегишли меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган тартибда берилади.

Топшириқномада тўловнинг мақсади қуйидагича кўрсатилади: «Зарур (шошилинч) эҳтиёжлар учун суммалар ҳисобига».

Банклар зарур (шошилинч) эҳтиёжлар учун

маблағлар суммаларининг тўғри ҳисоб-китоб қилинганини назорат қиладилар.

Топшириқномани мижоз банкка қуйидагича тақдим этади:

а) маблағларни тўловчи ва олувчига битта банкда хизмат кўрсатилса, уч нусхада:

— тўлангандан кейин биринчи нусхаси банкнинг пул ҳужжатларига тикилади;

— иккинчи нусхаси маблағ олувчининг шахсий ҳисобварагидан кўчирмага илова қилинади;

— учинчи нусхаси тўловчининг шахсий ҳисобварагидан кўчирмага илова қилинади;

б) маблағларни тўловчи ва олувчига турли банкларда хизмат кўрсатилганда, банклараро ҳисоб-китобларда икки нусхада:

— тўланганидан кейин биринчи нусхаси банкнинг пул ҳужжатларига тикилади;

— иккинчи нусхаси тўловчининг шахсий ҳисобварагидан кўчирмага илова қилинади.

«Банк-мижоз» тизимидан фойдаланадиган мижоздан алоқа каналлари орқали олинган электрон тўлов топшириқномаси дастурий назоратдан ўтади, зарурият тугилганда қоғозга чиқарилади ва тегишли текширишдан кейин банкнинг операциялар кунда ишлов бериш учун топширилади. Тўланганидан кейин мижоздан олинган электрон тўлов топшириқномаси икки нусхада қоғозга чиқарилади:

— битта нусхаси банкнинг пул ҳужжатларига тикилади;

— бошқа нусхаси солиштириш учун пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхаларини олишга қадар банкда қолади, шундан сўнг улар белгиланган тартибда банкнинг пул ҳужжатларига алоҳида тикилади.

Электрон тўловлар тизими бўйича олинган электрон тўлов топшириқномаси олувчининг банкида икки нусхада қоғозга кўчирилади:

— бир нусхаси банкнинг пул ҳужжатларига тикилади;

— бошқа нусхаси маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади.

Вакиллар номига ўтказмалар корхона ва ташкилотларнинг муайян топшириқларини бажариш учун узоқ муддатга бошқа жойга хизмат сафарига юборилган, жойлашган жойидаги банкда талаб қилиб олингунгача депозит ҳисобварақларини очиш ҳуқуқига эга ходимларга (бундан кейин «вакиллар» деб номланади) амалга оширилиши мумкин.

Вакилларга маблағларни ўтказишга топшириқномалар белгиланган тартибда расмийлаштирилади ва фақат банк раҳбарининг ёзма рухсати бўйича ижрога қабул қилинади. Агар вакил иккинчи имзо ҳуқуқига эга мансабдор шахс ҳисобланса, унинг имзоси билан маблағларни унинг ҳисобига ўтказиш топшириқномалари ижро этиш учун қабул қилинмайди. Вакиллар ҳисобварақларида фақат уларни хизмат сафарига юборган ташкилотларнинг ўтказмалари суммаларигина қайд этилиши мумкин. Вакиллар ҳисобварақларидан нақд пул тўловлари ва нақдсиз ўтказишлар амалга оширилиши мумкин. Ҳисобварақ бўйича операцияларнинг алоҳида тусдалигини ҳисобга олиб, банк ҳар бир алоҳида ҳолда нақд пулларга талабларнинг асослилигини ва нақдсиз тартибда ҳисоб-китоб қилиш мумкинлигини кўриб чиқиши керак. Вакилларга нақд пулларнинг берилиши банкда шахсан вакиллар тўлдирадиган чиқим касса ордерлари бўйича амалга оширилади. Вакилларнинг пул олиш ҳуқуқини бошқа шахсга ишониб топширишга йўл қўйилмайди.

Вакилларнинг барча тўловлари ва маблағ ўтказишлари фақат банк раҳбарининг рухсати билан амалга оширилади, бунда олувчининг (ўтказма берувчининг) шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар

албатта текширилиб, чиқим касса ордерида ёки тўлов топшириқномасининг орқа томонида бу хусусда тегишли белги кўрсатилади.

Олинган кундан бошлаб ёки охириги тўлов санасидан кейин икки ой давомида вакил талаб қилиб олмаган ўтказма ўтказма берувчининг банкига қайтарилиши керак. Ўтказма берувчининг аризасига кўра ўтказманинг ишлатилмаган қолдиғи ушбу муддатдан олдин ҳам қайтарилиши мумкин.

Ўтказма берувчи вакилга ўтказмани фақат унга хизмат кўрсатадиган банк орқали чақириб олиши мумкин. Бунда банк вакил ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлар қолдиғи суммасида маблағларни қайтаради.

*Тўлов талабномаси* (матн давомида — талабнома) етказиб берувчининг (маблағларни олувчининг) тўловчига муайян суммани банк орқали тўлаш тўғрисидаги талабини ўз ичига олган пул-ҳисоб-китоб ҳужжати ҳисобланади.

Етказиб берувчи (маблағларни олувчи) банкка белгиланган шаклда талабнома тақдим этади.

**Талабнома:**

- юклаб жўнатилган (сотилган) товарлар учун;
- бажарилган ишлар учун;
- кўрсатилган хизматлар учун;
- амалдаги қонун ҳужжатлари, меъёрий ҳужжатлар ёки шартномада назарда тутилган бошқа тўловлар бўйича қўйилиши мумкин.

Талабномада қўйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

- ҳужжат рақами;
- ҳужжат санаси (КК.ОО.ЙИЙЙ);
- тўловчининг номи;
- тўловчи ҳисобварағининг рақами;
- солиқ тўловчининг идентификация рақами

(СТИР);

- тўловчи банкининг номи;
- тўловчи банкининг коди;
- олувчининг номи;
- олувчи ҳисобварағининг рақами;
- олувчи банкининг номи;
- олувчи банкининг коди;
- тўлов суммаси рақам ва ёзув билан;
- тўлов мақсади.

Бундан ташқари, талабларда етказиб берувчи қуйидагиларни кўрсатиши шарт:

- шартноманинг санаси ва рақами;
- контрактация шартномаларига доир маҳсулот етказиб беришлар бўйича тўлов талабномасининг тегишли устунида «контрактация шартномаси» кўрсатилиши зарур;
- товарларни юклаб жўнатиш (бериш) санаси ва товар-транспорт ёки қабул қилиш-топшириш ҳужжатларининг рақамлари ҳамда транспорт тури, товар почта ва телекоммуникациялар агентлиги корхоналари орқали жўнатма тарзида жўнатилганида эса почта квитанцияларининг рақамлари;
- товар харидор транспорти билан олиб чиқилганида «жўнатиш усули квитанция юкхат №...» сатрида «харидор транспорти билан олиб чиқиб кетилган, ишончнома №...» деб кўрсатилади;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа реқвизитлар.

Талабномага товар-транспорт ҳужжатлари ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар илова қилиниши, уларда мол етказиб берувчи, агар мол етказиб берувчи билан тўловчи ўртасидаги шартномада бошқа нарса таъкидланмаган бўлса, юклаб жўнатилган (берилган) товарлар ёки кўрсатилган хизматлар учун нархларнинг асосланмасини кўрсатиши шарт.

Талабномаларни товар-транспорт ҳужжатлари ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар билан

бирга мол етказиб берувчи товар юклаб жўнатилганидан (хизмат кўрсатилганидан) кейин шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирмай инкассога топширади.

Тарафларнинг келишувига кўра талабномалар бўйича тўловлар акцепт билан, шунингдек акцептсиз бўлиши мумкин.

Мол етказиб берувчи биргина операция бўйича талабномани такроран тақдим этишга ҳақли эмас, бундан қуйидаги ҳоллар мустасно:

— дастлабки талабнома тўловчининг банкига келиб тушмагани тўғрисида хабарнома мавжуд бўлганида;

— талабнома унинг манзилига юк қайтадан юборилган корхонага ёзилганда. Бу ҳолда мол етказиб берувчи дастлабки талабномани тўловчининг банкидан чақириб олиши керак.

Талабномани ҳисобварақлар реестри билан биргаликда мол етказиб берувчи унга хизмат кўрсатадиган банка тақдим этади. Бунда ҳисобварақлар реестри икки нусхада тузилади ва тўлов талабномаларининг барча реквизитларини ўз ичига олиши керак:

— реестрнинг биринчи нусхаси корхона (ташкilot) раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланиши ҳамда муҳр билан тасдиқланиши керак. У бухгалтер имзоси ва мазкур бухгалтерга бириктирилган банк штампи билан тасдиқланган қабул қилиш санасини кўрсатган ҳолда мол етказиб берувчининг банкида қолади;

— реестрнинг иккинчи нусхаси бухгалтер имзоси ва мазкур бухгалтерга бириктирилган банк штампи билан тасдиқланган қабул қилиш санасини кўрсатган ҳолда мол етказиб берувчига қайтарилади.

Талабнома:

а) маблағларни тўловчи ва олувчига битта банкда хизмат кўрсатилса, уч нусхада тақдим этилади:

— талабноманинг биринчи нусхаси тўлангандан кейин банкнинг пул ҳужжатларига тикилади;

— талабноманинг иккинчи нусхаси тўлангандан кейин маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади;

— талабноманинг учинчи нусхаси тўлангандан кейин тўловчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади;

б) олувчи ва тўловчига турли банкларда хизмат кўрсатилса, банклараро ҳисоб-китоблар вақтида икки нусхада тақдим этилади. Талабноманинг биринчи ва иккинчи нусхалари почта орқали тўловчининг банкига жўнатилади, у ерда:

— биринчи нусхаси тўловни кутиб банкда қолади;

— иккинчи нусхаси унга илова қилинган товар-транспорт ҳужжатлари ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар билан бирга кейинги иш кунидан кечиктирмай, ҳужжатни қабул қилиш санасини кўрсатган ҳолда, тўлов тўғрисида хабар бериш ва акцепт учун тўловчига топширилади ёки мижознинг почта қутисига солинади.

Тўловчи белгиланган муддатда талабномани банкка акцепт тўғрисидаги белги билан қайтариши керак. Акс ҳолда талабнома банкнинг умумий тартибида акцептланади, бунда тўлангандан кейин:

— биринчи нусхаси банкнинг кун ҳужжатларига тикилади;

— иккинчи нусхаси шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан тўловчига топширилади.

Олувчининг банкида электрон тўловлар тизими бўйича олинган талабнома икки нусхада қоғозга чиқарилади:

— биринчи нусхаси банкнинг пул ҳужжатларига тикилади;

— иккинчи нусхаси маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади.



Тўловчининг депозит ҳисобварағида бўлмаган тақдирда талабнома 2-сон картотекага жойлаштирилади, бу хусусда мол етказиб берувчининг банкига маълум қилинади ва маблағ келиб тушишига қараб, амалдаги қонун ҳужжатлари ва тегишли меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган тартибда тўланади.

Тўловчининг депозит ҳисобварағида маблағ етарли бўлмаса, талабномани қисман тўлаш мумкин. Қолган суммада талабнома 2-сон картотекада жойлаштирилади, бунда талабноманинг орқа томонида қисман тўлаш суммаси кўрсатилади.

Мол етказиб берувчининг илтимосига кўра унга **хизмат кўрсатадиган банк тўловчининг банкига** тўлов талабномасини тўламаслик сабаблари тўғрисида почта сўровномасини юборади. Тўловчининг банки сўровнома олинган кундан бошлаб уч кун давомида жавоб бериши шарт. Заруратга қараб, мол етказиб берувчининг илтимосига кўра, банк такроран сўровнома юборади.

Талабнома акцептининг қўйидаги тартиби ва муддати белгиланади:

— бир шаҳарда яшовчи мижозлар учун уч иш куни, талабнома келиб тушган кун бунга кирмайди;

— бошқа шаҳарда яшовчи мижозлар учун беш иш куни, талабнома келиб тушган кун бунга кирмайди;

— тўловчининг асосли илтимосномасига кўра 10 кунгача.

Акцепт билан тўланадиган талабномалар тўлаш муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг картотекасига (1-сон картотекага) жойлаштирилади.

Агар банкда 1-сон картотека қўлда юритилса, олиш кунида ушбу талабномаларни банк «Тўлаш учун акцептни кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари» журналида қайд этиб, қўйидаги реквизиитларни кўрсатади: келиб тушиш санаси ва тўлов муддати, ҳисоб-

варақ рақами ва тўловчининг номи, талабнома рақами ва унинг санаси. Журналда тўловнинг ҳар бир муддати бўйича талабномалар суммаларининг якунлари ва ушбу якунлар суммаси кўрсатилиши керак.

Тўловчиларни тўловлар тўғрисида хабардор қилиш ва акцепт учун мўлжалланган талабномалар нусхалари, уларга илова қилинган товар-транспорт ҳужжатлари ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар билан бирга, тегишли тўловчиларга банкка келиб тушган кундан кейинги кундан кечиктирмай берилади.

Тўловчи белгиланган муддатда унга хизмат кўрсатадиган банкка акцептдан қисман ёки тўлиқ бўйин товлаш хусусида ёзма равишда ариза бериш ҳуқуқига эга (мол етказиб берувчи томонидан товар-моддий бойликларни етказиб бериш, хизмат кўрсатиш ва ҳоказолар тўғрисидаги шартнома шартлари, шунингдек тегишли қонун ҳужжати бузилган тақдирда).

Агар белгиланган муддатда тўловчи акцептдан ёзма равишда бўйин товламаса, талабнома акцептланган ҳисобланади.

Акцептдан бўйин товлашларни қабул қилиш ҳуқуқи тақдим этилган мансабдор шахслар доирасини банк раҳбари белгилайди.

Банклар акцептдан бўйин товлашнинг қуйидаги мотивлари бўйича низоларни кўриб чиқмайди:

— акцептдан ёзма равишда бўйин товлаш олинганда (бўйин товлаш сабабларини кўрсатган ҳолда) талабнома ўша кунгек 1-сон картотекадан олинади ва ёзма бўйин товлаш кўчирма нусхаси ва барча иловалар билан бирга ижросиз мол етказиб берувчининг банккага қайтарилади;

— акцептдан қисман бўйин товлашда тўловчи томонидан акцептланган суммада талабнома тўланади, маблағ мавжуд бўлмаса, 2-сон картотекага жойлаштирилади. Талабноманинг дастлабки сумма-

си яхлитлаштирилади ва ёнига талабнома тўловчи томонидан акцептланган сумма қўйилади. Бунда банк мол етказиб берувчининг (маблағ олувчининг) банкига тўловчи акцептдан қисман бўйин товлаши хусусида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Банк ҳужжатларини 2-сон картотекадан тўлаш вақтида, агар бу нарса банк билан миждоз ўртасидаги шартномада таъкидланган бўлса, пеня ҳисоблаб ёзиш, тўловчининг ҳисобварағидан ҳисобдан чиқариш ва олувчининг ҳисобварағига қайд этиш ҳуқуқига эгадир.

Муддатида тўланмаган талабномалар бўйича пеняни банк тўловчилардан маблағ олувчилар фойдасига муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ундиради.

Пеня:

- қайтариладиган идиш учун;
- тегишли сифати бўлмаган маҳсулот учун ортиқча тўланган суммаларни ҳисобдан чиқаришга талабнома бўйича тўлов кечиктирилгани учун ҳисоблаб ёзилмайди.

Муддати ўтган кунлар миқдорини белгилаш вақтида ҳисоб-китобга тақвимий кунлар қабул қилинади.

Агар талабнома қисман акцептланган бўлса, пеня фақат тўловчи томонидан акцептланган суммадан ундирилади.

Ундирилаётган пеняни банк муддати ўтган тўловнинг асосий суммаси тўланган тўловчи ҳисобварағидан ҳисобдан чиқаради ва пул-ҳисоб-китоб ҳужжати суммаси қайд этилиши керак бўлган мол етказиб берувчи ҳисобварағига қайд этилади.

Талабнома қисман тўланганида пеняни ҳисоблаб ёзиш қисман тўловларни ундиришнинг боришига қараб, ҳар бир тўлов учун алоҳида, тўлов муддатининг санасидан бошлаб қисман тўлов суммасини тўловчи ҳисобварағидан ҳисобдан чиқариш кунига қадар амалга оширилади. Қисман тўловларга

ҳисоблаб ёзилган пеня суммалари талабноманинг орқа томонига қўйилади. Ҳисоблаб ёзилган суммани ундириш охириги тўловда амалга оширилади.

Тўловчининг ҳисобварағида фақат талабнома бўйича ўтган тўловнинг асосий суммасини тўлаш учун маблағ бўлган ҳолдагина ушбу суммани тўлаш кечиктирилмайди ва тўловчи ҳисобварағидаги мавжуд маблағлар доирасида амалга оширилади. Пеня тўлаш учун етишмайдиган сумма «Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари» деган кутилмаган ҳолатлар ҳисобварағига, асосий тўловнинг дастлабки муддатига риоя этган ҳолда кириб қилинади.

Муддати ўтган асосий суммани тўлаш пайтида охиригача ундирилмаган пенянинг суммасига пеня ҳисоблаб ёзилмайди.

Пеня талабномага киритиладиган пеня ва жарима суммасига ҳам ҳисоблаб ёзилмайди.

Акцептсиз тўланадиган талабномалар.

Тўловчининг ҳисобварағидан маблағларни акцептсиз ҳисобдан чиқариш, агар маблағларни акцептсиз ҳисобдан чиқариш тарафларнинг шартномаси билан таъкидланган ва талабномада «Акцептсиз» ёзуви ёки штамп мавжуд бўлиб, тўлов деталларида «Ҳисоб асбобларининг кўрсатувлари ёки тарифлар асосида» ёзуви кўрсатилган ҳолларда, коммунал хизматлар (газ, сув электр ва иссиқлик энергияси учун ҳисобнинг ўлчов асбоблари кўрсатувчи ва амалдаги тарифлар асосида ёзилган), канализация, телефондан фойдаланганлик, почта-телеграф харажатлари, шунингдек ахлатни олиб чиқиш учун ҳисоб-китоблар пайтида амалга оширилади.

Қарздор томонидан тан олинган сумма маблағларини акцептсиз ҳисобдан чиқариш даъво бўйича, қарздор суммасини тан олиш тўғрисидаги жавобнинг асл нусхасини илова қилган ҳолда, қонун

ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда, талабномада «Акцептсиз» ёзуви мавжуд бўлганида амалга оширилади.

Талабномада тўловнинг мақсади уларга кўра ҳисоб-китобларнинг ушбу шакли белгиланган меъёрий ҳужжат ёки шартноманинг санаси рақами ва тегишли бандига мажбурий ҳавола билан кўрсатилади. Бунда банк фақат илова қилинган ҳужжатларнинг уларнинг талабномада кўрсатилган реквизи-титларига мувофиқлигини текширади, лекин уларнинг мазмуни ва ҳужжатларнинг йўлда йўқолгани учун жавобгар бўлмайди.

~~Банкка операциялар кўни давомида келиб тушган, акцептсиз тўланиши лозим бўлган талабномалар ўша кунгек тўланади, тўловчининг ҳисобварақларида маблағ бўлмаган ёки етарлича бўлмаган ҳолларда эса тўланмаган сумма «Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари» ҳисобварақларидаги картотекада (2-сон картотека) жойлаштирилади.~~

Операциялар кўни тугаганидан кейин келиб тушган талабномаларга «Кечки» штамп қўйилади ва улар кейинги иш кўнида тўланади ёки 2-сон карто-текага кирим қилинади.

*Инкассо топшириқномаси* мижознинг банкка тўловчининг ҳисобварағидан маблағларни сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқариш талаби ҳисобланади.

Инкассо топшириқномаларини қўйидагилар қўйиши мумкин:

— солиқ органлари — давлат бюджетига ўз муддатида киритилмаган солиқлар ва солиқ бўлмаган тўловларни (пеня, жарималар) ундириш тўғрисида;

— бюджетдан ташқари жамғармалар — агар бу нарса қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, боқимандаларни ундириш тўғрисида;

— божхона органлари — ўз муддатида тўланмаган божхона тўловларини ундириш тўғрисида;

— суд органлари — уларга берилган ижро ҳужжатлари бўйича;

— бошқа органлар — қонун ҳужжатларига мувофиқ.

Қуйидагилар ижро ҳужжатлари деб тан олинади:

— хўжалик судининг буйруқлари;

— судлар томонидан берилган ижро варақлари;

— нотариуслар қайд этган ижро ёзувлари.

Туловчилар ҳисобварақларидан маблағларни ҳисобдан чиқаришни банк фақат асл ҳужжатлар ёки уларнинг дубликатлари бўйича амалга оширади. Туловчиларнинг ҳисобварақларидан маблағларни ушбу ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари бўйича ҳисобдан чиқаришга рухсат берилмайди.

Хўжалик судининг ҳал қилувчи қарори бўйича суммаларни ундиришга доир инкассо топшириқномаларида албатта қарорнинг рақами ва санасига ҳавола бўлиши керак, бунинг устига қарз ва давлат божи бўйича харажатлар суммалари алоҳида-алоҳида кўрсатилиши зарур.

Агар ушбу ҳужжатлар қонунда белгиланган муддатни ўтказиб юбориб тақдим этилган бўлса, банк маблағларни хўжалик юритувчи субъектлар фойдасига ҳисобдан чиқаришга доир ҳужжатларни инкассога қабул қилмайди.

Қонун ҳужжатларида ижро ҳужжатларини бажаришга тақдим этишнинг қуйидаги муддатлари белгиланган:

— судлар томонидан берилган ижро варақлари бўйича уч йил;

— ижро ёзувлари бўйича — уч йил;

— хўжалик судлари томонидан берилган ижро варақалари бўйича — олти ой;

— меҳнат низолари бўйича комиссия томонидан берилган гувоҳномалар бўйича — уч ой.

Хўжалик суди судьяси томонидан берилган суд

буйруғи буйича ундириш буйруқ берилганидан сўнг ўн кун ўтгач амалга оширилади.

Ижро ҳужжатини ижро этиш учун банкка ёки суд ижрочисига тақдим этиш ижро учун тақдим этиш муддатининг ўтишини бўлиб қўяди. Банк ёки суд ижрочиси томонидан ҳужжат ундирувчига қайтарилган тақдирда муддат у қайтарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Банклар фақат қуйидаги ҳолларда ундиришни тўхтатиш ёки бекор қилиш ҳуқуқига эга:

- ундирувчиларнинг аризалари буйича;
- ҳўжалик судининг тегишли ҳал қилувчи қарори тақдим этилганда;

- жинойт ишини қўзғатиш ва тергов қилиш муносабати билан тергов органларининг қарорлари буйича.

Юқорида баён этилган ҳужжатларда ундириш тўхтатилиши ёки бекор қилиниши учун асос бўлган ҳужжатнинг санаси ва рақами кўрсатилиши керак.

Ундирувчи банкка ундиришни бошқа усул билан амалга ошириш учун ижро ҳужжатини суд ижрочисига топшириш тўғрисида фармойиш бериши ҳам мумкин. Унга доир ундириш тўхтатилган ҳужжат ундирувчига қайтарилиши керак.

Ҳужжат топширилган ёки жўнатилган ҳолда банк ҳужжатни банкнинг бош бухгалтери ва бухгалтерининг имзолари, банкнинг муҳри билан тасдиқлайди ва қуйидагиларни кўрсатиб ёзувни қайд этади:

- ҳужжатнинг банкка келиб тушиш санаси;
- агар банк томонидан ҳужжат қисман тўланган бўлса, ундирилган сумма миқдори (ёзув билан);
- ҳужжатнинг банк томонидан ундирувчи ёки суд ижрочисига берилган ёки юборилган санаси.

Агар тўлов ҳисобварағида маблағ бўлмаса, ин-кассо топшириқномаси 2-сон картотекага жойлаш-

тирилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида тўланади.

Инкассо топшириқномаси ундирувчи томонидан инкассога бир шаҳардаги ҳисоб-китоблар пайтида — хизмат кўрсатувчи банкка ёки бевосита тўловчининг ҳисобварағи юритиладиган фақат хизмат кўрсатадиган банкка тақдим этилади.

Инкассо топшириқномаси банкка уч нусхада илова билан бирга тақдим этилади:

1) агар маблағларни тўловчи ва олувчига битта банкда хизмат кўрсатилса, бунда:

— инкассо топшириқномасининг биринчи нусхаси тўланганидан кейин банкнинг кун ҳужжатларига тикилади;

— иккинчи нусхаси ижро ҳужжатлари илова қилинган ҳолда тўловчига шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан бирга берилади;

— учинчи нусхаси олувчига шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан бирга қайтарилади;

2) бир шаҳардаги ҳисоб-китобларда инкассо топшириқномаси бевосита тўловчининг банкка тақдим этилиши мумкин, бунда:

— биринчи нусхаси тўланганидан кейин банкнинг кун ҳужжатларига тикилади;

— иккинчи нусхаси илова қилинган ижро ҳужжатлари билан бирга тўловчига шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан берилади;

— учинчи нусхаси олувчига шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан бирга қайтарилади;

3) ундирувчи томонидан унга хизмат кўрсатувчи банкка банклараро ва шаҳарлараро (ҳудудлараро) ҳисоб-китоблар пайтида инкассо топшириқномаси тақдим этилганида, бунда:

— биринчи ва иккинчи нусхалари ижро ҳужжатлари илова қилинган ҳолда бухгалтер имзоси ва мазкур бухгалтерга бириктирилган банк штампи билан



тасдиқланган қабул қилиш санасини кўрсатган ҳолда почта орқали ижрочи банкка жўнатилади;

— учинчи нусхаси бухгалтер имзоси ва мазкур бухгалтерга бириктирилган банк штампи билан тасдиқланган қабул қилиш санасини кўрсатган ҳолда мижозга қайтарилади.

Айрим фуқаролар фойдасига ижро ҳужжатлари бўйича ундириш пайтида тўловчининг ҳисобварағи турган банк ижро ҳужжатларини фаолият ҳудудида мазкур банк жойлашган суд ижрочиси орқалигина қабул қилади.

Суд ижрочилари банкка ижро ҳужжатлари илова қилинган ҳолда инкассо топшириқномасини уч нусхада тақдим этадилар, бунда туланганидан кейин.

— инкассо топшириқномасининг биринчи нусхаси банкнинг пул ҳужжатларига тикилади;

— инкассо топшириқномасининг иккинчи нусхаси ижро ҳужжатлари билан бирга тўловчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади;

— учинчи нусхаси суд ижрочисига хабарнома сифатида қайтарилади.

Электрон тўловлар тизими бўйича олинган электрон инкассо топшириқномаси ундирувчининг банкида икки нусхада қоғозга чиқарилади, бунда:

— бир нусхаси банкнинг пул ҳужжатларига тикилади;

— бошқа нусхаси ундирувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади.

Банкнинг айби билан мижознинг инкассо топшириғи бажарилмаган ёки тегишлича бажарилмаган тақдирда банк амалдаги ҳужжатларда назарда тутилган асослар ва ҳажмларда жавобгар бўлади.

Корхонада бухгалтерия ҳисобида 5110-«Ҳисобкитоб варағи» ҳисобварағи дебити бўйича ҳисобкитоб варағига пул маблағларининг келиб тушиши акс эттирилади. 5110-«Ҳисобкитоб варағи» ҳисобварағи

кредити бўйича корхона ҳисоб-китоб варағидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш акс эттирилади. Янглиш равишда корхона ҳисоб-китоб варағининг кредити ёки дебетига киритилган ва банк кўчирмаларини текшириш пайтида аниқланган суммалар 4210-«Даъволар бўйича олишга доир ҳисобварақлар» ёки 6860-«Даъволар бўйича тўлашга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағида акс эттирилади.

Ҳисоб-китоб варағи бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида банк кўчирмалари ва уларга илова қилинган пул ҳамда ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида акс эттирилади.

### 9.3. Валюта ҳисобварағида пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Мамлакат ҳудуди ва хориждаги банкларда хорижий валюта ҳисобварақларида пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

5210 «Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари»

5220 «Хориждаги валюта ҳисобварақлари»

Валюта ҳисобварақлари бўйича операцияларни амалга ошириш ва расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари билан бошқарилади.

Корхонанинг валюта маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети бўйича корхонанинг валюта ҳисобварақларига пул маблағларининг келиб тушиши, кредити бўйича эса — пул маблағларини ҳисобдан чиқариш акс эттирилади. Корхона валюта ҳисобварақларининг кредитига янглиш равишда киритилган ва банк кўчирмаларини текши-

риш пайтида аниқланган суммалар 4210-«Даъво-лар бўйича олишга доир ҳисобварақлар» ҳисобва-рағи бўйича акс эттирилади.

Валюта ҳисобварақлари бўйича оперциялар бух-галтерия ҳисобида банк кўчирмалари ва уларга илова қилинган пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари асо-сида акс эттирилади.

Корхона валюта маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари бўйича таҳлилий ҳисоб банк муас-сасаларида хорижий валютадаги пул маблағлари-ни сақлаш учун очилган ҳар бир ҳисобварақ бўйи-ча юритилади.

#### 9.4. Банкда махсус ҳисобварақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Мамлакат ҳудудида ва хорижда жорий, алоҳида ва бошқа махсус ҳисобварақлардаги аккредитивлар, чек дафтарчалари, бошқа тўлов ҳужжатларида (век-селлардан ташқари) турган миллий ва хорижий валю-тадаги пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати, шунингдек мақсадли молиялаш маблағлари (тушум-лар)нинг алоҳида сақланиши лозим бўлган қисмининг ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қу-йидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

5510 «Аккредитивлар»

5520 «Чек дафтарчалари»

5530 «Бошқа махсус ҳисобварақлар».

5510-«Аккредитивлар» ҳисобварағида аккреди-тивларда бўлган маблағларнинг ҳаракати ҳисобга олинади. Аккредитивлар шаклидаги ҳисоб-китоблар-ни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республи-каси Марказий банки томонидан бошқарилади.

*Аккредитив* — банкнинг шартли пул мажбу-рияти, банк томонидан миждоз топширигига кўра унинг контрагенти фойдасига шартнома бўйича бе-

рилади, ушбу шартномага биноан аккредитив олувчи банк (эмитент-банк) мол етказиб берувчига тўловни амалга ошириши ёки унга аккредитивда назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этиши ва аккредитивнинг барча шартларини бажариш шarti билан бошқа банкка шундай тўловларни амалга ошириш ваколатини бериши керак.

Тўловчи банкка белгиланган шакл бўйича аккредитив учун ариза тақдим этади.

Аккредитив бўйича ҳисоб-китобларнинг амал қилиш муддати ва тартиби тўловчи билан мол етказиб берувчи (маблаг олувчи) ўртасидаги шартномада белгиланади.

Шартномада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- эмитент банкнинг номи;
- аккредитив тури ва уни ижро этиш усули;
- мол етказиб берувчининг аккредитив очилиши тўғрисида хабардор қилиш усули;
- мол етказиб берувчи томонидан аккредитив бўйича маблаг олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тулиқ рўйхати ва аниқ тавсифи;
- товарлар юклаб жўнатилганидан (хизмат кўрсатилганидан, ишлар бажарилганидан) кейин ҳужжатларни тақдим этиш муддати;
- бошқа зарур ҳужжатлар ва шартлар.

Аккредитивларнинг қуйидаги турлари очилиши мумкин:

- қопланган (депонентланган);
- қопланмаган (кафолатланган).

Аккредитивлар банк томонидан кутилмаган ҳолатларнинг алоҳида ҳисобварақларида ва 22602-«Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари» баланс ҳисобварағида ҳисобга олинади. Ҳар бир мол етказиб берувчи учун унга хизмат кўрсатадиган банкда аккредитивлар бўйича алоҳида депозит ҳисобварағи очилади.

Қопланган ва қопланмаган аккредитивлар чақириб олинадиган ёки чақириб олинмайдиган бўлиши мумкин. Бу нарса кўрсатилмаган бўлса, аккредитив чақириб олинадиган ҳисобланади.

Чақириб олинадиган аккредитивни эмитент банк мол етказиб берувчи билан олдиндан келишмасдан ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин (масалан, шартномада назарда тутилган шартларга риоя этилмаган тақдирда эмитент банкнинг муддатдан олдин бош тортишини аккредитив бўйича тўловлар кафолатлаши керак). Чақириб олинадиган аккредитив шартларини ўзгартириш тўғрисидаги барча фармоёнларни тўловчи фақат эмитент орқали бериши мумкин, эмитент банк мол етказиб берувчининг банкни (ижрочи банкни), ижрочи банк эса мол етказиб берувчини хабардор қилади. Бироқ ижрочи банк аккредитив шартларига мувофиқ келадиган, мол етказиб берувчининг банки томонидан аккредитив ўзгаргани ёки бекор қилингани тўғрисида билдиришнома олинганига қадар мол етказиб берувчи тақдим этган ва унинг банки қабул қилган ҳужжатларни тўлаши шарт.

Чақириб олинмайдиган аккредитив унинг фойдасига очилган мол етказиб берувчининг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Агар аккредитив шартларида назарда тутилган бўлса, мол етказиб берувчи аккредитивни ишлатишдан муддатдан олдин бош тортиши мумкин.

Мол етказиб берувчининг банкида аккредитивни ёпиш қўйидагича амалга оширилади:

а) аккредитив муддати тугаганда. Аккредитивни ёпиш тўғрисида ижрочи банк эмитент банкни хабардор қилади;

б) унинг муддати тугашига қадар тақдим этилган аккредитивдан бундан кейин фойдаланишдан воз кечиш тўғрисида мол етказиб берувчининг аризаси

бўйича ва агар бу нарса аккредитив шартларида назарда тутилган бўлса. Эмитент банкка ижрочи банк томонидан билдирувнома юборилади. Ишлатилмаган сумма тўловчининг банкига, ундан маблағлар депонент қилинган ҳисобвараққа ўтказилади;

в) аккредитивни тўлиқ ёки қисман чақириб олиш тўғрисида харидорнинг аризаси бўйича, агар бу нарса аккредитив шартлари билан назарда тутилган бўлса; аккредитив эмитент банкдан хабарнома олинган кунда, лекин 22602-«Аккредитивлар бўйича мижозларнинг депозитлари» баланс ҳисобварағидаги суммадан кўп бўлмаган миқдорда, ёпилади ёки камайтирилади. Аккредитивнинг ёпилиши тўғрисида эмитент банкка билдирувнома юборилади.

Аккредитив бўйича депозит ҳисобварағидан нақд пуллар тўлашга, шунингдек аккредитивни бошқанинг номига қайта расмийлаштирилишига йўл қўйилмайди.

Уларни очиш пайтида эмитент банк тўловчининг ўз маблағларини ёки унга тақдим этилган кредитни мол етказиб берувчи банки (ижрочи банк) тасарруфига эмитент банк мажбуриятлари амал қилишининг бутун муддати давомида ўтказилган аккредитивлар қопланган (депонент қилинган) аккредитивлар ҳисобланади.

Аккредитивга ариза эмитент банкка икки нусхада тақдим этилади:

— биринчи нусхаси тўлангандан кейин банкнинг пул ҳужжатларига тикилади;

— иккинчи нусхаси маблағ тўловчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади.

Айни вақтда аккредитив суммаси кутилмаган ҳолатлар ҳисобварағига кирим қилинади.

Тўланган аккредитив электрон тўловлар тизими бўйича маблағ олувчининг банкига юборилади ва мол етказиб берувчининг аккредитив ҳисобвара-

гида қайд этилади. Ижрочи банк мол етказиб берувчини маблағлар келиб тушиши ҳақида хабардор қилади.

Ижрочи банкда аккредитивга электрон ариза икки нусхада қоғозга кўчирилади, бунда:

— бир нусхаси банкнинг пул ҳужжатларига тикилади;

— иккинчи нусхаси «Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари» деган 1-сон картотекага жойлаштирилади.

Маблағларни мол етказиб берувчининг талаб қилиб олингунгача депозит ҳисобварағида қайд этиш унинг томонидан банкка аккредитив барча шартлари бажарилишини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этилганда амалга оширилади.

Аккредитив бўйича тўловни тасдиқлайдиган ҳужжатлар банкка аккредитив муддати тугашига қадар тақдим этилиши керак.

Ижрочи банк мол етказиб берувчи томонидан аккредитивнинг барча шартларига риоя этилишини, шунингдек тасдиқловчи ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганлигини текшириши шарт.

Аккредитив шартларидан ақалли биттаси бузилса, мол етказиб берувчининг ҳисобига маблағларни қайд этиш тақиқланади.

Мол етказиб берувчи банкка тасдиқловчи ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади.

Маблағлар мол етказиб берувчининг депозит ҳисобварағида қайд этилганида ижрочи банкда тўрт нусхада мемориал ордер ёзилади, тўлов мақсадида унинг ҳисобига тўлов амалга оширилган шартноманинг рақами ва санаси кўрсатилади ва:

— мемориал ордернинг биринчи нусхаси тасдиқловчи ҳужжатларнинг бир нусхаси билан бирга банкнинг пул ҳужжатларига тикилади;

— иккинчи ва учинчи нусхалари тасдиқловчи

ҳужжатларни илова қилган ҳолда эмитент банкка юборилади;

— мемориал ордернинг тўртинчи нусхаси шахсий ҳисобварақдан кўчирма билан бирга мол етказиб берувчига (маблағ олувчига) берилади.

Айни вақтда 1-сон картотекадан аккредитивнинг тўланган суммаси ҳисобдан чиқарилади.

Эмитент банк ижрочи банкдан аккредитив ишлатилгани тўғрисидаги ҳужжатларни олганидан кейин олинган мемориал ордерга асосан аккредитив суммасини кутилмаган ҳолатлар ҳисобварағидан ҳисобдан чиқаради ва мемориал ордернинг бир нусхасини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда тўловчига топширади.

Аккредитивдан тўлиқ фойдаланилмаган ва у эмитент банкка тўловчининг депозит ҳисобварағига қайтарилган ҳолда кутилмаган ҳолатлар ҳисобварағи ҳам ёпилади.

Мол етказиб берувчининг банкида аккредитив қисман тўланган тақдирда тўланган суммалар тўлашнинг боришига қараб, эмитент банкда кутилмаган ҳолатлар ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади.

Қопланмаган (кафолатланган) аккредитив ижрочи банкда эмитент банк билан бевосита корреспондентлик муносабатлари мавжуд бўлганда, мол етказиб берувчи томонидан аккредитив барча шартлари бажарилганда, унда очилган эмитент банкнинг корреспондентлик ҳисобварағидан аккредитив барча суммасини ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини эмитент банкка тақдим этиш йўли билан очилади.

Қопланмаган (кафолатланган) аккредитивнинг барча шартлари мол етказиб берувчи билан тўловчи ўртасидаги, шунингдек корреспондент банклар ўртасидаги шартномада таъкидланади.

Корхонанинг қопланмаган (кафолатланган) аккредитив қўйиш тўғрисидаги илтимосномаларини



эмитент банк кутилмаган ҳолатларни алоҳида ҳисобварақда кирим қилади.

Аккредитивдан тўлиқ фойдаланилмаган тақдирда эмитент банк қисман тўланган суммани миждоз ҳисобварағидан банкнинг корреспондентлик ҳисобварағига ҳисобдан чиқаради, айти вақтда аккредитивнинг тўлиқ суммасини кутилмаган ҳолатлар ҳисобварағидан ҳисобдан чиқаради.

Эмитент банкнинг корреспондентлик ҳисобварағидан мол етказиб берувчининг ҳисобварағига қопланмаган аккредитив буйича маблағларни қайд этиш Марказий банкнинг нақдсиз ҳисоб-китоблар буйича низомининг барча талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Пул маблағларини аккредитивларга қайд этиш 5510-«Аккредитивлар» ҳисобварағи дебети ва 5110-«Ҳисоб-китоб варағи», 5210-5220-«Валюта ҳисобварағи», 6910-«Қисқа муддатли банк кредитлари» ва бошқа ҳисобварақлар кредити буйича акс этирилади. 5510-«Аккредитивлар» ҳисобварағи буйича ҳисобга қабул қилинган аккредитивлардаги маблағлар улардан фойдаланишнинг боришига қараб (банк кўчирмаларига кўра), одатда, 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи дебетига ҳисобдан чиқарилади. Аккредитивлардаги фойдаланилмаган маблағлар банк томонидан улар ўтказилган ҳисобвараққа тикланганидан кейин, 5510-«Аккредитивлар» ҳисобварағи кредити буйича, 5110-«Ҳисоб-китоб варағи» ёки 5210-5220-«Валюта ҳисобварағи» ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс этирилади. 5510-«Аккредитивлар» ҳисобварағи буйича таҳлилий ҳисоб корхона томонидан қўйилган ҳар бир аккредитив буйича юритилади.

5520-«Чек дафтарчалари» ҳисобварағида чек дафтарчаларида мавжуд бўлган маблағларнинг

ҳаракати ҳисобга олинади. Ҳисоб-китобларни чеклар билан амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг йўриқномалари билан бошқарилади.

Тижорат банкининг ҳисоб-китоб чеки (матн давомида — чек) мижознинг унга хизмат кўрсатувчи банкка чек берувчининг ҳисобварағидан чек тутувчининг ҳисобварағига муайян суммадаги маблағларни тўлашни амалга ошириш топшириғи ҳисобланади.

Чеклар фақат жисмоний шахслар билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида товар ва хизматлар учун нақдсиз ҳисоб-китоблар вақтида қўлланилади.

Чекнинг энг юқори суммасини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, чекнинг энг паст суммасини эса тижорат банклари мустақил равишда белгилайдилар.

Чек икки қисмдан иборат: чекнинг ўзи ва корешок (милк)дан. Корешокда чекда кўрсатилган суммани тасдиқлаш учун мўлжалланган назорат рақами бўлади.

Чекнинг амал қилиш муддатини тижорат банклари мустақил равишда белгилайдилар.

Товарлар учун тўлашга чек тақдим этилганида зиммасига чеклар қабул қилиш функциялари юкланган савдо ташкилотининг ходими чек белгиланган намунадаги бланкда тўлдирилганини, чек матни ёки суммасида ўчиришлар, тузатишлар бориқлигини, назорат рақамлари чекда ёзилган суммага мувофиқлигини, чек муддати ўтмаганлигини, унда банк муассасаси муҳрининг аниқ изи ва имзо мавжудлигини текширади, сўнгра тақдим этувчининг шахсини тасдиқлаб олади (паспорт бўйича).

Чекни текшириб, товарлар учун тўлашга қабул қилиб олгач, савдо ташкилотининг ходими ҳисоб-китоб чекининг орқа томонига савдо ташкилотининг штамп ва мансабдор шахс имзосини қўяди.

Товарлар учун тўлашга қабул қилинган чеклар савдо ташкилотлари уларга хизмат кўрсатувчи банк муассасасига белгиланган тартибда инкассаторлар орқали пул тушуми билан бирга топширадилар.

Банк томонидан қабул қилинган чеклар қуйидаги тартибда тўланади:

1) агар чек берувчи билан чек тутувчига битта банкда хизмат кўрсатилса:

— чеклар савдо ташкилоти (чек тутувчи) ҳисобварагининг кредити ва «Инкассацияланган пул тушуми ва чеклар» ҳисобварағи орқали чек берувчи ҳисобварагининг дебети бўйича ўтказилади. Ҳақиқий чек банкнинг кун ҳужжатларига тикилади;

2) агар чек берувчи билан чек тутувчига турли банкларда хизмат кўрсатилса:

— чек тутувчининг банкида олинган чек асосида маблағлар чек тутувчининг ҳисобварағида қайд этилади. Тижорат банкнинг электрон ҳисоб-китоб чеки электрон тўловлар тизими бўйича чек берувчининг банкига жўнатилади. Ҳақиқий чек банкнинг кун ҳужжатларига тикилади;

— чек берувчининг банкида олинган электрон чекка асосан маблағларни чек берувчининг иккиламчи ҳисобварағидан ҳисобдан чиқариш дастурга мувофиқ амалга оширилади. Электрон чек қоғозга чиқарилади ва банкнинг кун ҳужжатларига тикилади.

Чек дафтарчаларини бериш вақтида маблағларни депонентга қўйиш 5520-«Чек дафтарчалари» ҳисобварағи дебети ва 5110-«Ҳисоб-китоб варағи», 5210-5220-«Валюта ҳисобварағи», 6910-«Қисқа муддатли банк кредитлари» ва бошқа ҳисобварақлар кредити бўйича акс эттирилади. Банкда олинган чек дафтарчалари бўйича суммалар корхона томонидан берилган чеклар тўланишининг боришига қараб, яъни унга тақдим этилган чекларнинг банк томонидан сундирилиш суммаларида (банк кучирмаларига

кўра), 5510-«Банклардаги махсус ҳисобварақлар» ҳисобварағи кредитидан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (турли кредиторларга қарзлар ва бошқа ҳисоблаб ёзилган мажбуриятлар ҳисобварағи) дебетига ҳисобдан чиқарилади. Берилган, лекин банк томонидан тўланмаган (тўлашга тақдим этилмаган) чеклар бўйича суммалар 5510-«Чек дафтарчалари» ҳисобварағида қолади; 5520-«Чек дафтарчалари» ҳисобварағи бўйича сальдо банк кўчирмалари бўйича сальдога мувофиқ келиши керак. Банкка қайтарилган (ишлатилмасдан қолган) чеклар бўйича суммалар 5510-«Чек дафтарчалари» ҳисобварағи кредити бўйича 5110-«Ҳисоб-китоб варағи» ёки 5210-5220-«Валюта ҳисобварағи» ҳисобварағи билан корреспонденцияда акс этирилади.

Кредитор корхоналар билан ҳисоб-китоблар учун корхона ходимларига ҳисобот учун берилган чек дафтарчаларидаги маблағларнинг ҳаракати устидан назорат тезкор тарзда юритилади.

5520-«Чек дафтарчалари» ҳисобварағи бўйича таҳлилий ҳисоб ҳар бир олинган чек дафтарчаси бўйича юритилади.

5530-«Бошқа махсус ҳисобварақлар» ҳисобварағида банкда алоҳида сақланадиган мақсадли молиялаш маблағлари (тушумлар)нинг ҳаракати ҳисобга олинади. Хусусан, ижтимоий муассасалари (болалар боғчаси, ясли ва ҳоказо)ни тутиб туришга ота-оналар, бошқа фойдаланувчилар ва ўзга манбалардан келиб тушган маблағлар; корхонанинг илтимосига кўра алоҳида ҳисобварақда жамланадиган ва сарфланадиган капитал қўйилмаларни молиялашга маблағлар; ҳукумат органлари субсидиялари ва ҳоказо.

Корхона таркибига кирадиган ва алоҳида балансга ажратилган жорий харажатларни (иш ҳақи, хўжалик харажатлари, хизмат сафари суммалари ва ҳоказолар) амалга ошириш учун уларга банкларнинг

маҳаллий муассасаларида жорий ҳисобварақлар очилган филиаллар, таркибий бирликлар кўрсатилган маблағлар харажатини алоҳида ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақлар бўйича таҳлилий ҳисоб қурилиши мамлакат ҳудуди ва хорижда аккредитивлар, чек дафтарчалари ва ҳоказоларда пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши керак.

Хорижий валюталардаги пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати махсус ҳисобварақларда алоҳида ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ бўйича таҳлилий ҳисоб қурилиши мамлакат ҳудуди ва хорижда аккредитивлар, чек дафтарчалари ва ҳоказоларда пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши керак.

### 9.5. Пул эквивалентлари ва йўлдаги маблағларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Корхона кассасида бўлган пул эквивалентлари (почта маркалари, давлат божи маркалари ва ҳоказо) ва йўлдаги пул маблағлари (маҳсулотни нақд пул билан сотиш ва пул ўтказмалари тушумларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

5610 «Пул эквивалентлари (турлари бўйича)»

5620 «Йўлдаги пул маблағлари (турлари бўйича)»

5610-«Пул эквивалентлари (турлари бўйича)»

ҳисобварағида маркалар, чипталар ва бошқа пул эквивалентлари номинал қиймати бўйича ҳисобга олинади.

5620-«Йўлдаги пул маблағлари (турлари бўйича)» ҳисобварағида сақлаш жойидан чиқиб кетган,

лекин ҳали белгиланган жойига келиб тушмаган пул маблағлари (инкассатор томонидан топширилган сотиш тушуми, пул ўтказмалари) ҳисобга олинади.

Ушбу ҳисобварақлар транзит ҳисобланади ва маблағлар ҳаракати устидан узлуксиз назоратни ўрнатиш учун боғловчи бўғин функциясини бажаради.

Пул эквивалентлари ва йўлдаги пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети бўйича инкассаторларга пул топширилиши кассалардаги пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади, қайд этилгач пул эквивалентлари ва йўлдаги пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари 5110-«Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобварағи дебети билан корреспонденцияда кредитланади.

Қисқа муддатли банк кредитлари ва заёмларини сўндириш пул эквивалентлари ва йўлдаги пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредити ҳамда 6910-«Қисқа муддатли банк кредитлари», 7510-«Узоқ муддатли банк кредитлари», 6940-«Қисқа муддатли банкдан ташқари заёмлар» ва 7690-«Тулашга доир бошқа узоқ муддатли ҳисобварақлар» ҳисобварақлари дебети бўйича акс эттирилади.

Ушбу ҳисобварақлардан бош корхоналар ўз тизимидаги корхоналарга ҳисобот даврида тегишли ҳисобварақларда қайд этилмаган пул маблағларини ўтказиш вақтида фойдаланадилар.

Корхоналар худди шундай тарзда бош корхонадан олинishi керак бўлган (банклардан олинган хабарномаларга кўра) уларга доир тегишли суммалар ҳали ҳисоб-китоб варағи ёки бошқа ҳисобварақларда қайд этилмаган суммаларни акс эттирадилар.

Ушбу гуруҳ ҳисобварақларида маблағларни акс эттириш учун қуйидагилар асос бўлиб ҳисобланади:

— тушумни топшириш вақтида — банклар, алоқа бўлимларининг квитанциялари, инкассатор

томонидан банкка тушумни топшириш вақтида илова қайднома нусхалари ва ҳоказо;

— бош корхона тақдим этган суммалар бўйича — улардан олинган, топшириш санаси, рақами, суммалари ва ўтказиш учун маблағни қабул қилиб олган банк муассасаси ёки алоқа бўлимининг номи кўрсатилган авизо (хабарнома).

Пул эквивалентлари ва йўлдаги пул маблағларининг таҳлилий ҳисоби уларнинг турлари бўйича юритилади.

### 9.6. Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Корxonанинг бошқа корxonалар қимматли қоғозларига қисқа муддатли (бир йилдан кўп бўлмаган муддатга) қўйилмалари (инвестициялари), давлат ва маҳаллий заёмларнинг фоизли облигациялари ва ҳоказолар, шунингдек корхона томонидан бошқа корxonаларга тақдим этилган заёмларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

5810 «Қимматли қоғозлар»

5830 «Берилган қисқа муддатли заёмлар»

5880 «Бошқа жорий инвестициялар»

Бунда фоизли облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларга қўйилмалар, шунингдек бошқа корxonаларга тақдим этилган заёмлар уларни сўндиришнинг белгиланган муддатлари бир йилдан ошмайдиган қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида ҳисобга олинади. Сўндириш (сотиб олиш) муддати белгиланмаган бошқа қимматли қоғозларга қўйилмалар ушбу қўйилмалар улар бўйича бир йилдан кўп муддат даромад олиш ниятсиз амалга оширилган қисқа муддатли

қўйилмаларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

5810-«Қимматли қоғозлар» ҳисобварағида акцияларга қисқа муддатли инвестициялар, давлат ва маҳаллий заёмларнинг фоизли облигациялари, шунингдек бошқа қимматли қоғозларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

Облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар 5810-«Қимматли қоғозлар» ҳисобварағида харид қиймати бўйича кирим қилинади.

Корхона томонидан акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар хариди, агар қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш моддий ва бошқа бойликларни (пул маблағларидан ташқари) сотувчи корхона мулкига ёки фойдаланишга тақдим этиш йўли билан амалга оширилса, 5810-«Қимматли қоғозлар» ҳисобварағи дебети ва 5110-«Ҳисоб-китоб варағи», 5210-5220-«Валюта ҳисобварақларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари» кредити бўйича амалга оширилади.

Корхона томонидан ўтказилган, лекин уларга ҳисобот даврида корхонанинг тегишли ҳуқуқларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар олинмаган қисқа муддатли инвестициялар суммалари қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида алоҳида акс эттирилади.

Агар корхона томонидан харид қилинган облигациялар ва шу сингари қимматли қоғозларнинг харид қиймати уларнинг номинал қийматидан фарқ қилса, харид ва номинал қийматлар ўртасидаги фарқ суммаси шундай тарзда ҳисобдан чиқарилиши ёки қўшимча ҳисобланиши керакки, қимматли қоғозларни сўндириш вақтига келиб улар 5810-«Қимматли қоғозлар» ҳисобварағида ҳисобга олинган баҳо номинал қийматга мувофиқ келсин.

5810-«Қимматли қоғозлар» ҳисобварағида ҳисобга олинмаган облигациялар ва бошқа қим-



матли қоғозларни сундириш (сотиб олиш) ва сотиш пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети буйича сотиш нархида ва 5810-«Қимматли қоғозлар» ҳисобварағи кредити буйича баланс қийматида акс эттирилади.

Қимматли қоғозларни сотишдан молиявий натижа молиявий фаолиятга доир 9590-«Бошқа даромад ва фойдалар» ҳисобварағи кредити ёки 9690-«Молиявий фаолият буйича бошқа харажатлар» ҳисобварағи кредити буйича акс эттирилади.

5830-«Берилган қисқа муддатли заёмлар» ҳисобварағида корхона томонидан бошқа корхоналарга берилган қисқа муддатли пул ва бошқа заёмлар ҳаракати ҳисобга олинади.

Тақдим этилган заёмлар 5830-«Берилган қисқа муддатли заёмлар» ҳисобварағи дебети буйича 5110-«Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобварағи ёки бошқа тегишли ҳисобварақлар билан корреспонденцияда акс этирилади. Заёмни қайтариш 5110-«Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобварағи ёки бошқа тегишли ҳисобварақлар дебети ва 5830-«Берилган қисқа муддатли заёмлар» ҳисобварағи кредити буйича акс эттирилади.

5890-«Бошқа жорий инвестициялар» ҳисобварағида корхоналар томонидан банкдаги ва бошқа омонатларга қўйилган сумлар ва хорижий валютадаги маблағларнинг ҳаракати ҳисобга олинади.

Пул маблағларини омонатларга ўтказиш корхона томонидан 5890-«Бошқа жорий инвестициялар» ҳисобварағи дебети буйича 5110-«Ҳисоб-китоб варағи» ёки 5210-«Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари» ва 5220-«Хориждаги валюта ҳисобварақлари» ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади. Банк томонидан омонатлар суммалари қайтарилганда корхоналар ҳисобида тескари ёзувлар қайд этилади.

Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олиш

ҳисобварақлари бўйича таҳлилий ҳисоб қисқа муддатли инвестициялар турлари ва ушбу қўйилмалар амалга оширилган объектлар (корхоналар — қимматли қоғозларни олувчилар, омонатлар ва ҳоказолар) бўйича юритилади. Бунда таҳлилий ҳисоб қурилиши мамлакат ҳудуди ва хориждаги объектларга қисқа муддатли қўйилмалар тўғрисидаги маълумотлар олинишини таъминлаши керак.

### 9.7. Бошқа жорий активларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

5910-«Бошқа жорий активлар» ҳисобварағи бўлимнинг юқорида келтирилган ҳисобварақларида ҳисоб учун назарда тутилмаган, лекин корхонанинг мулк ҳисобланган жорий активларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Бошқа жорий активларга дам олиш уйлари, санаторийлар ва сайёҳлик оромгоҳларига йўлланмалар, кўнгиш-очиш тadbирлари учун турли абонементлар киради.

Бошқа жорий активларнинг таҳлилий ҳисоби уларнинг турлари бўйича юритилади.

## 10-боб. ЖОРИЙ МАЖБУРИЯТЛАР

Ушбу боб ҳисобварақлари турли юридик ва жисмоний шахслар билан корхонанинг барча тур мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мулжалланган.

*Мажбуриятлар* — ҳисобот даврида ёки ундан олдинги даврларда юзага келган, уни сўндириш (тартибга солиш) иқтисодий нафни камайтиришга ёки реал активларни камайтиришга олиб келиши ҳақидаги ишонч мавжуд бўлган кредиторлик қарзи ёки бошқа хил қарзлардир.

*Мажбуриятлар корхоналар томонидан турли битимлар амалга оширилиши натижасида юзага келади ва товарлар, тақдим этилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун кейинги тўловларга юридик асос бўлиб ҳисобланади.*

«Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» деб номланган 01-сон БҲМСга кўра активлар, хизматлар ва ишлар харид қилинишининг таннархи ёки қиймати мажбуриятларини баҳолаш негизи бўлиб ҳисобланади.

Мажбуриятлар қисқа муддатли (жорий) ва узоқ муддатли бўлиши мумкин. Жорий мажбуриятлар — кредитор талабига кўра бир йил давомида тўлашни керак бўлган мажбуриятлардир. Узоқ муддатли мажбуриятларга тўлаш муддати бир йилдан ошадиган мажбуриятлар киради.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келган хорижий валютадаги мажбуриятлар ушбу бўлим ҳисобварақларида ҳисоб-китоб-пул ҳужжатларини ёки шартномада таъкидланган ҳужжатлар ёзилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгиллаган курс бўйича хорижий валютани қайта ҳисоб-китоб қилиш йўли билан белгиланадиган сўмларда ҳисобга олинади. Айни вақт-

да ушбу ҳисоб-китоблар ҳисоб-китоблар ва тўловлар валютасида акс эттирилади. Қарзни сундириш вақтида юзага келган хорижий валюталар билан операциялар бўйича курсдаги фарқ 9540-«Курсдаги фарқдан даромад (мусбат)» ёки 9620-«Курсдаги фарқдан зарарлар (манфий)» ҳисобварағига кирилади.

Ушбу бўлимда ҳисобга олишнинг қуйидаги ҳисобварақларида ҳисоб тартиби тўғрисидаги ахборот келтирилади:

- 60 — Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 61 — Бўлимларга тўлашга доир ҳисобварақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 62 — Муддати ўтган мажбуриятларнинг жорий қисмини ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 63 — Олинган жорий бўнақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 64 — Бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (солиқ турлари бўйича)
- 65 — Суғурталаш ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 66 — Муассисларга қарзни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 67 — Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 68 — Турли кредиторларга қарзни ва бошқа ҳисоблаб ёзилган мажбуриятларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 69 — Қисқа муддатли банк кредитлари ва банкдан ташқари заёмларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга:

— корхонага тақдим этилган активлар, хизматлар ёки бажарилган ишлар;

— уларга доир ҳисоб-китоблар режадаги тўловлар тартибида амалга ошириладиган товар-моддий бойликлар, ишлар ва хизматлар;

— улар қабул қилиш вақтида аниқланган ортиқча товар-моддий бойликлар;

— ташишлар бўйича олинган хизматлар, шу жумладан тариф (фрахт) кам ёки ортиқча олинганга доир ҳисоб-китоблар, шунингдек алоқа хизматларининг барча турлари учун мажбуриятлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш кўйидаги ҳисобварақларда акс этирилади:

6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақлар»

6020 «Берилган векселлар»

Пудрат қурилиш ва монтаж, илмий-тадқиқот ва бошқа шу сингари ташкилотлар, агар улар бош пудратчи (бош ташкилот) ҳисоблансалар, ёрдамчи пудратчига нисбатан мажбуриятларини ҳам ана шу ҳисобварақларда акс этирадилар.

Харид қилинган моддий бойликлар ёки истеъмол қилинган хизматлар ва бажарилган ишлар учун мажбуриятларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ барча операциялар ҳисобварақлари бўйича, тақдим этилган ҳисобварақни тўлаш вақтидан қатъи назар, ўтказилади.

6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи корхонанинг олинган ТМБ, бажарилган ишлар, курсатилган хизматлар ва бошқа активлар учун турли мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга жорий қарзини акс этиради.

6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи

ҳақиқатда келиб тушган ТМБ, қабул қилинган ишлар ва истеъмол қилинган хизматлар қийматига ушбу бойликни ёки тегишли харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда кредитланади.

6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи бўйича таҳлилий ҳисоб режадаги тўловлар тартибида ҳар бир тақдим этилган ҳисобварақ ва мажбурият – ҳар бир мол етказиб берувчи ва пудратчи бўйича юритилади. Бунда таҳлилий ҳисоб қурилиши: тўлов муддати келмаган акцептланган ва бошқа ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича мол етказиб берувчилар; тўлов муддати келмаган берилган векселлар бўйича мол етказиб берувчилар; муддати ўтган векселлар бўйича мол етказиб берувчилар; олинган тижорат кредити бўйича мол етказиб берувчилар хусусида зарур маълумотлар олиниши имкониятини таъминлаши керак.

6010-ҳисобварақ мол етказиб берувчининг ҳисоб-китоб ҳужжатларига кўра акцепт суммалари доирасида кредитланади. Агар мол етказиб берувчининг ҳисоб-китоб ҳужжатлари олдиндан тўланган бўлса, омборларга келиб тушган моддий бойликлар эса сифат, миқдорга, шунингдек шартномада таъкидланган нархларга мувофиқ келмаса, 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи 4210-«Даъволар бўйича олишга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи билан тегишли суммага кредитланади.

6020-«Берилган векселлар» ҳисобварағи корхона томонидан ТМБ ва бошқа активлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларни харид қилишга берилган векселларни акс эттиради. Тўлашга доир вексель фоизли ёки фоизсиз бўлиши мумкин. Фоизли векселлар вексель асосий суммасини –

номинал қиймат ва белгиланган фоиз ставкасини аниқ кўрсатади. Фоизсиз векселлар аслида фоизлар тўланишини назарда тутаяди, чунки бундай векселларнинг номинал қиймати заём суммасини ҳам, ушбу заём бўйича фоизларни ҳам ўз ичига олади, улар эса сўндириш муддатига тўланадиган ягона суммани ташкил этади. Ушбу ҳисобварақ кредити бўйича харид қилинган ТМБ, бошқа активлар ва хизматлар учун вексель билан таъминланган жорий қарзлар ҳисобга олинади ва сўндириш вақтига қадар қайд этилади. Векселлар бўйича қарз сўндирилиб боришига қараб у пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредитидан 6020-«Берилган векселлар» ва 6820-«Ҳисоблаб ёзилган фоизлар» ҳисобварағи дебетига ҳисобдан чиқарилади.

6020-«Берилган векселлар» ҳисобварағи бўйича таҳлилий ҳисоб берилган векселларнинг ҳар бир тури бўйича юритилади, тўлаш муддати ўтган векселлар эса алоҳида акс эттирилади.

### 10.1. Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга тўлашга доир ҳисобварақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

6110-«Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга тўлашга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи корxonанинг алоҳида балансга ажратилган филиаллари, ваколатхоналари, бўлимлари ва бошқа алоҳида бўлинмаларига қарзнинг барча турлари (ички баланс ҳисоб-китоблари) бўйича ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Хусусан, ажратилган мол-мулк; моддий бойликларни бир-бирларига бериш; маҳсулот сотиш; умумбошқарув фаолияти харажатларини тўндириш; бўлинмалар, ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича қарзларга доир.

Ҳисобварақ кредити бўйича бўлинмалар билан операциялар турлари бўйича мажбуриятлар моддий бойликлар, пул маблағлари ва бошқа харажатлар ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

6110-«Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга тулашга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи бўйича таҳлилий ҳисоб бўлинмалар ва улар билан операцияларнинг ҳар бир тури бўйича юритилади.

### 10.2. Муддати кечиктирилган мажбуриятларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари — жорий қисм

Вақтдаги фарқлар оқибатида жорий даврда тулаш муддати кечиктирилган ва келгусида туланадиган жорий мажбуриятлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

6210 «Муддати кечиктирилган даромад»

6220 «Солиқлар ва мажбурий туловлар бўйича муддати кечиктирилган мажбуриятлар»

6230 «Муддати кечиктирилган дисконтлар (чегирмалар)»

6240 «Муддати кечиктирилган мукофотлар (устамалар)»

6290 «Муддати кечиктирилган бошқа мажбуриятлар»

6210-«Муддати кечиктирилган даромад» ҳисобварағи ҳисобот даврида бунак билан олинган (ҳисоблаб ёзилган), лекин келгуси ҳисобот даврларига тааллуқли бўлган даромадлар тўғрисидаги ахборотни акс эттириш учун, шунингдек ҳисобот даврида аниқланган ўтган йиллар учун камомадлар бўйича қарзнинг бўлгуси тушумлари ҳамда айбдор шахс



лардан ундириладиган сумма билан бойликлар ка-  
момади буйича баланс қиймати уртасидаги фарқ-  
ларни акс эттириш учун мулжалланган. Бунак буйи-  
ча олинган пул маблағлари, 02-сон БХМСга кура,  
мажбуриятни тугдиради ҳамда товар ва хизматлар  
ҳақиқатда сотилмагунга қадар даромад ҳисоблан-  
майди. Ушбу мажбурият муддати кечиктирилган  
даромад деб аталади. Олий уқув юртларида уқиш  
учун ҳақ, ижара ҳақи, чипталар сотиш, журнал-  
ларга обуна бўлганлик учун ҳақ тўлаш ва ҳоказо-  
лар муддати кечиктирилган даромадларга мисол  
бўлиши мумкин. Ҳали етказиб берилмаган товар-  
лар ва кўрсатилмаган хизматлар учун пул маблағ-  
лари келиб тушганда 6210-«Муддати кечиктирил-  
ган даромад» ҳисобварағи 5110-«Ҳисоб-китоб ва-  
рағи» ҳисобварағи дебети билан корреспонденция-  
да кредитланади. Келгуси ҳисобот даврларига та-  
аллуқли даромадлар бир маромда 6210-«Муддати  
кечиктирилган даромад» ҳисобварағи дебетидан  
9010-«Тайёр маҳсулот сотилишидан даромад», 9020-  
«Товарлар сотилишидан даромад» ёки 9030-«Иш-  
лар бажарилиши ва хизматлар кўрсатишидан да-  
ромад» ҳисобварағи кредитига ҳисобдан чиқарила-  
ди ва тайёр маҳсулот, товарлар сотилиши, ишлар  
бажарилиши ва хизматлар кўрсатилишининг бори-  
шига қараб даромад деб топилади.

6210-«Муддати кечиктирилган даромад» ҳисобва-  
рағи буйича таҳлилий ҳисоб даромадларнинг ҳар бир  
тури ва тушумлар муддатлари буйича юритилади.

6220-«Солиқлар ва мажбурий тўловлар буйича  
муддати кечиктирилган мажбуриятлар» ҳисобва-  
рағи тўланишини қонун ҳужжатларига мувофиқ,  
ваколатли ҳукумат органларининг қарорига кура  
бир неча йилга кечиктиришга рухсат берилган со-  
лиқлар ва мажбурий тўловлар буйича бюджетдан  
жорий қарзни акс эттиради. Жорий даврда ёки ун-

дан кейинги даврларда тўланиши лозим бўлмаган ушбу тўловлар корхонанинг келгусида сўндириладиган муддати кечиктирилган мажбуриятлари деб топилади. Ҳисобварақ кредити бўйича муддати кечиктирилган жорий тўловлар суммаси солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда ҳисобга олинади.

6220-«Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати кечиктирилган мажбуриятлар» ҳисобварағи бўйича таҳлилий ҳисоб муддати кечиктирилган солиқлар ва тўловларнинг ҳар бир тури ҳамда сўндириш муддатлари бўйича юритилади.

6230-«Муддати кечиктирилган дисконтлар (чегирмалар)» ва 6240-«Муддати кечиктирилган мукофотлар (устамалар)» ҳисобварақлари корхонанинг облигациялар чиқарилган бутун давр йиллари ўртасида харажатлар ёки фойдага тақсимланадиган облигациялар бўйича чегирмалар ҳамда устамаларга доир узоқ муддатли мажбуриятининг жорий қисмини акс эттиради. Ушбу ҳисобварақ фақат облигациялар сотувчиси томонидан ишлатилади. Облигациялар мукофот ёки чегирма билан сотилса, бухгалтерия проводкаларида акс этириладиган фоизларни тўлаш харажатлари ҳақиқатда тўланадиган фоизлардан фарқланади. Чегирма ушбу харажатларни кўпайтиради, мукофот эса камайтиради. Облигацияларни чегирма билан сотиш 6230-«Муддати кечиктирилган дисконтлар (чегирмалар)» ва 5110-«Ҳисобкитоб варағи» ҳисобварақлари бўйича олинган суммада ҳамда 6920-«Тўлашга доир облигациялар — банкдан ташқари облигациялар» ёки 7610-«Тўлашга доир облигациялар» ҳисобварағи кредити бўйича акс этирилади. Облигациялар бўйича жорий фоизларни тўлаш вақтида тўланаётган фоизлар суммаси ва сўндириладиган чегирмани ўз ичига оладиган 9610-«Фоизлар кўринишида харажатлар» ҳисобва-

рағи дебетланади ҳамда 5110-«Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобварағи кредитланади.

Мукофотли облигацияларни сотиш 6240-«Муддати кечиктирилган мукофотлар (устамалар)» ва 6920-«Тулашга доир облигациялар — банкдан ташқари облигациялар» ёки 7610-«Тулашга доир облигациялар» ҳисобварағи кредити бўйича ва 5110-«Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобварағи дебети билан корреспонденцияда акс этирилади. Мукофот облигацион заём даври давомида 9530-«Фоизлар кўринишида даромад» ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади.

6230-«Муддати кечиктирилган дисконтлар (чегирмалар)», 6240-«Муддати кечиктирилган мукофотлар (устамалар)» ҳисобварақлари бўйича таҳлилий ҳисоб облигацияларнинг ҳар бир тури ва сўндириш муддатлари бўйича юритилади.

6290-«Муддати кечиктирилган бошқа мажбуриятлар» ҳисобварағи корxonанинг бундан олдинги ҳисобварақларда кўрсатилмаган муддати кечиктирилган бошқа мажбуриятлар тўғрисидаги ахборотни акс этириш учун мўлжалланган.

### 10.3. Олинган жорий тўловларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Буюртмачилар учун қисман тайёрлик бўйича амалга оширилган, ТМБни етказиб бериш ёки ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишга олинган бўнаклар бўйича жорий қарзлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш, шунингдек обуначилар — жисмоний шахслардан акциялар ва ҳоказоларга олинган суммалар қўйидаги ҳисобварақларда акс этирилади:

6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар»

6320 «Обуначилардан (жисмоний шахслардан) акцияга олинган бўнаклар»

6390 «Олинган бошқа бўнаклар»

Бирор-бир хизмат ёки ишларни бажаришга харидорлар ва буюртмачилардан бўнак кўринишида пул маблағлари олинганда хўжалик юритувчи субъект буюртма бекор қилинган тақдирда эҳтимолий зарарларни қоплаш учун бўнак тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш)ни талаб қилиши мумкин. Бу ҳолда бўнак харидор ва буюртмачилардан бўлгуси тўловлар тушиши кафолати ҳамда ТМБ етказиб бериш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш шартномасини бажариш кафолати бўлади.

Бундай бўнаклар пул маблағларини олган корхона учун иш ёки хизмат бажарилмагунга қадар мажбуриятларни юзага келтиради. Газ, сув, электр қуввати ва бошқа коммунал хизматлар учун олдиндан ҳақ тўлаш, ТМБ етказиб берилиши ва ҳоказоларга олдиндан ҳақ тўлаш олинган бўнакларга мисол бўлади.

Олинган бўнаклар, шунингдек маҳсулот ва ишлар (хизматлар) қисман тайёр бўлганда олинган ҳақ суммалари 6310, 6320, 6390-ҳисобварақлар кредити ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети бўйича акс эттирилади. Буюртмачи томонидан ишлар ва хизмат кўрсатиш тугаллангач ва топширилгач, шунингдек маҳсулот харидорларга юклаб жўнатилганда олинган бўнак суммалари харидорлар ва буюртмачилар қарзини камайтиради ҳамда сотишни ҳисобга олиш тартибига боғлиқ ҳолда, 6310, 6320, 6390-ҳисобварақлар дебетига ва 9010, 9020, 9030, 9410, 9420-ҳисобварақлар кредитига ёки 4010-ҳисобварақ кредитига киритилади.

Ҳисобварақлар бўйича таҳлилий ҳисоб олинган бўнакларнинг ҳар бир тури бўйича юритилади.

#### 10.4. Бюджетга тўловлар бўйича қарзни (солиқ турлари бўйича) ҳисобга олиш ҳисобварақлари

6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» ҳисобварағи корхонанинг солиқлар бўйича жорий мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қонунлар ва бошқа меъерий ҳужжатлар билан бошқарилади.

6410-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи бўйича Солиқ кодексига мувофиқ солиқлар турлари бўйича қуйида келадиган қаралар ҳисобга олиниши мумкин:

Даромад солиғи;

Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ;

Қўшилган қиймат солиғи;

Акциз солиғи бўйича ҳисоб-китоблар;

Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китоблар;

Экология солиғи бўйича ҳисоб-китоблар;

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китоблар;

Мол-мулк солиғи;

Ер солиғи;

Реклама солиғи ва бошқалар.

6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» ҳисобварағи бўйича таҳлилий ҳисоб солиқлар турлари бўйича юритилади.

#### 10.5. Сугурта ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Корхона мол-мулки ва ходимларини сугурта-лаш, шунингдек корхона ходимларининг давлат иж-

тимой сугуртаси, пенсия таъминоти ва тиббий сугуртасига ажратмалар буйича қарзлар, авариялар, ёнгинлар, табиий офатлар, экологик фалокатлар ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни тугатиш буйича харажатларни молиялаш, шунингдек ташкилотлар мол-мулкани, ходимлар ҳаёти ва учинчи шахснинг мулкӣ манфатларига зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини сугурталаш учун сугурта жамгармаларини барпо этишга доир харажатлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

6510 «Мулкӣ ва шахсий сугурта буйича тўловлар»

6520 «Ижтимоӣ сугурта буйича тўловлар»

6530 «Бюджетдан ташқари жамгармаларга тўловлар»

Ижтимоӣ сугуртага мажбурий ажратмаларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар билан бошқарилади.

6510-«Мулкӣ ва шахсий сугурта буйича тўловлар» ҳисобварағи корхона мол-мулки ва ходимларини сугурталаш буйича ҳисоб-китоблар (ижтимоӣ ва тиббий сугурта буйича ҳисоб-китоблардан ташқари) тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

6520-«Ижтимоӣ сугурта буйича тўловлар» ҳисобварағи корхона ходимларининг ижтимоӣ сугуртаси, пенсия таъминоти ва тиббий сугуртасига, шунингдек бандлик жамгармасига ажратмалар буйича қарз тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

6530-«Бюджетдан ташқари жамгармаларга тўловлар» ҳисобварағи корхона томонидан турли бюджетдан ташқари жамгармаларга тўланадиган тўловлар турлари буйича давлат органлари олди-

даги қарзлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мулжалланган (6510,6520-ҳисобварақлардан ташқари).

Бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан бошқарилади.

Сугурта тўловлари буйича қарз суммалари 6510,6520,6530-ҳисобварақлар кредити буйича ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари ёки сугурта тўловларининг бошқа манбаларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан коореспонденцияда акс этирилади. Сугурта тўловларининг суммалари ~~5010,5020,5110,5520~~ ва ~~5890~~ пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредитидан 6510, 6520, 6530-ҳисобварақлар дебетига ҳисобдан чиқарилади.

65-«Сугурта ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар буйича қарзлар» ҳисобварағи буйича таҳлилий ҳисоб сугурталанувчилар ва алоҳида сугурта шартномалари буйича, шунингдек корхона тўловчи бўлган ҳар бир бюджетдан ташқари жамғарма буйича юритилади.

## 10.6. Муассисларга қарзни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Корхонанинг дивидендлар буйича муассислар ва уларнинг улуши буйича чиқиб кетаётган муассислар олдидаги жорий мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

6610 «Тўлашга доир дивидендлар»

6620 «Чиқиб кетаётган муассисларга уларнинг улуши буйича қарз»

Корхона раҳбари томонидан дивидендлар тўланиши эълон қилинганидан кейин улар, агар келаётган йил ёки операцион цикл давомида тўланиши ке-

рак бўлса, жорий мажбуриятлар сифатида акс эттирилади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ва тўланиши корхона раҳбари томонидан расмий равишда эълон қилинмаган бошқа дивидендлар мажбуриятлар деб тан олинмайди. Кумулятив имтиёзли акциялар бўйича қарзлар молиявий ҳисоботга тушунтириш хатларида очиб берилиши керак. Дивидендлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонуни ва дивидендларни ҳисоблаб ёзиш тартибига мувофиқ тақсимланади.

6610-«Тулашга доир дивидендлар» ҳисобварағи дивидендлар бўйича ҳисоблаб ёзилган суммага 8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қўланмаган зарари)» ҳисобварағи билан корреспонденцияда кредитланади.

6620-«Чиқиб кетаётган муассисларга уларнинг улуши бўйича қарз» ҳисобварағи чиқиб кетаётган муассисларнинг улуши бўйича мажбуриятларни акс эттиради, кредит бўйича қарзни ҳисоблаб ёзилган суммаси 3620-«Сотиб олинган ўз акциялари — имтиёзли акциялар» ҳисобварағи билан корреспонденцияда акс эттирилади.

6610-«Тулашга доир дивидендлар», 6620-«Чиқиб кетаётган муассисларга уларнинг улуши бўйича қарз» ҳисобварақлари бўйича таҳлилий ҳисоб ҳар бир муассис бўйича юритилади, акциядорлар — акциядорлик жамиятларида исми ёзилмаган акциялар мулкдорлари бўйича қарздан ташқари.

10.7. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Корхонанинг рўйхат таркибида турган ҳолда турмаган ходимларига жорий қарзлар (иш



ҳақининг барча турлари, мукофотлар, нафақалар, ишлаётган пенсионерларга пенсиялар ва бошқа тўловлар бўйича) тўғрисидаги, шунингдек мазкур корхонанинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари бўйича даромадлар тўлашга доир ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

6710 «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар»

6720 «Депонентга ўтказилган иш ҳақи»

6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи кредити бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоблаб ёзишлар, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар, пенсиялар ва бошқа шу сингари суммалар, шунингдек корхонада иштирок этиш (улуш)дан даромадлар акс эттирилади. Ҳисобварақ дебети бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш ва даромадларнинг ҳисоблаб ёзилган суммасидан ушланмалар акс эттирилади.

Йиллик ва қўшимча таътиллар бўйича суммаларни ҳисоблаб ёзаётганда шуни назарда тутиш жоизки, ҳисоблаб ёзилган суммалар ҳисобот оғи меҳнатига тўланадиган иш ҳақи жамғармасига фақат ҳисобот оғида таътил кунларига тўғри келадиган суммада киритилади. Таътил бир қисмининг кейинги оғга ўтиши ҳолатида ана шу кунлар учун ходимларга тўланган таътил кунлари суммаси ҳисобот оғида берилган бунак сифатида акс эттирилади (6710-ҳисобварақ дебети ва 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари» ёки 5020-«Хорижий валютадаги пул маблағлари» ҳисобварағи кредити бўйича). Кейинги оғда ушбу сумма меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси таркибига киритилади ва 6710-ҳисобварақ кредити бўйича акс эттирилади.

Депонентлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби берилмаган иш ҳақи реестрининг маълумотлари бўйи-

ча тўлдириладиган депонентга ўтказиладиган иш ҳақини ҳисобга олиш дафтариди юритилади.

6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» ва 6720-«Депонентга ўтказилган иш ҳақи» ҳисобварақлари бўйича таҳлилий ҳисоб корхонанинг ҳар бир ходими бўйича юритилади.

### 10.8. Турли кредиторларга қарзлар ва бошқа ҳисоблаб ёзилган мажбуриятларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Турли кредиторлар билан операциялар бўйича қарз ва корхонанинг бошқа ҳисоблаб ёзилган мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

6810 «Тўлашга доир лизинг — жорий қисм»

6820 «Ҳисоблаб ёзилган фоизлар»

6830 «Роялти ва гонорарлар бўйича қарз»

6840 «Кафолатлар бўйича қарз»

6850 «Тўлашга доир узоқ муддатли қарз мажбуриятлари — жорий қисм»

6860 «Даъволар бўйича тўлашга доир ҳисобварақлар»

6870 «Ҳисобдор шахсларга қарзлар»

6890 «Бошқа мажбуриятлар»

6810-«Тўлашга доир лизинг — жорий қисм» ҳисобварағи лизинг олувчининг молиявий лизинг бўйича жорий мажбуриятларини акс эттиради, уларга асосий қарзни тўлаш киради. Энг кам лизинг тўловлари жорий қийматининг ҳисоб-китоби «Лизинг ҳисоби» деган 6-сон ВХМСга кура амалга оширилади. Ҳисобварақ кредити бўйича жорий тўловнинг ҳисоблаб ёзилган суммаси, дебет бўйича эса — лизинг берувчига тўланган сумма акс этирилади.

6810-«Тўлашга доир лизинг — жорий қисм»

ҳисобварағи бўйича таҳлилий ҳисоб ҳар бир лизинг шартномаси бўйича юритилади.

6820-«Ҳисоблаб ёзилган фоизлар» ҳисобварағи берилган заёмлар, кредитлар, шунингдек лизинг бўйича кредиторларга тегишли, ҳисоблаб ёзилган фоизларни акс эттиради. Ҳисобварақ кредити бўйича тегишли фоизлар суммасини ҳисоблаб ёзиш, дебет бўйича — фоизлар бўйича қарзни тўлаш акс эттирилади.

6820-«Ҳисоблаб ёзилган фоизлар» ҳисобварағи бўйича таҳлилий ҳисоб мажбуриятларнинг ҳар бир тури бўйича юритилади.

6830-«Роялти ва гонорарлар бўйича қарз» ҳисобварағи, 02-сон БҲМСга кўра, корхонанинг бошқа хужалик юритувчи субъектлардан фойдаланишга активларни олиш натижасида роялти ва гонорарлар тўлаш бўйича юзага келадиган мажбуриятларини акс эттиради. Ҳисобварақ кредити бўйича роялти ва гонорарлар бўйича ҳисоблаб ёзилган қарз тегишли харажатлар ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

6830-«Роялти ва гонорарлар бўйича қарз» ҳисобварағи бўйича таҳлилий ҳисоб қарзнинг ҳар бир тури бўйича юритилади.

6840-«Кафолатлар бўйича қарз» ҳисобварағи корхонанинг сотилган товарларга кафолатли хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятларини акс эттиради. Агар компания сотиш вақтида ўз маҳсулотига кафолат тақдим этса, мажбурият бутун кафолат муддати мобайнида мавжуд бўлади. Кафолат суммаси, 02-сон БҲМСга кўра, харажатлар ҳисобварақлари дебети бўйича сотиш амалга оширилган даврда акс эттирилади, чунки кафолат маҳсулот ёки хизматнинг сифат тавсифи ва харидни амалга оширишга ундовчи сабаблардан бири ҳисобланади. Бундан аввалги тажрибадан келиб чиқиб, келгуси даврга тақдим этилган кафолатлар корхонага қанчага тушишини, яъни

товар ёки хизмат бирлигига хизмат кўрсатишнинг ўртача қийматини ҳисоблаб чиқиш ва ушбу суммани 6840-ҳисобварағи кредити ва тегишли харажатлар дебети бўйича акс эттириш мумкин.

6840-«Кафолатлар бўйича қарз» ҳисобварағи бўйича таҳлилий ҳисоб кафолат билан сотилган товар, хизматлар ва ишларнинг ҳар бир тури бўйича юритилади.

6850-«Тўлашга доир узоқ муддатли қарз мажбуриятлари — жорий қисм» ҳисобварағи мазкур ҳисобот даврида тўланиши керак бўлган узоқ муддатли қарз мажбуриятларининг жорий қисмини акс эттиради. Узоқ муддатли қарзнинг жорий қисмини ўтказиш вақтида 6850-ҳисобварақ тегишли суммага кредитланади, қарз мажбуриятлари бўйича узоқ муддатли қисм эса дебетланиб, бунда узоқ муддатли қарзнинг дастлабки суммасини камайтиради.

6850-«Тўлашга доир узоқ муддатли қарз мажбуриятлари — жорий қисм» ҳисобварағи бўйича таҳлилий ҳисоб Ўзбекистон ҳудуди ва ундан ташқаридаги қарз мажбуриятларини ажратган ҳолда қарз мажбуриятлари, эмитентлар, сўндириш муддатлари бўйича юритилади.

6860-«Даъволар бўйича тўлашга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи корхонанинг мол етказиб берувчилар, пудратчилар, транспорт ва бошқа ташкилотлар томонидан кўрсатилган даъволар, шунингдек кўрсатилган ва тан олинган (ёки ҳукм этилган) жарималар, пеня ва неустойкалар бўйича қарзини умумлаштириш учун мўлжалланган. Даъволар асосан шартнома ва мажбуриятлар шартларига риоя этмаслик туфайли юзага келади. 6860-ҳисобварақ кредити бўйича даъволар бўйича тан олинган ва ҳисоблаб ёзилган мажбуриятлар харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

6860-«Даъволар буйича тўлашга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи буйича таҳлилий ҳисоб ҳар бир кредитор ва айрим даъволар буйича юритилади.

6870-«Ҳисобдор шахсларга қарз» ҳисобварағи уларга ҳисобот топшириш учун маъмурий-ҳужалик ва операцион харажатларга, шунингдек хизмат сарфларига берилган ва ҳақиқатда сарфланган суммалар ўртасидаги фарқ туфайли юзага келадиган корхона ходимларига қарз тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Мазкур шахслар бунак олмасдан ҳисобот суммаларини сарфлаган ҳолларда ҳам ҳисобдор шахсларга қарз юзага келади.

Корхона ходимларига ҳисобот учун нақд пул маблағларини бериш тартиби касса операцияларини юридик қоидалар билан тартибга солинади. Ҳисобдор шахслар белгиланган муддатларда оқлаш ҳужжатларини илова қилган ҳолда ҳақиқатда сарфланган суммалар тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этишлари керак. Агар сарфланган суммалар ҳисобот учун берилган суммадан ошиб кетса, корхонанинг ҳисобдор шахслардан қарзи юзага келади ва 6870-ҳисобварақ фарқ суммасига кредитланади.

6870-«Ҳисобдор шахсларга қарз» ҳисобварағи буйича таҳлилий ҳисоб ҳар бир бунак тўлови буйича юритилади.

6890-«Бошқа мажбуриятлар» ҳисобварағи корхонанинг ўқув юртлари, илмий ташкилотлар ва ҳоказолар билан турли хил нотижорат операциялари буйича; транспорт (темир йўл ва сув) ташкилотлари билан чеклар билан тўланадиган хизматлар учун; ижро ҳужжатлари ёки суд органлари қарорларига асосан турли ташкилотлар ва айрим шахслар фойдасига корхона ходимларининг иш ҳақидан ушланган суммалар буйича жисмоний ва юридик шахслар олдидаги жорий мажбуриятларини акс эттиради.

Ҳисобварақлар бўйича таҳлилий ҳисоб бошқа мажбуриятларнинг ҳар бир тури бўйича юритилади.

### 10.9. Қисқа муддатли банк кредитлари ва банкдан ташқари заёмларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Корхона томонидан республика ҳудуди ва хориждаги банклар ва қарз берувчилардан сўмлар ва хорижий валютада олинган турли қисқа муддатли (12 ойга қадар) кредитларнинг ҳолати бўйича ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

6910 «Қисқа муддатли банк кредитлари»

6920 «Тўлашга доир облигациялар — банкдан ташқари облигациялар»

6930 «Тўлашга доир векселлар — банкдан ташқари векселлар»

6940 «Қисқа муддатли банкдан ташқари заёмлар»

6990 «Бошқа кредитлар ва заёмлар»

Заёмлар беришни кредитлаш, кредитлар ва заёмларни расмийлаштириш, уларни сўндириш тартиби банк қоидалари ва банклар билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги кредит шартномалари билан бошқарилади.

6910-«Қисқа муддатли банк кредитлари» ҳисобварағида корхона томонидан банклардан олинган турли хил қисқа муддатли (12 ойга қадар муддатга) кредитлар ҳолати тўғрисидаги ахборот ҳисобга олинади.

Банклардан олинган қисқа муддатли кредитлар суммалари 6910-«Қисқа муддатли банк кредитлари» ҳисобварағи кредити ва пул маблағларини ҳисобга олиш тегишли ҳисобварақларнинг дебети бўйича акс эттирилади.

6910-«Қисқа муддатли банк кредитлари» ҳисобварағи банкларнинг сўндирилган кредитлари сум-

масига пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда дебетланади. Муддатида туланмаган банк кредитлари алоҳида ҳисобга олинади.

Қисқа муддатли кредитларнинг таҳлилий ҳисоби кредитлар, уларни тақдим этган банклар турлари ва алоҳида кредитлар бўйича юритилади.

6910-«Қисқа муддатли банк кредитлари» алоҳида таҳлилий ҳисобварағида сундириш муддати бир йилдан ошмайдиган векселлар ва бошқа қарз мажбуриятларини ҳисобга олишга доир операциялар бўйича банклар билан ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

6920-«Тулашга доир облигациялар — банкдан ташқари облигациялар» ҳисобварағида корхона томонидан сундириш муддати 12 ойдан ошмайдиган қарз берувчилар облигацияларини бериш ҳисобига жалб этилган маблағлар ҳисобга олинади. Агар корхона маблағларни жалб этишни облигацияларни уларнинг номинал қийматидан ошадиган нархда сотиш йўли билан амалга оширса, сотиш нархи билан облигациянинг номинал қиймати ўртасидаги фарқ ҳисобга 6240-«Муддати кечиктирилган мукофотлар (устамалар)» ҳисобварағининг кредити бўйича қабул қилинади. Даврий ажратмалар суммаси кўрсатилган фарқ миқдори ва облигациялар чиқарилган муддатдан кечиктириб ҳисоб-китоб қилинади.

6930-«Тулашга доир векселлар — банкдан ташқари векселлар» ҳисобварағида қарз берувчилардан олинган, сундириш муддати 12 ойдан ошмайдиган векселлар ҳисобга олинади.

Векселларни ҳисобга олиш операциясини вексель тутувчи корхона 6930-«Тулашга доир векселлар — банкдан ташқари векселлар» ҳисобварағи кредити (векселнинг номинал қиймати) ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети

(ҳақиқатда олинган пул маблағларининг суммаси) буйича акс эттиради.

Векселларни ҳисобга олиш операцияси тўлаш ҳақидаги банк хабарномаси асосида, вексель суммасини 6930-«Тўлашга доир векселлар — банкдан ташқари векселлар» ҳисобварағи дебети ва тўлашга доир ҳисобварақлар кредити буйича акс эттириш йўли билан ёпилади.

Вексель тутувчи корхона томонидан векселларни ҳисобга олиш натижасида, вексель берувчи ёки вексель буйича бошқа тўловчининг тўловга доир ўз мажбуриятларини белгиланган муддатда бажармаслиги туфайли қарз берувчилардан олинган пул маблағлари қайтарилганда 6930-«Тўлашга доир векселлар — банкдан ташқари векселлар» ҳисобварағи дебети буйича пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда ёзув қайд этилади.

Қарз берувчи олдидаги корхона томонидан берилган векселлар билан таъминланган қарз 6930-«Тўлашга доир векселлар — банкдан ташқари векселлар» ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилмайди, балки таҳлилий ҳисобда алоҳида ҳисобга олинади.

Дисконтланган векселларнинг таҳлилий ҳисоби векселлар ёки бошқа қарз маблағларининг ҳисобини амалга оширган банклар, вексель берувчилар ва алоҳида векселлар буйича юритилади.

6940-«Қисқа муддатли банкдан ташқари заёмлар» ҳисобварағида республика ва хориждаги қарз берувчилар билан (банклардан ташқари) улардан 12 ойдан ошмайдиган муддатга сўмлар ва хорижий валютада олинган кредитлар ва бошқа жалб этилган маблағлар буйича ҳисоб-китоблар ҳолати тўғрисидаги ахборот ҳисобга олинади.

Қарз берувчилардан (банклардан ташқари) маблағларнинг келиб тушиши пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети ва 6940-«Қисқа



муддатли банкдан ташқари заёмлар» ҳисобварағи кредити бўйича акс эйтирилади.

Олинган заёмлар қайтарилганда (сўндирилганда) 6940-«Қисқа муддатли банкдан ташқари заёмлар» ҳисобварағи дебети ва пул маблағларини ёки векселларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредити бўйича ёзув қайд этилади.

6940-«Қисқа муддатли банкдан ташқари заёмлар» ҳисобварағи бўйича таҳлилий ҳисоб қарз берувчилар ва кредитларни сўндириш муддатлари бўйича юритилади.

6990-«Бошқа кредитлар ва заёмлар» ҳисобварағида қисқа муддатли банк кредитлари ва банкдан ташқари заёмлар билан боғлиқ бошқа операциялар тўғрисидаги ахборот ҳисобга олинади.

## 11-боб. УЗОҚ МУДДАТЛИ МАЖБУРИЯТЛАР

Ушбу боб ҳисобварақлари корxonанинг турли юридик ва жисмоний шахслар билан барча хил мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

*Мажбуриятлар* корxonанинг ўтмишда бўлиб ўтган, уларни сўндириш келгусида активларни ўтказиш ёки ишлатишга, хизматлар кўрсатишга ёки иқтисодий нафларнинг бошқага кўчишига олиб келиши мумкин бўлган операция ёки фактлар натижасида юзага келадиган мажбуриятлардир. Мажбуриятлар корxона томонидан турли битимлар амалга оширилиши натижасида юзага келган ҳолда товарлар, тақдим этилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун кейинги тўловларга юридик асос ҳисобланади.

Узоқ муддатли мажбуриятлар — улардан қайси бири каттароқлигига боғлиқ ҳолда, тўлаш муддати балансининг ҳақиқий санаси ёки дебитор (қарз берувчи)нинг иш циклидан бошлаб бир йилдан ошадиган мажбуриятлардир.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келган хорижий валюталардаги мажбуриятлар ушбу бўлим ҳисобварақларида хорижий валютани ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича қайта ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланадиган сўмларда ҳисобга олинади.

Айни вақтда ушбу мажбуриятлар ҳисоб-китоблар ва тўловлар валютасида акс эттирилади. Хорижий валюталар билан операциялар бўйича валюта моддаларининг қайта санаш вақтида курсдаги фарқ 9540-«Курсдаги фарққа доир даромад (мусбат)» ҳисобварағига ва 9620-«Курсдаги фарққа доир

зарарлар (манфий)» ҳисобварағига киритилади. Ушбу бўлимда қуйидаги ҳисобварақлардаги ҳисоб тартиби тўғрисидаги ахборот келтирилади:

- 70 — Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 71 — Бўлималарга узоқ муддатли қарзни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 72 — Муддати кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 73 — Мол етказиб берувчилар ва буюртмачилардан олинган бўнақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 74 — Бошқа шахсларга узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 75 — Узоқ муддатли банк кредитларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 76 — Узоқ муддатли заёмларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 77 — Мақсадли молиялаш ва қайтарилиши керак бўлган тушумларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қуйидагилар:

— корхонага берилган, лекин ҳали унинг томонидан тўланмаган товар-моддий бойликлар, хизматлар ёки ускуналар;

— уларга доир ҳисоб-китоблар режадаги тўловлар тартибида амалга ошириладиган товар-моддий бойликлар, ишлар ва хизматлар;

— уларни қабул қилиш вақтида аниқланган ортиқча товар-моддий бойликлар;

— ташишлар бўйича олинган хизматлар, шу жумладан тариф (фрахт)нинг кам ёки кўп белгила-

ниши бўйича ҳисоб-китоблар, шунингдек алоқа хизматларининг барча турлари учун узоқ муддатли мажбуриятлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

7010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақлар»

7020 «Берилган векселлар»

7010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи корхонанинг олинган ТМБ, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа активлар учун турли мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли қарзини акс эттиради.

7010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи ҳақиқатда келиб тушган ТМБ, қабул қилинган ишлар ва истеъмол қилинган хизматлар қийматига ушбу бойликларни ёки тегишли харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда кредитланади.

7010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи бўйича таҳлилий ҳисоб режадаги тўловлар тартибида ҳар бир тақдим этилган ҳисобварақ ва мажбуриятлар бўйича — ҳар бир етказиб берувчи ва пудратчи бўйича юритилади. Бунда таҳлилий ҳисоб қурилиши: мол етказиб берувчиларга акцептланган ва тўлаш муддати ҳали келмаган бошқа ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича; мол етказиб берувчиларга фактуранланмаган етказиб беришлар бўйича; мол етказиб берувчиларга тўлаш муддати ҳали келмаган берилган векселлар бўйича; мол етказиб берувчиларга тўлаш муддати ўтган векселлар бўйича; мол етказиб берувчиларга олинган тижорат кредити бўйича зарур маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши керак.

7020-«Берилган векселлар» ҳисобварағи коржона томонидан ТМБ, бошқа активларни сотиб олишга ва кўрсатилган хизматлар учун берилган векселларни акс эттиради. Тўлашга доир вексель фоизли ёки фоизсиз бўлиши мумкин. Фоизли векселлар векселнинг асосий суммаси — номинал қиймати ва белгиланган фоиз ставкасини аниқ кўрсатади. Фоизсиз векселлар амалда фоизлар тўланишини назарда тутади, чунки бундай векселларнинг номинал қийматига заём суммаси ҳам, ушбу фоизга доир фоизлар ҳам киради, бу эса сўндириш муддатида тўлашга доир ягона суммани ташкил этади. Ушбу ҳисобварақ кредити бўйича харид қилинган ТМБ, бошқа активлар ва хизматлар учун вексель билан таъминланган жорий қарз ҳисобга олинади ва сўндириш вақтига қадар қайд этилади. Векселлар бўйича қарзнинг сўндирилишига қараб у пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредитидан 7020- ва 6820-«Ҳисоблаб ёзилган фоизлар» ҳисобварағи дебетига ҳисобдан чиқарилади, чунки тўловнинг умумий суммаси вексель бўйича ва векселга доир фоизлар бўйича асосий қарз суммасидан ташкил топади.

7020-«Берилган векселлар» ҳисобварағи бўйича таҳлилий ҳисоб берилган векселларнинг ҳар бир тури бўйича юритилади, тўлаш муддати кечиктирилган векселлар эса алоҳида акс эттирилади.

### 11.1. Булинмаларга узоқ муддатли қарзни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Корхонанинг алоҳида балансларга ажратилган филиаллар, ваколатхоналар, бўлимлар ва бошқа алоҳида бўлинмаларига узоқ муддатли қарзнинг барча турлари (ички баланс ҳисоб-китоблари) тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақда амалга оширилади:

7110 «Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарз»

Хусусан, ажратилган мол-мулк; моддий бойликларни бир-бирларига бериш; маҳсулот сотилиши; умумбошқарув фаолият бўйича харажатларни топшириш; бўлинмаларнинг ходимларига иш ҳақи тўлаш бўйича қарзлар.

Ҳисобварақ кредити бўйича бўлинмалар билан операцияларнинг турли хиллари бўйича мажбуриятлар моддий бойликлар, тегишли харажатлар, пул маблағлари ва ҳоказо ҳисобварақлар билан корреспонденцияда акс эттирилади.

7110-«Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарз» ҳисобварағи бўйича таҳлилий ҳисоб бўлинмалар ва улар билан операцияларнинг ҳар бир тури бўйича юритилади.

## 11.2. Муддати кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Корхонанинг хужалик-молиявий фаолияти билан боғлиқ, узоқ муддатли асосда кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

7210 «Вақтдаги фарқ бўйича даромад (фойда) солиғи бўйича кечиктирилган мажбуриятлар»

7220 «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар»

7230 «Кечиктирилган дисконтлар (чегирмалар)»

7240 «Кечиктирилган мукофотлар (устамалар)»

7290 «Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар»

7210-«Вақтдаги фарқ бўйича даромад (фойда) солиғи бўйича кечиктирилган мажбуриятлар»

ҳисобварағи чегириладиган вақтдаги фарқлар мавжудлиги билан юзага келадиган даромад (фойда) солигининг кечиктирилган суммасини акс эттиради. Вақтдаги фарқ — ҳисобот даври учун солиқ солинадиган даромад билан ҳисоб даромади ўртасидаги фарқлар, бу фарқ даромад ва харажатнинг баъзи моддалари солиқ солинадиган даромадга киритилладиган (чиқариладиган) ҳисобот даври билан мос тушмаслиги туфайли юзага келади. Даромад (фойда) солиғи бўйича харажат ҳисоб даромадидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинади, тўлашга доир даромад (фойда) солиғи эса солиқ солинадиган даромаддан келиб чиқиб ҳисобланади. Ҳисоб даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ва солиқ солинадиган даромад (фойда) солигини белгилаш вақтидаги ёндашувлардаги фарқ молиявий ҳисоботда ҳисобга олиниши керак. Вақтдаги фарқларнинг солиқ самарасини ҳисобга олишнинг бухгалтерия усулларига кўра даромад (фойда) солиғи бўйича харажат корхона томонидан даромад олиш давомида кўрилган харажат сифатида қаралади ва тегишли даромадлар ҳамда харажатлар юзага келган даврга ҳисоблаб ёзилади ва корхонанинг молиявий-ҳужалик фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади.

Келгуси даврларда тўланиши лозим бўлган ва солиқ солинадиган вақтдаги фарқларнинг мавжудлиги муносабати билан юзага келадиган даромад (фойда) солигининг суммаси 7210-«Вақтдаги фарқ бўйича даромад (фойда) солиғи бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» ҳисобварағи бўйича акс эттирилади ва баланс ҳисоботда мажбурият сифатида таснифланади. Ҳар йили даромад (фойда) солиғи бўйича муддати кечиктирилган мажбуриятларнинг тегишли қисми даромад (фойда) солигини ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварағига ўтказилади ва да-

ромад (фойда ) солиги бўйича кечиктирилган мажбуриятнинг жорий қисми сифатида акс эттирилади.

7220-«Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» ҳисобварагининг тўланиши қонун ҳужжатларига мувофиқ, ваколатли ҳукумат органларининг қарори бўйича бир неча йилга кечиктиришга рухсат берилган, солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича бюджет олдидаги узоқ муддатли қарзни акс эттиради. Жорий даврда ёки кейингироқ даврларда тўланиши лозим бўлмаган тўловлар суммалари корхонанинг келгусида сўндириладиган кечиктирилган мажбуриятлари деб тан олинади. Ҳисобварақ кредити бўйича узоқ муддатли кечиктирилган тўловлар суммаси тегишли харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда ҳисобга олинади.

7220-«Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» ҳисобварағи бўйича таҳлилий ҳисоб кечиктирилган солиқлар ва тўловларнинг ҳар бир тури ва сўндириш муддатлари бўйича юритилади.

7230-«Кечиктирилган дисконтлар (чегирмалар)» ва 7240-«Кечиктирилган мукофотлар (устамалар)» ҳисобварақлари корхонанинг облигациялар чиқарилган бугун давр йиллари ўртасида харажатлар ёки фойдага тақсимланадиган облигациялар бўйича чегирмалар ва устамаларга доир мажбуриятларнинг узоқ муддатли қисмини акс эттиради. Облигациялар мукофот ёки чегирма билан сотилганда, бухгалтерия проводкаларида акс эттириладиган фоизларни тўлаш харажатлари ҳақиқатда тўланадиган фоизлардан фарқ қилади. Чегирма ушбу харажатларни кўпайтиради, мукофот эса камайтиради. Облигациялар чегирма билан сотилганида 7230-«Кечиктирилган дисконтлар (чегирмалар)» ҳисобварағи айна вақтда 6920-ёки 7610-«Тўлашга доир облигациялар» ҳисобварағи



кредити билан корреспонденцияда 5110-«Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобварағи дебети билан олинган суммага дебетланади. Облигациялар буйича жорий фоизлар тўланиши вақтида тўланадиган фоизлар ва сундириладиган чегирма суммасини ўз ичига оладиган 9610-«Фоизлар кўринишидаги харажатлар» ҳисобварағи дебетланади ҳамда 7230-«Кечиктирилган дисконтлар (чегирмалар)» ва 5110-«Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобварақлари тўлов суммасига кредитланади.

Облигациялар мукофот билан бирга сотилганида 7240-«Кечиктирилган мукофотлар (устамалар)» ҳисобварағи олинган мукофот суммасига 6920- ёки ~~7610-«Тўлашга доир облигациялар»~~ ҳисобварағи кредити ва 5110-«Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобварағи дебети билан корреспонденцияда кредитланади. Мукофот облигацион заём даври мобайнида 9530-«Фоизлар кўринишида даромад» фоизли даромад ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади.

7230, 7240-ҳисобварақлар буйича таҳлилий ҳисоб облигацияларнинг ҳар бир тури ва сундириш муддатлари буйича юритилади.

7290-«Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар» ҳисобварағи корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган, аввалги ҳисобварақларда кўрсатилганлари бундан мустасно.

### 11.3. Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнакларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Буюртмачилар учун қисман тайёрлик буйича амалга ошириладиган, ТМБни етказиб бериш ёки ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш учун олинган бўнаклар буйича узоқ муддатли қарз тўғри-

сидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақда юритилади:

**7310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар»**

7310-ҳисобварақ маҳсулот, ишлар ва хизматларни ишлаб чиқаришга турли харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар суммаларини акс эттиради.

Олинган бўнақлар, шунингдек маҳсулот ва ишлар (хизматлар) қисман тайёрлиги вақтида олинган тўлов суммалари 7310-ҳисобварақ кредити ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети буйича акс эттирилади. Ишлар ва хизматларни кўрсатиш буюртмачи томонидан тугалланиши ва топширилишининг боришига қараб, шунингдек олинган маҳсулот харидорларга юклаб жўнатилганда олинган бўнақ суммалари харидор ва буюртмачиларнинг қарзларини камайтиришга ҳисобга олинади ва 7310-ҳисобварақ дебети ва 6310-ҳисобварақ кредитига киритилади, бунда олинган узоқ муддатли бўнақларнинг тегишли суммаси жорий қисмга ҳисобдан чиқарилади, кейинроқ сотиш ҳисоби тартибига боғлиқ ҳолда 9010, 9020, 9030, 9210-ҳисобварақлар ёки 4010-ҳисобварақ кредити ва 6310-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» ҳисобварақи дебети буйича сотишга киритилади. Ҳисобварақлар буйича таҳлилий ҳисоб олинган бўнақларнинг ҳар бир тури буйича юритилади.

#### 11.4. Бошқа шахсларга узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Бошқа шахсларга узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари корхонанинг турли жисмоний ва юридик шахслар олдидаги ўқув юртлари, илмий муассасалар ва ҳоказолар билан турли хил

операцияар бўйича: транспорт (темир йўл ва сув) ташкилотлари билан чеклар воситасида туланадиган хизматлар учун; ижро ҳужжатлари ёки суд органларининг қарорлари асосида турли ташкилотлар ва айрим шахслар фойдасига корхона ходимларининг иш ҳақидан ушланган суммалар бўйича ва ҳоказо узоқ муддатли мажбуриятларини акс эттиради.

Ҳисоб қуйидаги ҳисобварақда амалга оширилади:

7410 «Бошқа шахсларга узоқ муддатли қарзлар»

7410-ҳисобварақ кредити бўйича узоқ муддатли қарзлар ТМБ, тегишли харажатлар ва ҳоказоларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс этирилади.

7410-«Бошқа шахсларга узоқ муддатли қарзлар» ҳисобварағи бўйича таҳлилий ҳисоб бошқа қарзларнинг ҳар бир тури бўйича юритилади.

### 11.5. Узоқ муддатли кредитларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Корхона томонидан республика ҳудуди ва хориждаги банклардан сўмлар ва хорижий валютада олинадиган турли хил ўрта муддатли ва узоқ муддатли (12 ойдан ортиқ муддатга) кредитларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақда амалга оширилади:

7510 «Узоқ муддатли банк кредитлари».

Кредит бериш, кредитларни расмийлаштириш ва уларни сўндириш тартиби қонун ҳужжатлари ва кредит шартномалари билан бошқарилади.

Банклардан олинган ўрта муддатли ва узоқ муддатли кредитларнинг суммалари 7510-«Узоқ муддатли банк кредитлари» ҳисобварағи кредити ва пул маблағларини ҳисобга олишнинг тегишли 5110-«Ҳисоб-китоб варағи», 52-«Валюта маблағларини

ҳисобга олиш ҳисобварағи», 55-«Банкдаги махсус ҳисобварақларни ҳисобга олиш ҳисобварағи» ҳисобварақлари дебети бўйича акс эттирилади.

7510-«Узоқ муддатли банк кредитлари» ҳисобварағи банкларнинг сундирилган кредитлари суммаларига пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда дебетланади. Муддатида тўланмаган банк кредитлари алоҳида ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли кредитларнинг таҳлилий ҳисоби уларни тақдим этган банклар, кредитларнинг турлари ва муддатлари бўйича юритилади.

### 11.6. Узоқ муддатли заёмларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Республика ва хориждаги қарз берувчилар билан (банклардан ташқари) улардан 12 ойдан ортиқ муддатга сўмлар ва хорижий валютада олинган кредитлар ва бошқа жалб этилган маблағлар бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

7610 «Тўлашга доир облигациялар»

7620 «Тўлашга доир векселлар»

7630 «Тўлашга доир лизинг — узоқ муддатли қисм»

7690 «Бошқа узоқ муддатли заёмлар»

Қарз берувчилардан маблағларнинг келиб тушиши (банклардан ташқари) пул маблағлари ёки ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети ва узоқ муддатли заёмларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (76) кредити бўйича акс эттирилади.

Узоқ муддатли заёмларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (76) сундирилган заёмлар суммасига пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан

корреспонденцияда акс этирилади. Муддатида тўланмаган заёмлар алоҳида ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли заёмларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари бўйича таҳлилий ҳисоб қарз берувчилар ва кредитларни сўндириш муддатлари бўйича юри-тилади.

7610-«Тулашга доир облигациялар» ҳисобвара-гида корхона томонидан қарз берувчининг облига-ция бериши ҳисобга жалб этилган, сўндириш муд-дати 12 ойдан ошадиган маблағлар ҳисобга олина-ди. Ойлик ажратмалар суммаси кўрсатилган фарқ-нинг миқдоридан ва облигациялар чиқарилган муд-датдан кейин чиқиб ҳисоб китоб қилинади.

7620-«Тулашга доир векселлар» ҳисобварагида қарз берувчиларга берилган, сўндириш муддати 12 ойдан ошадиган векселлар ҳисобга олинади.

Векселларни ҳисобга олиш операцияси вексель тутувчи корхона томонидан 7620-«Тулашга доир векселлар» (векселнинг номинал қиймати) ҳисоб-варағи кредити ва 5110-«Ҳисоб-китоб варағи» ёки 5210-«Валюта ҳисобварағи» (ҳақиқатда олинган пул маблағларининг суммаси) ҳисобварақлари ва бошқа активларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети бўйича акс этирилади.

Векселларни ҳисобга олиш операцияси тўлаш тўғрисидаги банк хабарномаси асосида, 7620-«Тулашга доир векселлар» ҳисобварағи дебети ва тўлашга доир ҳисобварақлар кредити бўйича акс этириш йўли билан ёпилади.

Векселларни ҳисобга олиш натижасида қарз олув-чидан олинган пул маблағлари вексель тутувчи кор-хона томонидан вексель берувчи ёки бошқа вексель бўйича тўловчи тўлов бўйича ўз мажбурриятларини белгиланган муддатда бажармаслиги туфайли қайта-рилганида 7620-«Тўлашга доир векселлар» ҳисобва-рағи дебети бўйича пул маблағларини ҳисобга олиш

ҳисобварақлари билан корреспонденцияда ёзув қайд этилади. Бунда муддати кечиктирилган вексель билан таъминланган харидорлар, буюртмачилар ва бошқа дебиторлар билан ҳисоб-китоблар бўйича қарз мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақларни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварағида ҳисобга олишда давом эттирилади.

Қарз берувчилар олдида корхона томонидан берилган векселлар билан таъминланган қарз 7620-«Тўлашга доир векселлар» ҳисобварағида ҳисобдан чиқарилмайди, балки таҳлилий ҳисобда алоҳида ҳисобга олинади.

Дисконтланган векселларнинг таҳлилий ҳисобини векселлар ёки бошқа қарз мажбуриятлари ҳисобини амалга оширган банк вексель берувчилар ва алоҳида векселлар бўйича юритади.

7630-«Тўлашга доир лизинг — узоқ муддатли қисм» ҳисобварағида ижарага берувчилар билан уларга узоқ муддатли молиявий лизинг шартларида берилган узоқ муддатли активлар учун ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

Ижарага берувчи олдида корхонага молиявий лизинг шартларида келиб тушган узоқ муддатли активлар учун қарз ҳисобга 7630-«Тўлашга доир лизинг — узоқ муддатли қисм» ҳисобварағи кредити бўйича 0310-«Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» ҳисобварағи билан корреспонденцияда қабул қилинади.

7690-«Бошқа узоқ муддатли заёмлар» ҳисобварағида қарз берувчилар билан қарз олувчилар ўртасидаги шартномалар асосида олинган бошқа узоқ муддатли заёмлар ҳисобга олинади.

### 11.7. Мақсадли молиялаш ва қайтарилиши лозим бўлган тушумларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Мақсадли молиялаш ва қайтарилиши лозим бўлган тушумларни ҳисобга олиш ҳисобварағи бир мақсадга қаратилган тадбирларни амалга ошириш учун мўлжалланган, қайтарилиши лозим бўлган, шунингдек бошқа корхоналардан келиб тушган маблағлар, ҳукумат органлари субсидиялари ва ҳоказоларнинг ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ҳисоб қуйидаги ҳисобварақда амалга оширилади:

7710 «Мақсадли молиялаш ва қайтарилиши лозим бўлган тушумлар»

Олинган мақсадли фойдаланиш маблағлари 7710-«Мақсадли молиялаш ва қайтарилиши лозим бўлган тушумлар» ҳисобварағи кредити бўйича акс этирилади. Мақсадли фойдаланишнинг кўрсатилган маблағлари қандай маблағлар ҳисобига бунёд этилганлигига боғлиқ равишда ёзувлар пул маблағларини ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари ёки турли кредиторлардан қарзни ва бошқа ҳисоблаб ёзилган мажбуриятларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (68) билан корреспонденцияда қайд этилади.

Қайтарилиши лозим бўлган мақсадли тушумларни ишлатиш пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредити, тегишли ҳисоб-китоблар ва бошқа тўловлар дебети бўйича кўрсатилади.

7710-«Мақсадли молиялаш ва қайтарилиши лозим бўлган тушумлар» ҳисобварағи дебетига тегишли ҳисобварақлар кредитидан мақсадли молиялашга келиб тушган маблағларни сундириш суммалари ҳисобдан чиқарилади.

7710-«Мақсадли молиялаш ва қайтарилиши лозим бўлган тушумлар» ҳисобварағи бўйича таҳ-

лилий ҳисоб мақсадли маблағлар нимага мўлжалланганлиги ва тушумлар манбалари бўйича юри-тилади.



## 12-боб. САРМОЯ, ФОЙДА ВА ЗАХИРАЛАР

Ушбу боб ҳисобварақлари корхона ўз сармоясининг, шу жумладан қонун ҳужжатлари ва (ёки) таъсис ҳужжатларига мувофиқ барпо этиладиган жамгарма ва захиралар (резервлар) ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ўз сармояси хўжалик юритувчи субъектнинг активлари ва мажбуриятлари ўртасидаги айирмани ташкил этади. Ўз навбатида ўз сармояси икки тоифага бўлинади — инвестицияланган (қўйилган) сармоя ва тақсимланмаган фойда.

Ўз сармояси фаолият натижаларига, амалга оширилган ёки эгаларига тўланган қўшимча инвестицияларга боғлиқ ҳолда кўпайиши ёки камайиши мумкин.

Ҳисоб қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

- 8510 Устав сармояси (фонди)ни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 8520 Қўшилган сармояни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 8530 Захирадаги сармояни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 86 — Сотиб олинган ўз акцияларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 87 — Тақсимланган фойдани (қопланмаган зарарни) ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 88 — Грант ва субсидияларни (сармояни) ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 89 — Бўлғуси харажатлар ва тўловлар захираларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Устав сармояси (фонди)нинг ҳолати ва ҳаракати

ти тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

8511 «Оддий акциялар»

8512 «Имтиёзли акциялар»

8513 «Пай ва улушлар»

Устав сармоёси — муассислар (иштирокчилар)нинг уни барпо этиш чоғида таъсис ҳужжатлари билан белгиланган доираларда фаолиятни таъминлаш учун корхона мол-мулкига улушлар (ҳиссалар, номинал қиймат бўйича акциялар)нинг пул ифодасидаги жамлигидир. Устав сармоёсини шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатлари билан ташкилий-ҳуқуқий шаклга мувофиқ бошқарилади.

Ушбу ҳисобварақда рўйхатга олинган миқдор доирасида устав сармоёси ёки тўланган акцияларнинг номинал қиймати акс эттирилади. Устав сармоёсининг миқдори уставда рўйхатга олинган суммадан ошиб кетиши мумкин эмас. Ташкилот устав сармоёсини кўпайтириш ёки камайтириш корхона уставига ва бошқа ҳужжатларига тегишли ўзгаришлар киритилганидан кейин муассислар қарорига кўра амалга оширилиши мумкин.

Муассислар улушларининг ҳақиқатда келиб тушиши 4710-«Устав сармоёси (фонди)га бадаллар бўйича муассисларнинг қарзи» ҳисобварағи кредити бўйича турли активлар ҳисобварақлари дебетига ўтказилади. Устав сармоёсига улушлар ҳисобига киритиладиган моддий бойликлар ва номоддий активлар муассислар ўртасида келишилган, реал бозор нархларига йуналтирилган қиймат бўйича баҳоланади. Устав сармоёсига қўйилиши лозим бўлган қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий активлар ҳам келишилган қиймат бўйича баҳоланади.

Иштирокчиларга устав сармоёсидаги улушларининг қайтарилиши унинг ҳажмини камайтирмайди.

Ҳисобда ушбу операция акциядорлик жамиятининг сотиб олинган ўз акциялари сифатида акс эттирилиб, 8610-«Сотиб олинган ўз акциялари — оддий акциялар», 8620-«Сотиб олинган ўз акциялари — имтиёзли акциялар» ҳисобварақлари дебетига киритилади.

8511-«Оддий акциялар» ҳисобварағи оддий акцияларни — овоз ҳуқуқини таъминлайдиган ва имтиёзли акциялар бўйича белгиланган дивидендлар тўланганидан кейин соф фойдани тақсимлашда иштирок этадиган акцияларни ўз ичига оладиган акциядорлик сармоясининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Акциядорлик жамияти давлат рўйхатига олинганидан кейин унинг устав сармояси акциядорлар томонидан акциялардаги ўз улушини тўлашга тақдим этилган маблағлар ҳисобига шакллантирилади ва эмиссия проспектида рўйхатга олинган суммада 8511-«Оддий акциялар» ҳисобварағи кредити бўйича 4710-«Устав сармоясига (фондига) бадаллар бўйича муассисларнинг қарзи» ҳисобварағи билан корреспонденцияда акс эттирилади. Акциялар учун тўлаш ҳисобига маблағларнинг ҳақиқатда келиб тушиши 4710-«Устав сармоясига (фондига) бадаллар бўйича муассисларнинг қарзи» ҳисобварағи кредити бўйича пул маблағларини, ТМБ ва бошқа активларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда қайд этилади. Акциядорлик сармояси ҳисобда рўйхатга олинган, лекин ҳали тугалланмаган эмиссия ҳажмида акс эттирилганлиги сабабли, эълон қилинган (чиқаришга рухсат берилган), чиқарилган (акциядорлар томонидан уларга обуна амалга оширилган) ва муомалада бўлган оддий акцияларнинг таҳлилий ҳисоби ҳар бир эмиссия бўйича алоҳида юритилиши зарур. Номинал қиймат акциядорлик жамиятининг юридик сармо-

ясини белгилайди ва акцияларни чиқаришга (эмиссияга) берилган рухсат рўйхатга олинishi вақтида урнатилади.

Қимматли қоғозлар эмиссиясини рўйхатга олиш тартиби, оддий ва имтиёзли акцияларни чиқариш ва уларнинг эмитентлар томонидан сотиб олиниш шартлари Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ҳамда 1998 йил 10 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимматли қоғозларни чиқариш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низом» билан тартибга солинади.

Акциялар 8511-«Оддий акциялар» ҳисобварағида акциялар номинал қиймати бўйича ҳисобга олинади, уларнинг номинал қийматидан кўп ёки кам сотилишидан олинган ҳар қандай суммалар эса 8521-«Эмиссия даромади» ҳисобварағида акс эттирилади.

Акциядорлик жамияти ўз устав сармоясини янги акциялар чиқариш ёки уларнинг номинал қийматини кўпайтириш йўли билан ошириш мумкин. АЖ устав сармоясининг ҳажми акциялар номинал қийматини пасайтириш, ташкилот томонидан акциядорлардан акциялар бир қисмининг сотиб олиниши оқибатида ёки сармояга ёзилиш хабарномасида кўрсатилган барча сумма обуна билан қопланмаган тақдирда камайиши мумкин.

Акцияларнинг ликвидлигини кўпайтириш мақсадида улар бўлинади, яъни чиқарилган акцияларнинг миқдори уларнинг номинал қийматини муносиб равишда пасайтириш йўли билан кўпайтирилади. Акцияларнинг бўлиниши акциядорлик сармоясининг миқдорига таъсир қилмаслиги, балки муомаладаги акцияларнинг номинал қиймати ва сонини ўзгартириши сабабли мазкур операция бўйича бухгалтерия проводкалари тузилмайди, бироқ ушбу

операцияни 8511-«Оддий акциялар» ҳисобварағига таҳлилий ҳисоб регистрларида акс эттириш зарур.

8511-«Оддий акциялар» ҳисобварағи бўйича таҳлилий ҳисоб хўжалик юритувчи субъект муассислари ва сармояни шакллантириш босқичлари бўйича шаклланишини таъминлаши керак.

8512-«Имтиёзли акциялар» ҳисобварағи имтиёзли акциялар кўринишида чиқарилган, овоз ҳуқуқини таъминлайдиган, лекин акциядорга белгиланган дивиденд келтирадиган, яъни фойдани тақсимлаш вақтида оддий акцияларга нисбатан афзалликка эга бўлган акциядорлик сармоясининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

8512-«Имтиёзли акциялар» ҳисобварағида акциялар ҳисоби номинал қиймати бўйича амалга оширилади. Уларнинг номинал қийматидан ортиқча акциялар сотилишидан олинган ҳар қандай суммалар 8521-«Эмиссия даромади» ҳисобварағида акс эттирилади.

Имтиёзли акцияларнинг таҳлилий ҳисоби оддий акциялар ҳисоби сингари амалга оширилади.

8513-«Пай ва улушлар» ҳисобварағи унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига боғлиқ ҳолда мулкдорнинг (давлат ёки хусусий корхонанинг) сармояси (фонди) ёки иштирокчилар (ширкат, уртоқлик)нинг бадалларидан иборат бўлган устав сармояси (фонди)нинг ҳолати ёки ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Давлат корхонаси белгиланган тартибда устав фондини шакллантиради, устав фонди деганда давлат томонидан ажратилган асосий ва оборот маблағларининг жамлиги тушунилади.

*Улушбай сармоя* — тўлиқ ёки коммандит ширкат иштирокчиларининг хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун киритилган улушларининг жамлиги.

*Пайли фонд* — ишлаб чиқариш кооперативи аъзоларининг биргаликда тадбиркорлик фаолияти-ни юритиш учун пай бадалларининг жамлиги.

Корхона рўйхатга олинганидан кейин унинг устав сармояси муассисларнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ва уставда акс эттирилган пай ва улушларининг суммасида 8513-«Пай ва улушлар» ҳисобвараги кредити бўйича 4710-«Устав сармоясига (фонди-га) бадаллар бўйича муассисларнинг қарзи» ҳисобвараги билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Муассислар улушларининг ҳақиқатда келиб ту-шиши 4710-«Устав сармоясига (фондига) бадаллар бўйича муассисларнинг қарзи» ҳисобвараги креди-ти бўйича пул маблағларини ҳамда бошқа моддий ва номоддий бойликларни ҳисобга олиш ҳисобварақ-лари билан корреспонденцияда амалга оширилади.

Устав сармоясининг таҳлилий ҳисоби хўжалик юритувчи субъектнинг муассислари бўйича юрити-лади.

## 12.1. Қўшилган сармояни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Қўшилган сармояни ҳисобга олиш ҳисобварақ-лари номинал қийматдан ошадиган, оддий ва им-тиёзли акциялар учун олинган суммалар, шунинг-дек бепул олинган мол-мулкнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Қўшилган сармоя акцияларни номинал қиймат-дан ошадиган нархлар бўйича бирламчи сотиш вақ-тида олинадиган эмиссия даромадини акс эттиради.

Қўшилган сармоя ҳисобварагида устав сармоя-сига улушларни тўлаш вақтида юзага келадиган курсдаги фарқ суммалари ҳам ҳисобга олинади.

Қўшилган сармоянинг мавжудлиги ва ҳарака-

тининг ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда ҳисобга олинади:

8521 «Эмиссия даромади»

8522 «Устав сармоясини шакллантириш вақтида курсдаги фарқ»

8523 «Бепул олинган мол-мулк»

8521-«Эмиссия даромади» ҳисобварағи акцияларнинг номинал қийматидан ортиқча олинган маблағлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Суммаларнинг келиб тушиши 8521-«Эмиссия даромади» ҳисобварағи кредити бўйича, ўз акцияларни сотиб олиш ва сотиб олинган ўз акцияларини бекор қилиш вақтида нархлардаги фарқни қоплаш учун ишлатиш эса — ушбу ҳисобварақнинг дебети бўйича ҳисобга олинади.

Қушимча тўланган сармоянинг таҳлилий ҳисоби оддий ва имтиёзли акциялар бўйича алоҳида юригилади.

8522-«Устав сармоясини шакллантириш вақтида курсдаги фарқ» ҳисобварағи устав сармоясини шакллантириш жараёнида юзага келадиган курсдаги фарқни ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

Устав сармояси шакллантирилаётганда валюта ва валюта бойликлари устав сармоясига бадал қўйиш вақтида амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича баҳоланади. Валюта ва валюта бойликлари ҳамда бошқа мол-мулкни баҳолаш рўйхатга олиш вақтида уларнинг таъсис ҳужжатларидаги баҳоланишидан фарқ қилиши мумкин. Бунда юзага келадиган курсдаги фарқ 8522-«Устав сармоясини шакллантириш вақтида курсдаги фарқ» ҳисобварағида ҳисобга олинади. Баҳолашлардаги мусбат фарқ мол-мулк, валюта ва валюта бойликлари ҳисобварақлари дебети бўйича ва 8522-«Устав сармоясини шакллантириш вақтида курсдаги фарқ»

ҳисобварағи кредити бўйича, манфий фарқ эса — тескари бухгалтерия проводкаси билан акс эттирилади. Нархлар ва курсдаги баҳолашлардаги фарқни ҳисобдан чиқаришнинг мазкур тартиби таъсис ҳужжатларида таъкидланган муассисларнинг устав сармойсидаги улушини ўзгартирмаслик имконини беради.

Устав сармойсини шакллантириш вақтида юзага келадиган курсдаги фарқнинг таҳлилий ҳисоби, очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг акциядорлари билан ҳисоб-китоблар ҳисобидан ташқари, ҳар бир муассис бўйича юритилади.

8523-«Бепул олинган мол-мулк» ҳисобварағи бепул олинган мол-мулк ҳисоби учун мўлжалланган.

Бепул олинган мол-мулк 8523-«Бепул олинган мол-мулк» ҳисобварағи кредити бўйича моддий ва номоддий активларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади. Бепул олинган мол-мулк қиймати даромад (фойда) солиғига тортилади. Бепул олинган мол-мулкни солиққа тортиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси билан бошқарилади.

## 12.2. Захира сармойсини ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Захира сармойсини ҳисобга олиш ҳисобварақлари корхонанинг таъсис ҳужжатларига биноан фойда ҳисобига барпо этиладиган резервларни, пул маблағларидан ташқари активларни қайта баҳолаш вақтида ҳосил бўладиган инфляция захираларини ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

Захира сармойсининг мавжудлиги ва ҳаракатининг ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда ҳисобга олинади:

8531 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

8532 «Захира сармойси»



Захира сармоясини ҳисобга олиш ҳисобварақлари буйича таҳлилий ҳисоб шундай ташкил этиладики, токи у маблағлардан фойдаланиш йўналишлари буйича ахборотни шакллантиришни таъминласин.

8531-«Активларни қайта баҳолаш буйича тузатишлар» ҳисобварағида уларни қайта баҳолаш натижалари буйича белгиланадиган активлар қийматининг ўсиши ҳисобига олинади. Активларни қайта баҳолаш натижасида барпо этиладиган захира сармоясини барпо этиш ва тўлдириш 8531-«Активларни қайта баҳолаш буйича тузатишлар» ҳисобварағи кредити буйича қайта баҳолашлар натижасида қийматнинг ўсиши белгиланган активларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Агар қайта баҳолашлар натижасида активларнинг қиймати пасайса, қийматнинг пасайиши ҳозирча унинг биргина актив буйича аввалги ўсиши билан қопланиб борса, у 8531-«Активларни қайта баҳолаш буйича тузатишлар» ҳисобварағи дебети буйича акс эттирилади. Ушбу активлар буйича аввалги қайта баҳолашлардан ўсишдан ошадиган нархни тушириш суммаси харажат деб тан олинади ва 9439-«Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағида акс эттирилади.

8531-«Активларни қайта баҳолаш буйича тузатишлар» ҳисобварағи буйича қолдиқ «Захира сармояси»нинг моддаси буйича балансда акс эттирилади. Қуйидаги ҳолларда унга доир дебет ёзувлари амалга оширилиши мумкин:

— 8531-«Активларни қайта баҳолаш буйича тузатишлар» ҳисобварағида ҳисобга олинган маблағлар ҳисобига уни қайта баҳолаш натижалари буйича аниқланган мол-мулк қийматини пасайтириш суммалари сўндирилганда;

— қийматнинг пасайиши белгиланган мол-мулкни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда;

— 8531-«Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағида ҳисобга олинган маблағлар ҳисобига қайта баҳолаш вақтида аниқланган инвестицияларнинг қийматини пасайтириш суммалари қийматининг пасайиши белгиланган инвестициялар ҳисобварақлари билан корреспонденцияда сундирилганда;

— корхона тугатилаётганда суммалар муассислар ўртасида 6620-«Уларнинг ҳиссаси бўйича чиқиб кетаётган муассисларга қарз» ҳисобварағи билан корреспонденцияда тақсимланганда ва ҳоказо ҳолларда.

8532-«Захира сармояси» ҳисобварағи захира сармоясини шакллантириш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ назарда тутилган акциядорлик жамиятлари, қўшма корхоналар ва бошқа ҳужалик юритувчи субъектлар томонидан барпо этиладиган захира сармоясининг, шунингдек акциядорлик жамият (ширкат) мол-мулкини кўпайтирадиган бошқа тушумларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Захира сармоясининг маблағлари умумий баланс зарарларини, бирор-бир ғайриоддий операциялар бўйича кутилаётган чиқимларни қоплашда, қарзни ҳисобдан чиқаришда ва сундиришнинг бошқа имкониятлари бўлмаган тақдирда бошқа мақсадларда захира сифатида ишлатилиши мумкин.

Захира сармоясини барпо этиш 8532-«Захира сармояси» ҳисобварағи кредити бўйича 8710-«Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси» ҳисобварағи билан корреспонденцияда акс этирилади. Захира сармояси маблағларидан фойдаланиш 8532-«Захира сармояси» ҳисобварағи дебети бўйича ҳисобварақлар — ушбу маблағлар истеъмолчилари билан корреспонденцияда ҳисобга олинади. Масалан, ушбу мақсадлар учун ҳисобот йили фойдаси мавжуд бўлмаганида ёки етарли бўлмаганида даро-

мад (дивиденд)ларни тулашга йўналтириладиган суммалар қисмида 6610-«Тулашга доир дивидендлар» ҳисобварағи билан корреспонденцияда.

### 12.3. Сотиб олинган ўз акцияларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Эмитент (акциядорлик жамияти) томонидан сотилган, сўнгра қайта сотиб олинган ва унинг томонидан кейинги қайта сотиш ёки бекор қилиш учун ушлаб туриладиган сотиб олинган ўз акциялари — оддий ва имтиёзли акцияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

8610 «Сотиб олинган ўз акциялари — оддий акциялар»

8620 «Сотиб олинган ўз акциялари — имтиёзли акциялар»

Бошқа хўжалик юритувчи субъектлар (масъулияти чекланган жамиятлар, ширкатлар ва ҳоказо) ушбу ҳисобварақдан устав сармоясидаги хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан бошқа иштирокчиларга ёки учинчи шахсларга бериш учун белгиланган тартибда харид қилинган ҳиссани ҳисобга олиш учун фойдаланадилар.

Сотиб олинган ўз акцияларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари 8510-«Устав сармояси» ҳисобварағига контр-пассив ҳисобварақлар ҳисобланади, акциядорлик жамияти акциядорлик сармоясининг қисқаришини кўрсатади ва балансда устав сармояси бўйича умумий яқундан чегириладиган суммалар сифатида акс эттирилади. Сотиб олинган ўз акциялари улар оборотга қайта киритилиш (сотилиш) пайтига қадар ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмайди — овоз ҳуқуқига, афзал бўлиш ҳуқуқларига, дивидендлар олиш ва тугатилган тақдирда акциядорлик жамиятининг активларидан

улуш олиш ҳуқуқларига эга бўлмайди. Бироқ агар акция номинал бўйича ёки ундан юқори нархда сотилган, сўнгра эмитент томонидан сотиб олинган бўлса, у номинал қийматидан паст нархда сотилиши мумкин, бирламчи эмиссияда бунга йўл қўйилмайди.

Эмитент томонидан сотиб олинган ўз акциялари 8610-«Сотиб олинган ўз акциялари — оддий акциялар» ва 8620-«Сотиб олинган ўз акциялари — имтиёзли акциялар» ҳисобварақлари дебети бўйича номинал қиймат ёки сотишнинг дастлабки қиймати бўйича эмас, балки хариднинг ҳақиқий қиймати бўйича акс эттирилади.

Сотиб олинган акциялар сотиб олиш баҳосидан юқори нархда қайтадан сотилган тақдирда такроран сотишдан сотиб олиш қийматининг фарқи 9590-«Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар» ҳисобварағига кредитланади. Агар сотиб олинган ўз акциялари уларни сотиб олиш баҳосидан паст нархда такроран сотилса, фарқ 9690-«Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» ҳисобварағига дебетланади.

Номинал қийматдан паст баҳода сотиб олинган ўз акциялари бекор қилинганидаги фарқ 9590-«Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар» ҳисобварағи кредити бўйича акс эттирилади.

Агар бекор қилинган сотиб олинган ўз акцияларининг қиймати уларнинг номинал қийматидан ошса, фарқ 9690-«Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» ҳисобварағининг дебети бўйича акс эттирилади.

#### 12.4. Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Корхона фаолиятининг бутун даври ҳамда ҳисобот даври учун тақсимланмаган фойда ёки қоплан-

маган зарар суммаларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

8710 «Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»

8720 «Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)»

Жамғарилган фойда — хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият кўрсатиши бошланганидан буён олинган ҳар қандай зарарлар, дивидендлар ва мулкдорларнинг қарорига кўра ўз сармоясига такроран инвестицияланган фойданинг чегирилган соф фойдасидир.

8710-«Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» ҳисобварағида корхона фаолиятининг бутун ҳисобот йили учун тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) ҳисобга олинади.

Тақсимланмаган фойда суммаси ҳисобот даври охирида 8710-«Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» ҳисобварағи кредитига, зарар суммаси эса унинг дебетига 9900-«Пировард молиявий натижа» ҳисобварағи билан корреспонденцияда якуний проводка билан ҳисобдан чиқарилади.

Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдасининг суммаси дивидендлар ҳисобланганидан кейин 8720-«Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)» ҳисобварағига, 8710-«Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» ҳисобварағида қайд этилади. Агар зарарлар ва дивиденд тўловларининг миқдори хўжалик фаолиятдан олинган фойдадан кўп бўлса, 8710-«Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» ҳисобварағи дебет сальдосига эга бўлиши мумкин. Зарар суммаси 8720-«Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)» ҳисобварағи дебети бўйича акс эттирилади ва бу билан уни камайтиради.

Дивидендлар тўлашга тақсимланмаган фойда-

нинг йўналиши 8710-«Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» ҳисобварағи дебети ва 6610-«Тулашга доир дивидендлар» ҳисобварағи кредити бўйича, дивидендлар акциялар билан туланганида эса (одатда адолатли бозор баҳоси бўйича) 8710-«Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» ҳисобварағи дебети ва 4710-«Устав сармоясига бадаллар бўйича муассисларнинг қарзи» ҳисобварағи кредити бўйича акс эттирилади.

Тақсимланмаган фойда захира сармоясини шакллантиришда ишлатилиши мумкин, бунда 8710-«Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси» ҳисобварағи дебетланади ва 8532-«Қонун ҳужжатларига биноан белгиланган захира сармояси» ҳисобварағи кредитланади.

## 12.5. Грант ва субсидиялар (сармоя)ни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Грант ва субсидиялар (сармоя)ни ҳисобга олиш ҳисобварағи корхона (компания) фаолиятини молиялаш манбаи сифатида қаралади ва ўз сармоясига киритиладиган ажратилган грантлар ва субсидияларнинг мавжудлиги ҳамда ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Грант ва субсидиялар (сармоя) мавжудлиги ва ҳаракатининг ҳисоби қуйидаги ҳисобварақда ҳисобга олинади:

8810 «Грант ва субсидиялар (сармоя)».

Давлат ёрдами (субсидия) деганда давлат (ҳукумат) томонидан корхоналарга, улар томонидан муайян шартлар бажарилганда, иқтисодий ривожланишини рағбатлантириш мақсадида кўрсатиладиган пул ёки натура шаклидаги ёрдам тушунилади. Давлат (ҳукумат) ёрдами турли шаклларда (дота-

ция, субвенциялар ва ҳоказо) ва турли шартларда тақдим этилиши мумкин.

Давлат субсидияларини ҳисобга олиш тартиби «Давлат субсидияларининг ҳисоби ва давлат ёрдамини очиб бериш» деб номланган 10-сон ВХМСга мувофиқ амалга оширилади.

Шу билан бир қаторда субсидия ва грантлар корхоналарга турли ноҳукумат, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар томонидан муайян дастурни амалга ошириш учун тақдим этилиши мумкин.

Субсидия ва грантларни ўз сармояси сифатида акс эттириш учун шартлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

— муайян шартларни бажариш вақтида қайтармаслик;

— субсидия ва грантларни жалб этиш билан боғлиқ харажатлар эмас, демак, даромад бўлиб ҳисобланмайди (мувофиқлик принциpidан келиб чиқиб).

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир ажратилган субсидия ва грантлар ҳамда уларнинг манбалари бўйича юритилади.

## 12.6. «Келгуси харажатлар ва тўловлар захиралари» ҳисобварағи

8910-«Келгуси харажатлар ва тўловлар захиралари» ҳисобварағи харажатлар ва тўловларни ишлаб чиқариш ёки муомала чиқимларига бир маромда киритиш мақсадида белгиланган тартибда захирага қўйилган суммаларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Хусусан, ушбу ҳисобварақда асосий воситаларни таъмирлаш бўйича келгуси харажатлар суммалари акс эттирилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш ва муомала чиқимларининг ҳисобга олиш суммаларини захирага қўйиш тарти-

би тегишли қонунлар ва меъерий ҳужжатлар, шунингдек маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом билан бошқарилади.

Захираларни ҳисоблаб ёзиш бўйича операциялар 8910-«Келгуси харажатлар ва тўловлар захиралари» ҳисобварағи кредити ва ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда муомала чиқимларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари (04, 20, 23, 25, 94) дебети бўйича акс эттирилади.

Захира суммалар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажат ва тўловлар захираларни камайтиришга 8910-«Келгуси харажатлар ва тўловлар» ҳисобварағи дебети бўйича 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ҳисобварағи билан корреспонденцияда — корхона цехлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий воситаларни таъмирлаш қийматига ҳисобдан чиқарилади, ёки харажатлар ҳисобварақларини четлаб ўтиб, 8910-«Келгуси харажатлар ва тўловлар захиралари» ҳисобварағи дебетига, масалан, материалларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (10) кредитидан ҳисобдан чиқарилади; илгари келгуси харажатлар таркибида захирага қўйилган, асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олиш ҳисобварақлари (02) кредити бўйича эскириш суммаси акс эттирилади.

У ёки бу захира бўйича суммалар тўғри ҳосил этилгани ва ишлатилгани вақти-вақти билан (йил охирида эмас албатта) сметалар, ҳисоб-китоблар ва ҳоказоларнинг маълумотлари бўйича текширилади ва зарурат туғилганда тузатишлар киритилади.

8910-«Келгуси харажатлар ва тўловлар захиралари» ҳисобварағи бўйича таҳлилий ҳисоб алоҳида захиралар бўйича юритилади.



## 13-боб. ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР

Ушбу боб ҳисобварақлари корхонанинг ҳисобот йилидаги молиявий натижаларини шакллантириш ва ишлатиш тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Молиявий натижаларни шакллантириш ва ишлатиш тартиби Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом ва Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари — 2, 3, 4-сон БҲМСлар билан бошқарилади.

~~Ушбу булимда қуйидаги ҳисобга олиш ҳисобварақларида ҳисоб тартиби тўғрисидаги ахборот келтирилади:~~

- 90 — Асосий (операцион) фаолият даромадларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 91 — Сотилган маҳсулот таннархини ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 92 — Асосий воситалар ва бошқа активларнинг сотилиши ва бошқача реализациясини ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 93 — Асосий фаолиятдан бошқа даромадларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 94 — Давр харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 95 — Молиявий фаолиятдан даромадларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 96 — Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 97 — Фавқулодда фойда ва зарарларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 98 — Солиқ ва йигимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олиш ҳисобварақлари

99 — Пировард молиявий натижани ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Маҳсулот сотилишини ҳисобга олиш учун алоҳида даромадлар ҳисобварақлари ва алоҳида харajatлар ҳисобварақлари ишлатилади. Қўшилган қиймат солигининг суммаси, акцизлар ва тушумдан бошқа ажратмалар пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари ёки олишга доир ҳисобварақлар дебети ҳамда бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредити бўйича акс этирилади.

Тайёр маҳсулот, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг сотилишидан олинган даромадлар, шунингдек сотилган товарларнинг қайтарилиши, сотиш чегирмалари ва нархлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

9010 «Тайёр маҳсулотнинг сотилишидан даромадлар»

9020 «Товарларнинг сотилишидан даромадлар»

9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг сотилишидан даромадлар»

9035 «Сотилган товарларнинг қайтарилиши ва чегирмалар»

Асосий (операцион) фаолиятдан даромадларни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақларида қуйидаги сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) бўйича соф тушум (даромад) акс этирилади:

— саноат, қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналарнинг ишлаб чиқарган тайёр маҳсулотлари ва ярим тайёр маҳсулотлари;

— саноат тусидаги ишлар ва хизматлар;

— носаноат тусидаги ишлар ва хизматлар;

— харид буюмлари (бутлаш учун сотиб олинган);

— қурилиш, монтаж, лойиҳа-қидирув, геология-қидирув, илмий тадқиқот ва ҳоказо ишлар;

— савдо, таъминот ва сотиш корхоналаридаги товарлар;

— транспорт корхоналарида юк ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар;

— енгил автомобилларни ижарага бериш ва автомобилларни етказиб бериш (ҳайдаб олиб келиш) бўйича хизматлар;

— транспорт-экспедиция ва юк ортиш-тушириш операциялари;

— алоқа корхоналарининг хизматлари ва ҳоказолар.

9010-«Тайёр маҳсулотнинг сотилишидан даромадлар», 9020-«Товарларнинг сотилишидан даромадлар», 9030-«Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг сотилишидан даромадлар» ҳисобварақларни кредити бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолиятдан (тайёр маҳсулот, товарларни сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) олинган даромадларни олишга доир ҳисобварақлар (4010), бўлинмалардан олишга доир ҳисобварақлар, пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети билан корреспонденцияда акс эттирилади. Ўтган даврларда олинган, лекин ҳисобот даврига тааллуқли даромадларнинг суммалари 6210-«Кечиктирилган даромад», 6310-«Харидор ва буюртмачилардан олинган бунақлар» ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Саноат корхоналари юклаб жўнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб ҳужжатларини харидор ва буюртмачиларга тақдим этишнинг маромига қараб харидорлар (буюртмачилар)га доир ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилган суммани, ҚҚС, акцизлар ва тушумдан бошқа ажратмаларни чегирган ҳолда, юқорида кўрсатилган ҳисобварақлар кредити ва олишга доир ҳисобварақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (4010) дебети бўйича акс эттирадilar.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида 9010, 9020, 9030-ҳисобварақлар кредити бўйича маҳсулотнинг сотилиши, ишларнинг бажарилиши, хизматларнинг кўрсатилишидан соф тушум олишга доир ҳисобварақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (4010) билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Қурилиш корхоналарида 9030-«Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг сотилишидан даромадлар» ҳисобварағи кредити бўйича, ҚҚС, акцизлар ва тушумдан бошқа ажратмаларни чегирилган ҳолда, буюртмачилар ва пудратчилар ёки ёрдамчи пудратчилар ўртасида ҳисоб-китоблар учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар бўйича белги-ланадиган, тугалланган қурилиш объектлари ёки пудрат ва ёрдамчи пудрат шартномалари бўйича бажарилган ишларнинг қиймати олишга доир ҳисобварақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (4010) билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Геология-қидирув ишларини олиб борадиган корхоналарда 9030-«Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг сотилишидан даромадлар» ҳисобварағи кредити бўйича уларга доир ҳисоб-китоб ҳужжатлари буюртмачиларга тақдим этилган бажарилган ишларнинг шартномавий қиймати, ҚҚС, акцизлар ва тушумдан бошқа ажратмалар чегирилган ҳолда, олишга доир ҳисобварақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (4010) билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Лойиҳа ва тадқиқот ташкилотларида 9030-«Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг сотилишидан даромадлар» ҳисобварағи кредити бўйича буюртмачиларга топширилган тўлиқ тугалланган лойиҳалар ва ишлар турлари лойиҳа-смета ҳужжатларининг шартномавий (смета) қиймати, ҚҚС, акцизлар ва тушумдан бошқа ажратмалар чегирилган ҳолда, олишга доир ҳисобварақларини ҳисобга

олиш ҳисобварақлари (4010) билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Илмий-тадқиқот ташкилотларида 9030-«Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг сотилишидан даромадлар» ҳисобварағи кредити буйича буюртмачиларга топширилган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг шартномавий (смета) қиймати, ҚҚС, акцизлар ва тушумдан бошқа ажратмалар чегирилган ҳолда, олишга доир ҳисобварақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (4010) билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Савдо, таъминот ва сотиш корхоналарида 9020-«Товарларнинг сотилишидан даромадлар» ҳисобварағи кредити буйича сотилган товарларнинг шартномавий қиймати, ҚҚС, акцизлар ва тушумдан бошқа ажратмалар чегирилган ҳолда, олишга доир ҳисобварақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (4010) билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Транспорт ва алоқа корхоналарида 9030-«Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг сотилишидан даромадлар» ҳисобварағи кредити буйича кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоблаб ёзилган суммалар, ҚҚС, акцизлар ва тушумдан бошқа ажратмалар чегирилган ҳолда, олишга доир ҳисобварақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (4010) билан корреспонденцияда акс эттирилади.

9010-«Тайёр маҳсулотнинг сотилишидан даромадлар», 9020-«Товарларнинг сотилишидан даромадлар», 9030-«Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг сотилишидан даромадлар» ҳисобварақлари кредитида қайд этиладиган оборотлар ҳисобот даври охирида 9900-«Пировард молиявий натижа» ҳисобварағи кредитига ҳисобдан чиқарилади.

9035-«Сотилган товарларнинг қайтарилиши ва чегирмалар» ҳисобварағи сотилган товарлар қайтарилишини, шартнома шартларига мувофиқ тақдим этил-

ган сотувлардан чегирмаларни, шунингдек сотилган маҳсулот браклиги аниқланиши муносабати билан тақдим этилган нархдан чегирмалар ва ҳоказоларни ҳисобга олинган учун мўлжалланган. Ушбу ҳисобварақ асосий (операцион) фаолиятдан даромадлар ҳисобварақлари (90) гуруҳига контрҳисобварақ ҳисобланади ва унинг дебет обороти Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда ялпи сотиш суммасидан чегирилади. 9035-«Сотилган товарларнинг қайтариллиши ва чегирмалар» ҳисобварақи дебети бўйича қайтарилган товарлар қиймати ёки тақдим этилган сотувлардан чегирмаларнинг суммалари ва нархлари тегишли ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади: пул маблағлари — мазкур товарлар қиймати харидорлар ва буюртмачиларга қайтарилганда; олишга доир ҳисобварақлар (4010) ва бўлинмалардан олишга доир ҳисобварақлар (4110) — қайтарилган товарлар бўйича бекор қилинган дебиторлик қарзи суммасига; турли кредиторлардан қарзлар ва бошқа ҳисоблаб ёзилган мажбуриятлар (68) — харидорлар ва буюртмачилардан мазкур товарлар бўйича олинган туловлар ва бунақларга доир юзага келган қарз суммасига. Бунда илгари ҳисоблаб ёзилган қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджетга туловлар бўйича қарзни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари (6410) дебети ва олишга доир ҳисобварақлар (4010), бўлинмалардан олишга доир ҳисобварақлар (4110) пул маблағларини ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари кредити бўйича ёзув қайд этилади. Қайтарилган маҳсулот ва товарларнинг таннархи қизил сторно усули билан товарларни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари (2910-2990) кредити ва сотилган маҳсулот таннархни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари (9110-9130) дебети бўйича акс эттирилади.

Асосий (операцион) фаолиятдан даромадларни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари (9010-

9035) бўйича таҳлилий ҳисоб сотиладиган маҳсулот (товарлар), бажарилган ишлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг ҳар бир тури бўйича юритилади. Бундан ташқари, ушбу ҳисобварақ бўйича таҳлилий ҳисобни сотишнинг географик сегментлари (минтақалари) ва корхонани бошқариш учун зарур бошқа сегментлар бўйича юритиш мумкин.

### 13.1. Сотилган маҳсулот таннархини ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Сотилган тайёр маҳсулот, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар таннархи тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

9110 «Сотилган тайёр маҳсулот таннархи»

9120 «Сотилган товарлар таннархи»

9130 «Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи»

9140 «Сотиб олиш/харид» (ўқув мақсадлари учун захирага қўйилган)

9150 «ТМЗ бўйича тuzатишлар» (ўқув мақсадлари учун захирага қўйилган)

Ушбу ҳисобварақларда қўйидаги сотилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг таннархи акс эттирилади:

— саноат, қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулот ва ярим тайёр маҳсулотлар;

— саноат тусидаги иш ва хизматлар;

— носаноат тусидаги ишлар ва хизматлар;

— харид қилинган буюмлар (бутлаш учун харид қилинган);

— қурилиш, монтаж, лойиҳа-тадқиқот, геология-қидирув, илмий-тадқиқот ва ҳоказо ишлар;

— савдо, таъминот ва сотиш корхоналаридаги товарлар;

— транспорт корхоналарида юк ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар;

— енгил автомобилларни ижарага бериш ва автомобилларни етказиб бериш (ҳайдаб олиб келиш) бўйича хизматлар;

— транспорт-экспедиция ва юк ортиш-тушириш операциялари;

— алоқа корхоналарининг хизматлари ва ҳоказолар.

9110-«Сотилган тайёр маҳсулот таннархи», 9120-«Сотилган товарлар таннархи», 9130-«Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи» ҳисобварақларида юклаб жўнатилган тайёр маҳсулот, товарлар (ишлар, хизматлар) таннархи ҳисобга олинади.

Саноат корхоналари харидорлар (буюртмачилар)га юклаб жўнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб ҳужжатларини тақдим этишнинг боришига қараб юклаб жўнатилган маҳсулот, иш ва хизматларнинг таннархи суммасини тайёр маҳсулот (2810-2820), асосий ишлаб чиқариш (2010)ни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари ва бошқалар кредитидан 9110-«Сотилган тайёр маҳсулот таннархи», 9130-«Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи» ҳисобварақлари дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида 9110-«Сотилган тайёр маҳсулот таннархи», 9130-«Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи» ҳисобварақлари дебети бўйича ушбу маҳсулот, ишлар, хизматларнинг режадаги таннархи (ҳақиқий таннарх аниқланмаган йил мобайнида) ҳисобга олинади ва сотилган маҳсулот, ишлар, хизматларнинг режадаги ҳамда ҳақиқий таннархлари ўртасидаги ҳисобварақлар билан корреспонденцияда ҳисобдан чиқарилади.

Қурилиш ташкилотларида 9130-«Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи» ҳисобварағи дебети бўйича



топширилган ишларнинг ҳақиқий таннархи асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (2010) билан корреспонденцияда ҳисобга олинади.

Геология-қидирув ишларини олиб борувчи корхоналарда 9130-«Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи» ҳисобварағи дебети бўйича ушбу ишлар бўйича ҳақиқий харажатлар асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (2010) билан корреспонденцияда ҳисобга олинади.

Лойиҳа ва тадқиқот ташкилотларида 9130-«Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи» ҳисобварағи дебети бўйича тўлиқ тугалланган лойиҳалар ва буюртмачиларга топширилган ишлаб тувлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг ҳақиқий таннархи асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (2010) билан корреспонденцияда ҳисобга олинади.

Илмий-тадқиқот ташкилотларида 9130-«Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи» ҳисобварағи дебети бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг ҳақиқий таннархи асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (2010) билан корреспонденцияда ҳисобга олинади. Савдо, таъминот ва сотиш корхоналарида 9120-«Сотилган товарлар таннархи» ҳисобварағи дебети бўйича ҳисобварақ-фактура ва юкхатларда кўрсатилган харид қиймати (муддатидан олдин тўлаганлик учун чегирмалар, шунингдек харид қилинган товарлар қайтарилиши ва нархи туширилиши чиқарилган ҳолда), сотиб олинган товарларни етказиб бериш билан боғлиқ транспорт харажатлари тўланиши, товарлар хариди билан боғлиқ бошқа харажатларни (ўраб жойлаш қиймати, товарларга нарх белгилаш) ўз ичига олган товарларнинг дастлабки қиймати товарларни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари (2910-2990) билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Транспорт ва алоқа корхоналарида 9130-«Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи» ҳисобварағи дебети бўйича транспорт ва алоқадан фойдаланиш бўйича ҳақиқий харажатлар, шунингдек экспедиция ва юк ортиш-тушириш операциялари бўйича харажатлар асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (2010) билан корреспонденцияда ҳисобга олинади.

Ҳисобот даври охирида 9110-«Сотилган тайёр маҳсулот таннархи», 9120-«Сотилган товарлар таннархи», 9130-«Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи» ҳисобварақларида белгиланган дебет оборотларининг якунлари 9900-«Пировард молиявий натижа» ҳисобварағи дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Сотилган маҳсулот таннархини ҳисобга олиш ҳисобварақларидан (91) амалиётда фойдаланиш корхона қўллайдиган товар-моддий захираларини ҳисобга олиш усулига боғлиқ бўлади.

Товар-моддий захираларни узлуксиз ҳисобга олиш усули қўлланилганида ҳар бир маҳсулот ёки товарнинг таннархи унинг ишлаб чиқариш жараёнида ҳаракатланишига қараб харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида жамғарилади. Тайёр маҳсулот сотилганида сотилган маҳсулот таннархи сотилган маҳсулот таннархини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (91) тайёр маҳсулотни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари (2910-2820) билан (ёки савдо корхоналари учун товарларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (2910-2990) билан) корреспонденцияда акс эттирилади.

Товар-моддий захираларни вақти-вақти билан ҳисобга олиш усули муқобил усул ҳисобланади. ТМЗни вақти-вақти билан ҳисобга олиш усулидан фойдаланилганида ҳар бир маҳсулот (товар) таннархи бутун ҳисобот даври мобайнида 9140-«Сотиб олиш/харид» вақтинчалик ҳисобварағида тўплана-

ди, бироқ сотилган маҳсулот, товарларнинг ҳақиқий таннархи фақат ТМЗ инвентарланганидан кейингина белгиланиши мумкин. 9150-«ТМЗ буйича тузатишлар» ҳисобварағи вақтинчалик ҳисобварақ бўлиб, ҳисобот даври охирида мавжуд бўлган ТМЗни инвентарлаш натижаларини акс эттириш учун ишлатилади. Кўрсатилган ҳисобварақ дебети буйича ТМЗ камайиши, кредит буйича эса ўсиши ТМЗни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (10-29) билан корреспонденцияда акс эттирилади. 9150-ҳисобварақ сальдони 9900-«Пировард молиявий натижа» ҳисобварағига ўтказиш билан ёпилади

### 13.2. Асосий воситалар ва бошқа активларнинг сотилиши ва бошқача реализациясини ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Корхонага тегишли бўлган асосий воситалар ва бошқа активларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси (тугатилиши, ҳисобдан чиқарилиши, бепул берилиши ва ҳоказо) тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси»

9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси»

9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси» ҳисобварағи дебети буйича реализация қилинган (чиқиб кетган) асосий воситалар объектларининг дастлабки қиймати, шунингдек асосий воситаларнинг реализацияси (бинолар, иншоотларни бузиш ва бўлақларга ажратиш, ускунани демонтаж қилиш ва ҳоказо) билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади.

9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқ

ача реализацияси» ҳисобварағи кредитига асосий воситалар объектлари сотишдан тушум ва уларни ҳисобдан чиқариш муносабати билан келиб тушган моддий бойликлар қиймати эҳтимолий фойдаланиш ва сотиш баҳосида, шунингдек реализация пайтида асосий воситаларнинг чиқиб кетган объектлари бўйича ҳисоблаб ёзилган эскириш суммалари киритилади. Асосий воситаларни сотишдан тушум 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси» ҳисобварағи кредити бўйича 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олишга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи билан корреспонденцияда акс эттирилади.

9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси» ҳисобварағи бўйича дебет сальдоси (зарар) жорий ҳисобот даврида 9431-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси бўйича зарарлар» ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади, ушбу ҳисобварақ бўйича кредит сальдоси (фойда) эса 9310-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализациясидан фойда» ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади. 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси» ҳисобварағи бўйича асосий воситалар объектларини молиявий лизингга топшириш пайтида ҳосил бўладиган ва келгуси даврлар даромадларига тааллуқли фойда ёки зарар суммаси 6210-«Кечиктирилган даромад» (жорий қисм) ёки 7290-«Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар» (узоқ муддатли қисм) ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади.

Асосий воситалар объектлари камомади ёки шикастланиши ҳолларида уларнинг дастлабки қиймати 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси» ҳисобварағи дебетига, ҳисоблаб ёзилган эскириш суммаси эса унинг кредитига киритилади. Бойликларнинг камомади сифатида акс эттириладиган қолдиқ қиймат 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси»

ҳисобварағи кредити буйича 9433-«Бойликларнинг камомадлари ва шикастланиши буйича харажатлар» ҳисобварағи билан корреспонденцияда ҳисобдан чиқарилиб, кейин ушбу суммалар 4630-«Моддий зарарни қоплаш буйича ходимларнинг қарзи» ҳисобварағи дебетига киритилади, камомад ёки шикастланишнинг аниқ айбдорлари аниқланмаган тақдирда эса сумма 9433-«Бойликлар камомадлари ва шикастланиш буйича харажатлар» ҳисобварағида қолади.

9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси» ҳисобварағи буйича таҳлилий ҳисоб асосий воситаларнинг чиқиб кетаётган алоҳида инвентарь объектлари буйича юритилади.

9220-«Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси» ҳисобварағи дебети буйича чиқиб кетаётган бойликларнинг баланс қиймати, шунингдек шу сабабдан кўрилган харажатлар (вақтинчалик ҳақлари ва ҳоказо) акс эттирилади.

9220-«Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси» ҳисобварағи кредитига бойликларни сотишдан тушум, яъни сотилган мол-мулк учун корхонага тегишли сумма киритилади. Номоддий активлар, арзон ва тез эскирувчан буюмлар сотилган ва бошқача реализация қилинган ҳолда 9220-«Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси» ҳисобварағи кредитига реализация пайтида ушбу объектлар буйича ҳисоблаб ёзилган эскириш суммаси ҳам номоддий активлар, арзон ва тез эскирувчан буюмлар эскиришини ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари билан корреспонденцияда ҳисобдан чиқарилади.

Ушбу ҳисобварақлар буйича дебет сальдоси (зарари) 9432-«Бошқа активларнинг еотилиши ва бошқача реализациясидан зарарлар» ҳисобварағига, кредит сальдоси (фойдаси) эса 9220-«Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқача реализациясидан фойда» ҳисобварағи кредитига ҳисобдан чиқарилади.

### 13.3. Асосий фаолиятдан бошқа даромадларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Асосий фаолиятдан бошқа даромадларни шакллантириш тартиби «Асосий хўжалик фаолиятдан даромадлар» деган 2-сон БҲМС — Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти билан бошқарилади.

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан бошқа даромадларга қуйидагилар киради:

- хўжалик корхоналари шартларини бузганлик учун ундирилган ёки қарздор томонидан тан олинган жарималар, пенялар, неустойкалар ва бошқа жазо чоралари;
- ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар фойдаси;
- бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғланмаган операциялардан олинган бошқа даромадлар, рента даромади, хўжалик юритувчи субъект қошидаги ошхоналардан тушумлар, ёрдамчи хўжаликлардан даромадлар сингари;
- хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фондлари ва бошқа мол-мулкни сотишдан фойда;
- даъво муддати тугаган кредиторлик ва дебиторлик қарзини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;
- товар-моддий бойликларни қўшимча баҳолаш;
- қайтариб олинмайдиган молиявий ёрдам;
- бошқа операцион даромадлар.

Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга олиширилади:

9310 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализациясидан фойда»

- 9320 «Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқача реализациясидан фойда»
- 9330 «Ундирилган жарималар, пеня ва неустойкалар»
- 9340 «Ўтган йиллар фойдалари»
- 9350 «Рента даромади ва ёрдамчи хизматлардан даромадлар»
- 9360 «Кредиторлик ва депонентлик қарзини ҳисобдан чиқаришдан даромадлар»
- 9370 «ТМБни қўшимча баҳолаш»
- 9380 «Қайтариб олинмайдиган молиявий ёрдам»
- 9390 «Бошқа операцион даромадлар»

9310-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализациясидан фойда» ҳисобварағида асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализациясидан олинган фойда суммаси акс эттирилади, у 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси» ҳисобварағи кредитидан ҳисобот даври охирида ўтказилади.

9320-«Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқача реализациясидан фойда» ҳисобварағида бошқа активларнинг сотилиши ва бошқача реализациясидан олинган фойда суммаси акс эттирилади, у 9220-«Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси» ҳисобварағи кредитидан ўтказилади.

9330-«Ундирилган жарималар, пеня ва неустойкалар» ҳисобварағида хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун қарздорлардан ундирилган жарималар, пенялар, неустойкалар ва бошқа жазо чоралари, шунингдек етказилган зарарларни қоплаш бўйича даромадлар ҳисоб-китоблар ёки пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда ўз ифодасини топади.

9340-«Ўтган йиллар фойдалари» ҳисобварағида ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар фойдаси, яъни ўтган йили олинган ва сарфланган хизматлар

ва оддий бойликлар учун қайта ҳисоб-китоблар бўйича мол етказиб берувчилардан келиб тушган сумма; ўтган йили сотилган маҳсулот учун қайта ҳисоб-китоблар бўйича харидорлар ва буюртмачилардан олинган сумма пул маблағлари ёки тегишли ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети билан корреспонденцияда ўз ифодасини топади.

9350-«Рента даромади ва ёрдамчи хизматлардан даромадлар» ҳисобварағида рента даромади, корхоналар қошидаги ошхоналардан тушумлар, ёрдамчи хизматлардан ва идиш билан операциялардан даромад сингари бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғланмаган даромадлар ҳисоб-китоблар ёки пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда ўз ифодасини топади.

9360-«Кредиторлик ва депонентлик қарзини ҳисобдан чиқаришдан даромадлар» ҳисобварағида даъво муддати тугаган кредиторлик ва депонентлик қарзини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар пул маблағлари ёки тегишли ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда ўз ифодасини топади.

9370-«ТМБни қушимча баҳолаш» ҳисобварағида моддий бойликлар ва тайёр маҳсулотни қайта баҳолашдан даромадлар, корхоналар томонидан нарх белгилашни тартибга солиш натижасида йўқотишларни қоплаш сифатида, шунингдек корхоналар ҳисобига бюджетдан келиб тушадиган йўқотишларни қоплаш сифатида олинган тушумлар моддий бойликлари, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар, пул маблағлари ва ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда ўз ифодасини топади.

9380-«Қайтариб олинмайдиган моддий ёрдам» ҳисобварағида пул маблағлари ва пул эквивалент-



лари кўринишида қайтариб олинмайдиган кўринишда олинган даромадлар пул маблағлари, пул эквивалентларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда ўз ифодасини топади.

9390-«Бошқа операцион даромадлар» ҳисобварағида бошқа операцион фаолиятдан олинган даромадлар пул маблағлари ёки ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда ўз ифодасини топади.

#### 13.4. Давр харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Давр харажатларининг таркиби 1999 йил 5 февралдаги Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом, шунингдек Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти — «Товар-моддий захиралар» деб номланган 4-сон БҲМС билан бошқарилади.

Давр харажатлари деганда бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғланмаган сарф-харажатлар, яъни хўжалик юритувчи субъектни бошқариш харажатлари, маҳсулот сотиш харажатлари ва умумхўжалик мақсадидаги бошқа харажатлар тушунилади.

Сотиш бўйича харажатларга товарларни темир йўл, ҳаво, автомобиль, денгиз, дарё ва от-аравада ташишлар киради. Ушбу моддага ташиш харажатлари, шунингдек транспорт воситаларининг туриб қолиши учун тўланган жарималар киритилади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг муомала чиқимларига қўйидагилар киради:

- Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан боғлиқ меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, маъмурий-бошқарув ходимлари бундан мустасно.
- Ижтимоий суғурта харажатлари.

- Савдо эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар ва хоналарни ижарага олиш, тутиб туриш ва таъмирлаш харажатлари.
- Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси.
- Санитария кийимлари, дастурхон-сочиқлар, арзон ва тез эскирувчан буюмлар, ошхона идиш-товоқлари ва анжомларининг эскириши.
- Газ, ёқилги, электр энергияси харажатлари.
- Товарларни сақлаш, ишлов бериш ва навларга ажратиш харажатлари.
- Савдо рекламаси харажатлари.
- Ташиш, сақлаш ва сотиш вақтида меъёрлар доирасида ва ортиқча миқдорларда товар, маҳсулотларнинг нобуд бўлиши.
- Идиш харажатлари.
- Мол-мулкни мажбурий сугурталаш харажатлари.
- Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги харажатлари.
- Вентиляторларни ўрнатиш ва тутиб туриш, машиналар ва уларнинг ҳаракатланувчи қисмлари, туйнуқлар, ўйиқ ва ҳоказоларни тўсишнинг жорий (нокапитал тусдаги) харажатлари.
- Махсус кийим ва махсус пойабзалнинг эскириши.
- Махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибдаги ҳимояланиш кийимларини ювиш, тузатиш ва дезинфекциялаш учун корхоналар, таъмирлаш корхоналари ва бошқа юридик шахсларга тўлов.
- Махсус кийим ва пойабзални ювиш ҳамда тузатишга сарфланган материалларнинг қиймати.
- Умумий овқатланиш ва савдо ходимларини тиббий кўриқдан ўтказганлик учун тиббий муассасаларга тўлов.

- Касса хўжалигини юритиш ва тушумни ин-кассация қилиш чиқимлари.
- Умумий овқатланиш корхоналаридаги қоғоз салфеткалар, дастурхонлар, стаканча ва тақсимчалар, бир маротаба ишлатиладиган асбоблар қиймати.
- Белгиланган меъёрлар доирасида ва ундан ортиқча миқдорда сотиш бозорларини ўрганиш харажатлари (маркетинг, реклама харажатлари).

Маъмурий харажатларга қуйидагилар киради:

- Бошқарув ходимларига тааллуқли меҳнатга ~~ҳақ тўлаш харажатлари~~
- Бошқарув ходимларига тааллуқли ижтимоий сугуртага ажратмалар.
- Хизмат енгил автотранспорти ва хизмат микроавтобусини тутиб туриш, ёллаш ва ижарага олиш харажатлари.
- Хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш харажатлари.
- Бошқарувнинг техник воситалари, алоҳа узеллари, сигнал бериш воситалари, ҳисоблаш марказлари ҳамда ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлган бошқарувнинг бошқа техник воситаларини тутиб туриш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари.
- Ижара, хизматлар тақдим этилиши учун алоҳа узелларига (АТС, Уяли, йўлдош, пейжинг хизмати) тўлов.
- Шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувларига меъёрлар доирасида ва ундан ортиқча ҳақ тўлаш.
- Маъмурий-бошқарув эҳтиёжлари учун бино ва хоналар ижарасига тўлов.
- Маъмурий мақсаддаги асосий воситаларни ту-

тиб туриш ва таъмирлаш харажатлари, шунингдек уларнинг эскириши (амортизацияси).

- Юқори ташкилотлар ва юридик шахслар бирлашмалари: вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва ҳоказоларни тутиб туришга ажратмалар.
- Ишлаб чиқариш жараёни билан боғланмаган ходимлар ва мол-мулкнинг мажбурий сугуртаси.
- Бөнқарув ходимларининг хизмат сафарлари-га белгиланган меъёрлар доирасида ва ундан ортиқча харажатлар.
- Белгиланган меъёрлар доирасида ва ундан ортиқча вакиллик харажатлари.
- Хоналарни бепул тақдим этиш харажатлари, умумий овқатланиш корхоналарига коммунал хизматлар қийматини тўлаш ва ҳоказо.
- Бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тааллуқли бўлмаган, табиатни муҳофаза қилиш мақсадидаги фондларни тутиб туриш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жорий харажатлар, шу жумладан йўл қўйиладиган меъёрлар доирасида ва ундан ортиқча ифлослантувчи моддаларни атроф муҳитга ташлаганлик (оқизганлик) учун тўловлар.

Бошқа операцион харажатлар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- Меъёрлар доирасида ва ундан ортиқча миқдорда кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари, янгидан барпо этилаётган хужалик юритувчи субъектда ишлаш учун кадрлар бундан мустасно.
- Лойиҳалар ва қурилиш-монтаж ишларидаги нуқсонларни, шунингдек объект омборига ташиш вақтида юз берган шикастланиш ва деформацияларни бартараф этиш харажатларини сўндириш, коррозияга қарши ҳимояда-

ги нуқсонларни юзага келтирган тафтиш (ускунани қисмларга бўлиш) харажатлари ва шу сингари бошқа харажатлар етказиб бериш ва ишларни бажариш шартларини бузган юридик шасхлар ҳисобига, камчиликлар, шикастланиш ёки зарарлар учун жавобгар мол етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига мазкур харажатлар қопланиши мумкин бўлмаган меъёрда амалга оширилади.

- Маслаҳат бериш ва ахборот хизматларига тўлов.
- Шу жумладан хўжалик юритувчи субъект иш-тироқчиларидан (жумладорларидан) бирининг ташаббуси билан ўтказиладиган аудиторлик хизматларига тўлов.
- Ўзининг хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари ва хўжаликларини тутиб туришдан кўрилган зарарлар.
- Ходимларнинг бевосита ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиши билан боғланмаган соғлиқни сақлаш ва дам олишни ташкил этиш тадбирлари.
- Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғланмаган ишлар (хизматлар)ни бажариш харажатлари (шаҳар ва қўрғонларни ободонлаштириш ишлари, қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш ва бошқа иш турлари).

Компенсациялаш ва рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар:

- Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари бўйича компенсация тўловлари.
- Кўп йил ишлаганлик учун бир маротаба тўланадиган мукофотлар, тақдирлаш ва тўловлар, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектнинг ўз қарорига кўра натура тўловлари, шунинг-

дек улар бўйича ижтимоий жамғармаларга ёзилган суммалар.

- Қонун ҳужжатларини мувофиқ ёки хўжалик юритувчи субъектнинг ўз қарорига кўра мажбуран ишламаганлик ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун ҳақ тўлаш.
- Меҳнат қобилияти вақтинча йўқотилган тақдирда қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳақиқий иш ҳақиға қадар қўшимча тўловлар.
- Ишчиларга асосий иш жойи бўйича, хўжалик юритувчи субъектнинг ишчи ва мутахассисларига уларнинг малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш тизимида ишдан ажралган ҳолда ўқитиш вақтида тўланадиган иш ҳақи.
- Ўн икки ёшга қадар икки ва ундан ортиқ болага ёки ўн олти ёшга қадар ногирон болага эга бўлган аёлларнинг қўшимча таътилига қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳақ тўлаш.
- Ходимларга товарлар, маҳсулот ва бойликларни бепул бериш ёки ходимлар учун ишлар, хизматларни бажариш.
- Ходимлар харажатларини қоплаш (овқатланиш, йўлда юриш, йўлланмалар, даволаниш ва дам олиш, экскурсия ва саёҳатлар, спорт секциялари, тўғараклар, клублардаги машғулотлар, маданий-кўнғил очиш ва жисмоний тарбия (спорт) тадбирларида қатнашиш, обуна ва шахсий фойдаланиш учун товарлар ҳамда бошқа шу сингари тўловлар).

Иш ҳақини ҳисоблаб ёзишда ҳисобга олинмайдиган тўлов ва харажатлар:

- Қонун ҳужжатларига мувофиқ бола икки ёшга етгунига қадар унга қараш бўйича ойлик нафақани тўлашга доир харажатлар.
- Пенсияларга устамалар, пенсияга чиқаётган

меҳнат фахрийларига бир йўла тўланадиган нафақалар.

- Уларни қайта ташкил этиш, ходимлар сони ва штатларни қисқартириш муносабати билан хўжалик юритувчи субъектлардан бўшатиб олинадиган ходимларга қонун ҳужжатларига мувофиқ тўловлар.
- Ходимларга тўланадиган моддий ёрдам.
- Соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, соғломлаштириш оромгоҳлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, шунингдек уй-жой фонди объектларини тутиб туришга (шу жумладан амортизация ажратмалари ва барча турдаги таъмирлашни ўтказиш харажатлари) жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган меъёрлар доирасида ва ундан ортиқча харажатлар.
- Тухтатиб қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини тутиб туриш учун харажатлар (бошқа манбалар ҳисобига қопланадиган харажатлардан ташқари).
- Банк ва депозитарий хизматларига ҳақ тўлаш.
- Экология, соғломлаштириш ва бошқа хайрия жамғармаларига, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассаса ва ташкилотларига бадаллар.
- Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган ва хўжалик юритувчи субъект харажатларига киритиладиган бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар, бюджетдан ташқари махсус жамғармаларга ажратмалар.

Зарарлар, жарималар, пенялар:

- Бекор қилинган ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича йўқотишлар.
- Бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тааллуқли бўлмаган моддий бойликлар табиий йўқолишининг меъёрлар доирасида ва ортиқча талафотлари ҳамда камомадлари.
- Паст даражада баҳолаш усули ёки сотишнинг соф қиймати бўйича ишлаб чиқариш захиралари ва тайёр маҳсулотни қайта баҳолаш ёки нархини тушириш натижасида кўрилган зарарлар.
- Идиш билан операциялар бўйича зарарлар.
- Суд чиқимлари.
- Гумонли қарзлар бўйича захирага ажратмалар.
- Даъво муддати тугаган дебиторлик қарзини ва ундириши реал бўлмаган бошқа қарзларни ҳисобдан чиқаришдан зарарлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар билан ҳисоб-китоблар бўйича гумонли қарзларни ҳисобдан чиқаришдан зарарлар.
- Ҳисобот йилида аниқланган, ўтган йиллар операцияларига доир зарарлар.
- Табиий офатлардан компенсацияланмайдиган талафот ва зарарлар (ишлаб чиқариш захираларини, тайёр буюмлар ва бошқа моддий бойликларни йўқ қилиш ва шикастлаш, ишлаб чиқаришни тўхтатишдан талафот ва ҳоказо), шу жумладан табиий офатларнинг олдини олиш ёки унинг оқибатларини тугатиш билан боғлиқ харажатлар.
- Айбдорлари белгиланмаган ўғирликлардан ёки зарур суммаларни айбдор томон ҳисобига қоплаш мумкин бўлмаган тақдирда кўрилган зарарлар.
- Хўжалик юритувчи субъект томонидан уч йил ва ундан кўпроқ вақт фойдаланилган асосий



воситаларни сотишдан зарарлар, хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа мол-мулки (активлари)ни сотишдан зарарлар, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки (активлари)ни ҳисобдан чиқариш, бепул топшириш ва ўзгача реализациясидан зарарлар.

- Шу жумладан мол етказиб берувчилар ва дебиторлар айби билан хўжалик шартномаларининг шартларини бузганлик учун ҳукм қилинган ёки тан олинган жарималар, пенялар, неустойкалар ва бошқа жазо чораларининг турлари, шунингдек етказилган зарарларни қоплаш харажатлари.

- Солиқ қонунчилиги ва бошқа қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарима ва пенялар.
- Тўланган бошқа жарималар.
- Бошқа харажатлар.

Сотиш харажатлари, бошқарув харажатлари, хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг харажатлари, бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғланмаган бошқа операцион харажатлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

9410 «Сотиш харажатлари (савдо ташкилотлари учун — муомала чиқимлари)»

9420 «Маъмурий харажатлар»

9430 «Бошқа операцион харажатлар»

9440 «Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари»

9450 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар»

9410-«Сотиш харажатлари» ҳисобварағида маҳсулотни сотиш харажатлари, яъни маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш, транспорт воситаларига юклаш, маркетинг билан банд бўлимлар ва ходимлар харажатлари ва ҳоказолар билан боғлиқ

харажатлар акс этирилади. Унга қуйидаги ҳисобварақлар очилиши мумкин:

9411 «Сақлаш ва ташиш харажатлари»

9412 «Реклама ва сотишга кўмаклашиш харажатлари»

9413 «Ўраб-жойлаш, қайта навлаш ва идиш харажатлари»

9414 «Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари»

9415 «Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар»

9419 «Бошқа савдо чиқимлари»

9420-«Маъмурий харажатлар» ҳисобварағида корxonани бажариш харажатлари, умуммаъмурий мақсаддаги асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари, умумхўжалик мақсадидаги бинолар учун ижара ҳақи, ахборий, аудиторлик ва маслаҳат хизматларига ҳақ ва бошқа харажатлар ҳисобга олинади.

Унга қуйидаги ҳисобварақлар очилиши мумкин:

9421 «Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари»

9422 «Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар»

9423 «Умуммаъмурий мақсаддаги асосий воситаларни амортизациялаш харажатлари»

9424 «Умуммаъмурий мақсаддаги асосий воситаларни ижарага олиш харажатлари»

9425 «Умуммаъмурий мақсаддаги асосий воситаларни суғурталаш харажатлари»

9426 «Умуммаъмурий мақсаддаги номоддий активларни амортизациялаш харажатлари»

9427 «Юқори ташкилотларни тутиб туришга ажратмалар бўйича харажатлар»

9429 «Бошқа маъмурий харажатлар»

9430-«Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари, ишлаб чиқариш ва бошқариш тизимини ривожлантириш харажатлари, ходимларга (шу жум-

ладан ишлаб чиқариш ходимларига) моддий ёрдам, табиий йўқотишдан талафотлар, суд чиқимлари, янги ишлаб чиқаришларни ўзлаштириш харажатлари (капитал қўйилмалар сифатида ҳисобга олинадиган капитал харажатлардан ташқари) ва молиявий фаолиятнинг ишлаб чиқариш жараёни билан боғланмаган ҳамда харажатларнинг фавқулодда моддалари сифатларига эга бўлмаган хўжалик (операцион) фаолият жараёнида юзага келадиган харажатлар кўрсатилади. Унга қуйидаги ҳисобварақлар очилиши мумкин:

9431 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси бўйича зарарлар»

9432 «Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси бўйича зарарлар»

9433 «Бойликлар камомади ва шикастланиши бўйича харажатлар»

9434 «Гумонли қарзлар бўйича харажатлар»

9439 «Бошқа операцион харажатлар»

9440-«Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари» ҳисобварағида келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари акс этирилади, улар Харажатлар тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловада келтирилган. 9440-«Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари» ҳисобварағи 9900-«Умумий молиявий натижа» ҳисобварағи дебетиغا ёпилади. Ушбу ҳисобварақда ҳисобот даври давомида тўпланган харажатлар тўғрисидаги ахборот 10-«Солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар» балансдан ташқари ҳисобварақ дебетиغا ёзилади. 10- балансдан ташқари ҳисобварақдаги таҳлилий ҳисоб харажатлар тартиби, уларни чиқариш ҳажмлари ва муддатлари тўғрисидаги низомнинг 2-илласида назарда тутилган моддалар бўйича солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар тўғрисидаги ахборотни таъминлаши керак.

9450-«Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» ҳисобварағида мазкур корхонанинг асосий фаолияти бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғланмаган харажатлар ҳисобга олинади. Уларга корхона балансида булган соғлиқни сақлаш объектлари, болалар боғчалари, уй-жой-коммунал хўжалик, маданият ва спорт объектларини тутиб туриш харажатлари киради.

Давр харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари (94) 9900-«Пировард молиявий натижа» ҳисобварағи дебетига ёпилади.

### 13.5. Молиявий фаолиятдан даромадларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Молиявий фаолиятдан даромадларни шакллантириш тартиби Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари — «Асосий хўжалик фаолиятдан даромадлар» деган 2-сон, «Лизинг ҳисоби» деган 6-сон, «Молиявий инвестициялар ҳисоби» деган 12-сон БҲМСлар билан бошқарилади.

Молиявий фаолиятдан даромадлар таркибига қуйидагилар киритилади:

- сармоянинг олинган роялти ва трансферти;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улушбай иштирок этишдан олинган даромадлар, акциялар бўйича дивидендлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектга тегишли облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича даромадлар;
- мол-мулкни узоқ муддатли ижарага (лизингга) топширишдан даромадлар;
- валюта ҳисобварақлари, шунингдек хорижий валюталардаги операциялар бўйича курсдаги мусбат фарқ;
- қимматли қоғозлар, шуъба корхоналар ва

ҳоказоларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашларни утказишдан даромадлар;

— молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар.

Молиявий фаолиятдан даромадлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

9510 «Роялти ва сармоянинг трансфертидан даромадлар»

9520 «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар»

9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар»

9540 «Курсдаги фарқдан (мусбат) даромадлар»

9550 «Мол-мулкни лизинг шартномаси бўйича топширишдан даромадлар»

9560 «Қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашда даромадлар»

9590 «Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар»

9510-«Роялти ва сармоянинг трансфертидан даромадлар» ҳисобварағида олинган роялти ва сармоя трансфертидан даромадлар пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

9520-«Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» ҳисобварағида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқаридаги бошқа корхоналар фаолиятида улушбай иштирок этишдан олинган даромадлар, акциялар бўйича дивидендлар ва корхонага тегишли облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича даромадлар ҳисоб-китоблар ҳамда пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

9530-«Фоизлар кўринишидаги даромадлар» ҳисобварағида узоқ муддатли ва жорий инвестициялар бўйича фоизлар кўринишидаги даромадлар ҳисоб-китоблар ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда ўз ифодасини топади.

9540-«Курсдаги фарқдан (мусбат) даромадлар» ҳисобварағида валюта ҳисобварақлари, шунингдек хорижий валюталардаги операциялар буйича курсдаги мусбат фарқларга даромадлар пул маблағлари ва ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда ўз ифодасини топади.

9550-«Мол-мулкни лизинг шартномаси буйича топширишдан даромадлар» ҳисобварағида мол-мулкни узоқ муддатли ижарага топширишдан даромадлар пул маблағлари ёки тегишли ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

9560-«Қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳоланшдан даромадлар» ҳисобварағида қимматбаҳо қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳоланшда олинган даромадлар пул маблағлари ва ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

9590-«Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар» ҳисобварағида молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар пул маблағлари ёки ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

### 13.6. Молиявий фаолият буйича харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Молиявий фаолиятга доир даромад ва харажатларни шакллантириш тартиби Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари — «Асосий хўжалик фаолиятдан даромадлар» деган 2-сон, «Лизинг ҳисоби» деган 6-сон, «Молиявий инвестицияларнинг ҳисоби» деган 12-сон БҲМСлар билан бошқарилади.

Молиявий фаолият буйича харажатларнинг таркибига қуйидагилар киради:

— Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган ҳисоб ставкалари доирасида ва ундан ортиқча миқдордаги қисқа муддатли ва узоқ муддатли банк кредитларига, шу жумладан муддати узайтирилган ва кечиктирилган ссудаларга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар;

— мол-мулкнинг узоқ муддатли ижараси (лизинги) бўйича фоизларни тўлаш харажатлари;

— курсдаги манфий фарқ ва хорижий валюта билан операциялар бўйича зарарлар;

— қўйилган маблағларни (қимматли қоғозларга, шубба корхоналар ва ҳоказоларга) қайта баҳолашни ўтказишдан зарарлар;

— узининг қимматли қоғозларини чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар;

— молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар, шу жумладан қимматли қоғозлар бўйича манфий дисконт.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар»

9620 «Курсдаги фарқдан зарарлар»

9630 «Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш харажатлари»

9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар»

9610-«Фоизлар кўринишидаги харажатлар» ҳисобварағида банк кредитларига мол етказиб берувчилар ва заёмларга доир фоизларни тўлаш харажатлари қисқа муддатли банк кредитлари ва банкдан ташқари заёмларни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари, шунингдек мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

9620-«Курсдаги фарқдан зарарлар» ҳисобвара-

гида курсдаги манфий фарқ ва хорижий валютадаги операциялар бўйича зарарлар пул маблағлари ва ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

9630-«Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш харажатлари» ҳисобварағида қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар пул маблағлари ва ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда ўз ифодасини топади.

9690-«Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» ҳисобварағида қўйилган маблағларни (қимматли қоғозларга, шуъба корхоналар ва ҳоказога) қайта баҳолашни ўтказишга доир зарарлар ва молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар молиявий қўйилмалар, пул маблағлари ва ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда ўз ифодасини топади.

### 13.7. Фавқулодда фойдалар ва зарарларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

*Фавқулодда фойдалар моддалари* — шундай фойдаларки, улар фараз қилинмаган, гайриоддий хуеусиятга эга, хўжалик юритувчи субъектнинг оддий фаолияти доирасидан четга чиқадиган воқеалар ёки операциялар натижасида юзага келиб, уларнинг олинисини ҳеч ким кутмаган бўлади. Буларга асосий фаолиятдан бошқа даромадлар бўлимида акс эттирилиши лозим бўлган аввалги даврларни фавқулодда даромад ёки фойдалари кирмайди.

*Фавқулодда зарарлар* — хўжалик юритувчи субъектнинг оддий фаолияти доирасидан четга чиқувчи воқеалар ёки операциялар натижасида юзага келадиган, олинисини кутилмаган гайриоддий харажатлар моддалари. Буларга давр харажатлари таркиби-



да акс эттирилиши лозим бўлган аввалги даврларнинг фавқулодда моддалари ва моддалари кирмайди.

У ёки бу фавқулодда зарарлар моддаси сифатида акс эттирилиши учун у қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

— корхонанинг оддий хўжалик фаолияти учун хос бўлмаслик;

— бир неча йиллар давомида такрорланмаслик;

— бошқарув ходимлари қабул қиладиган қарорларига боғлиқ бўлмаслик. Тегишли моддаларни фавқулодда моддалар тоифасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилаётганда ишлар бажариладиган шартроитлар ҳам ҳисобга олиниши керак. Масалан, агар хўжалик юритувчи субъект алоҳида иқлимли шартроитлар зонасида жойлашган бўлса, ушбу сабаб бўйича ишсиз туриб қолишлар фавқулодда моддалар сифатида баҳоланиши мумкин эмас, чунки ушбу модда «бир неча йиллар давомида такрорланмаслик» мезонига жавоб бермайди.

Корхона учун тасодифий, типик бўлмаган фойдалар, шунингдек тасодифий, кутилмаган ва типик бўлмаган талафот ва зарарларнинг ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

9710 «Фавқулодда фойдалар»

9720 «Фавқулодда зарарлар»

Тегишли ҳисобварақларда фаолиятни тўхтатиш муносабати билан фавқулодда воқеалар туфайли юзага келадиган фойда ва зарарлар, бошқа фавқулодда фойда ва зарарлар ҳисоби юритилади.

### 13.8. Солиқ ва йиғимларни тўлаш учун фойдани ишлатишни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Қонун билан белгиланган даромад (фойда) солиқлари ва ҳақиқий фойдадан қайта ҳисоб-китоблар

бўйича тўловларга доир йил давомида ҳисоблаб ёзилган бунак тўловлари ҳисоби учун қуйидаги ҳисобварақлар мўлжалланган:

9810 «Даромад (фойда) солигини тўлаш»

9820 «Йигимлар ва бошқа мажбурий ажратмалар»

9890 «Бошқа ажратмалар»

Фойдадан солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қонун ҳужжатлари ва бошқа меъерий ҳужжатлар билан бөнқарилади.

Ҳисобот йили тугаши билан йиллик бухгалтерия ҳисобини тузиш вақтида ушбу ҳисобварақлар ёпилади.

9810 «Даромад (фойда) солигини тўлаш», 9820-«Йигимлар ва бошқа мажбурий ажратмалар», 9890-«Бошқа ажратмалар» ҳисобварақлари дебети бўйича йил давомида ҳисоблаб ёзилган солиқлар, йигимлар ва бюджетга бошқа ажратмалар бўйича тўловлар бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади. Солиқ ва йигимларни тўлаш учун фойдани ишлатишни ҳисобга олиш ҳисобварақлари 9900-«Пировард молиявий натижа» ҳисобварағи дебетига ёпилади.

Солиқ ва йигимларни тўлаш учун фойдани ишлатишни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари бўйича таҳлилий ҳисоб солиқлар, йигимлар, тўловлар турлари бўйича юритилади.

### 13.9. Пировард молиявий натижани ҳисобга олиш ҳисобварақлари

9900-«Пировард молиявий натижа» ҳисобварағи ҳисобот йилида корхона фаолиятининг пировард молиявий натижасини шакллантириш тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Пировард молиявий натижа (фойда ёки зарар) асосий фаолият бўйича даромадлар, молиявий фаолият бўйича даромадлар ва фавқулодда даромадлар бўйича молиявий натижадан юзага келади, мазкур даромадлар ушбу фаолият турлари бўйича харажатлар суммасига камайтирилади. 9900-ҳисобварақ дебети бўйича корхона зарарлари (харажатлар), кредит бўйича эса — фойдаси (даромадлар) акс этирилади. Ҳисобот даври учун дебет ва кредит оборотларини таққослаш ҳисобот даврининг пировард молиявий натижасини кўрсатади.

Ҳар бир ҳисобот даври охирида 9900-«Пировард молиявий натижа» ҳисобварағи дебет ва кредит томонларининг кўрсаткичлари қўшилади ва ҳисобот даври учун солиқ солишгача бўлган умумий баланс фойдасини (ёки зарарини) характерлайдиган ушбу ҳисобварақ бўйича умумий сальдо ҳисобланади.

Ҳисобот йили якунлангач, йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузиш вақтида 9900-«Пировард молиявий натижа» ҳисобварағи ёпилади. Ҳисобот йилининг соф фойдаси (зарари) 9900-ҳисобварақдан 8710-«Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси (зарари)» ҳисобварағининг дебетига (зарар) ёки кредитига (соф фойда) ўтказилади.

**2002 ЙИЛДАН БОШЛАБ БУХГАЛТЕРИЯ  
ҲИСОБИ ЯНГИ ҲИСОВВАРАҚЛАР  
РЕЖАСИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ  
МУНОСАБАТИ БИЛАН ПРОВОРҚАЛАР  
ВАРИАНТЛАРИ**

| Хужалик операциясининг<br>мазмуни   | Ҳисовварақлар<br>корреспонденцияси |        |
|---|------------------------------------|--------|
|   | Дебет                              | Кредит |
| Қурилиши тугалланган ва<br>қувватларни киритиш амалга<br>оширилган асосий воситалар ва<br>объектлар фойдаланишга қабул<br>қилинди   | 0110-0190                          | 0810   |
| Асосий воситалар ҳақиқий<br>таннари буйича (дастлабки<br>қиймат) қабул қилинди  | 0110-0190                          | 0820   |
| Молиявий лизинг шартномаси<br>тугаганидан кейин узок муддатга<br>ижарага олинадиган асосий<br>воситалар олинди  | 0110-0190                          | 0310   |
| Хужалик ёки пудрат усули<br>билан қурилиш амалга<br>оширилиши чоғида тасниф<br>буйича асосий воситаларга<br>тааллуқли булган вақтинчалик<br>(титулли) бино ва иншоотлар<br>фойдаланишга киритилди | 0110-0190                          | 0810   |
| Муассислар томонидан уларнинг<br>устав сармойсига улушлари<br>ҳисобига топширилган асосий<br>воситалар балансга қабул<br>қилинди  | 0110-0190                          | 4710   |
| Акциялар учун тўлов ҳисобига<br>акциядорлардан асосий воси-<br>талар олинди   | 0110-0190                          | 4710   |
| Асосий воситалар бепул олинди   | 0110-0190                          | 8523   |
| Асосий воситалар таркибига<br>қабул қилинди:  |                                    |        |
| а) иш ҳайвонлари  | 8170                               | 0840   |
| б) маҳсулдор моллар   | 0171                               | 0840   |

| Хужалик операциясининг<br>мазмуни  | Ҳисобварақлар<br>корреспонденцияси |           |
|--|------------------------------------|-----------|
|  | Дебет                              | Кредит    |
| Қўшимча қуриш, қўшимча жи-<br>ҳозлаш, замонавийлаштириш,<br>таъмирлаш ва бошқа сифат ях-<br>шилашлари (ажратиладиган ва<br>ажратилмайдиган) сабабли асо-<br>сий воситаларнинг дастлабки<br>қиймати кўпайди   | 0110-0190                          | 0890      |
| Ёрларни ободонлаштириш билан<br>боғлиқ харажатлар асосий воси-<br>талар таркибига қабул қилинди  | 0111                               | 0810      |
| Ижара берувчи томонидан асосий<br>воситалар қиймати ижарага<br>олинган асосий воситалар бўйича<br>ижарачи томонидан ўтказилган<br>капитал қўйилмалар суммасига<br>кўпайтирилди   | 0111-0190                          | 8531      |
| Хусусийлаштирилган корхона-<br>нинг асосий воситалари объект-<br>лари ҳисобга қабул қилинди  | 0110-0190                          | 8511-8513 |
